

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**УЎК: 821.512.133:82-14 (А.Орипов) (091)**

**ХУДОЁРОВА ГУЛРУХ НОРМУРОД ҚИЗИ**

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА ЛИРИК КЕЧИНМА ВА  
ПОЭТИК ТАСВИР УЙЎНЛИГИ  
(Хориж сафарларидаги асарлари мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун тайёрланган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар:

Нурбой Жабборов,  
филология фанлари доктори, профессор

Тошкент – 2022

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>I боб. Лирик кечинманинг назарий талқини ва Абдулла Орипов шеърлятидаги бадий ифодаси.....</b>	<b>11-47</b>
1.1 Назарий талқин ва бадий ифода уйғунлиги.....	11-29
1.2 . Лирик кечинма ифодасида ранг ва оҳанг синтези .....	29-47
<b>II боб. Поэтик структура ва лирик кечинма муносабати.....</b>	<b>48-81</b>
2.1. Лирик кечинма тасвирида поэтик мазмун ва шаклнинг ўрни.....	48-65
2.2. Хорижда ёзилган шеърларнинг мавзуй таснифи.....	65-81
<b>III боб. Лирик кечинманинг поэтик образда сувратланиши.....</b>	<b>82-118</b>
3.1. Образлар таснифи ва тадрижи.....	82-105
3.2. Образ тасвирининг миллий табиати.....	105-118
<b>Хулоса .....</b>	<b>119-123</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>	<b>124-132</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида лирика ва унинг ижодкор бадиий-эстетик тафаккури тадрижида тутган ўрни, лирик кечинманинг шоир ижод лабораториясини ўрганишдаги аҳамияти долзарб илмий муаммолар сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Шеърятда лирик кечинма ва поэтик тасвир уйғунлиги масаласи ушбу йўналишдаги тадқиқотлар моҳиятини белгилайди. Лирик кечинманинг турли шеърый шакллардаги ўзига хос ифодаси, ижодкор индивидуал поэтик тафаккури тақомилига таъсири каби илмий муаммолар таҳлилини амалга ошириш адабиётшуносликни янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши жиҳатидан долзарбдир.

Дунё адабиётшунослигида турли халқлар шеърияти мисолида лирик кечинманинг ранг ва оҳанг билан синтези, ижодкор бадиий тафаккурининг намоён бўлишида лирик жанрларнинг ўрни ва аҳамияти, лирик кечинма ва фалсафий талқин уйғунлиги каби назарий масалаларни ўрганишда муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борадаги илмий изланишларни адабиётшунослик тараққиётининг бугунги даражасидан келиб чиқиб муттасил давом эттириш ва ривожлантириш, айниқса, илмий заруратга айланди.

Ўзбек адабиётшунослигида улуғ шоирлар ижодида лирик кечинма ва поэтик тасвир уйғунлиги масаласи қисман ўрганилган. Ижодда мактаб яратган Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов шеъриятини ушбу илмий муаммо кесимида тадқиқ қилиш, шу орқали ижодкор асарларининг миллат бадиий-эстетик тафаккурида тутган ўрнини илмий баҳолаш миллий адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидандир. Чунки “Абдулла Орипов ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарган нодир истеъдод эди. Унинг юксак бадиий, теран фалсафий шеърлари халқимиз кўнглидан чуқур жой олган. Драматик ва публицистик асарлари, дoston ва таржималари адабиётимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб кўшилган. Абдулла Орипов Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясининг муаллифи сифатида халқимиз қалбида

мангу яшайди”<sup>1</sup>. Абдулла Ориповнинг ўзбек миллий шеърятини жаҳоний миқёсга юксалтириш йўлидаги хизматлари, шоир назмий асарларида лирик кечинма умумбашарий идеаллар билан уйғун талқин этилгани, лирик кечинма тасвирида поэтик образ ва рамзларнинг ўрни масалаларини ёритиш адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб илмий муаммолардандир.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузасида ҳамда соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти ҳамда фольклорини ўрганишнинг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Абдулла Орипов ижоди адабиётшунослиқда кенг кўламда ва чуқур ўрганилган. Шоир шеърятини

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Одамлар яхши яшаши учун зарур шароитлар яратиш – барча раҳбарларнинг асосий вазифасидир. // Халқ сўзи, 2017 йил 28 февраль.

фалсафий мазмун ва бадий талқин мутаносиблиги<sup>2</sup>, лирик жанрлар ва бадиият<sup>3</sup>, назарий поэтика<sup>4</sup>, халқона тафаккур ва миллий руҳ ифодаси<sup>5</sup>, ҳажвнавислик маҳорати<sup>6</sup>, поэтик тафаккур тадрижи<sup>7</sup>, Алишер Навоий анъаналарининг Абдулла Орипов шеърлятида янгилаштириши<sup>8</sup> сингари илмий-назарий муаммолар кесимида тадқиқ қилинган. Бундан ташқари, шоир ижодий биографияси, у мансуб адабий давра, дунёқараши ва индивидуал бадий олами<sup>9</sup>, давлат мадҳияси матнидан бошлаб бир қанча нодир асарларнинг, жумладан, Италия сафарида ижод этилган шеърларининг яратилиш тарихи, Абдулла Орипов таржимонлик фаолиятининг чўққиси бўлган Данте Алигьерининг “Илохий комедия”си таржимасининг юзага келиши тадрижи, шеърини таржимада образ тасвири маҳорати сингари масалалар бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилган<sup>10</sup>.

---

<sup>2</sup> Қўшжонов М. Онажоним шеърляти. – Т.: Ўқитувчи, 1994; Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Т.: Ёш гвардия, 1979; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: Филол.фан.докт... дисс. – Т.: 1994; Қўшжонов М., Мелиев С. Абдулла Орипов. – Т.: Маънавият, 2001; Ғаниев И., Афоқова Н. Озод руҳ фалсафаси. – Т., Фан, 2007; Шодмонов Н. Шоир ижодининг олмос қирралари. / Ўзимники эрур шу созим. Илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши: ҚарДУ нашриёти, 2011. – Б.45-53; Жабборов Н. Замон, мезон, шеърляти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015; Райҳонова М. Абдулла Орипов шеърлятида оламни идрок этиш ва бадий воқелантириш тадрижи. Фил. фан. фалсафа док-ри... дисс. – Қарши, 2021.

<sup>3</sup> Ғафуров И. Лириканинг юраги. –Т.: “Ёш гвардия”. 1982. – Б.224. Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари: Филол.фан.докт...дисс. – Т., 1996; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар. Филол.фанл.номз... дисс. – Т.: 1998; Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати: Филол.фан.докт... дисс... автореф. – Т.: 1999; Маматова А. Ўзбек адабиётида сарбаст шеърнинг шаклланиши ва унинг бадий-эстетик хусусиятлари: Филол.фан.номз... дисс. – Т.: 2000; Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеърлятида образлилик: Филол. фан. номз... дисс. – Т.: 2005; Ашурова Г. Сўз ва тинсол уйғунлиги. – Т.: Маънавият, 2007; Улуғов А. Асл асарлар сеҳри. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. – Т.: 2007;

<sup>4</sup> Акрамов Б. Проблема поэтического образа в современной узбекской лирике (60-е-80-е годы): Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Т.1991; Қосимов Я. Ўзбек шеърлятида поэтик фикрнинг янгилаштириш жараёни: Филол. фан. номз... дисс. – Т.1993; Мели С. Сўзу сўз. – Т.: Sharq, 2020; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. –Т.: Фан, 2006, –Б.143-151; shu muallif. Abdulla Oripov she'riyatida oila idilliyasi. /Abdulla Oripov fenomeni va o'zbek she'riyati taraqqiyoti. – Qarshi, 2021. –Б.46-50;

<sup>5</sup> Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеърлятида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол.фанл.номз... дисс. – Т.: 2011; Йўлдош Қ. Сўз ёлқини. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018; Ўсарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий руҳ ифодаси. Фил. фан. фалсафа док-ри... дисс. – Т.: 2020.

<sup>6</sup> Равшанова Г. Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати. Фил. фан. фалсафа док-ри... дисс. – Қарши, 2020.

<sup>7</sup> Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърляти бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Фил. фан. док-ри... дисс. – Т.: 2018; Давлатова А. Абдулла Орипов шеърлятида поэтик тафаккур тадрижи. Фил. фан. док-ри... дисс. – Т.: 2022.

<sup>8</sup> Жабборов Н. Маоний аҳлнинг соҳибқирони. – Т.: Адабиёт, 2021. – Б. 207-223.

<sup>9</sup> Қўчимов А. Мен шоирман, истасангиз шу... – Т.: Akadernashr, 2016. – Б.198.

<sup>10</sup> Саидов А. Мирзо Ф. Сен баҳорни соғинадингми? – Т.: Mashhur-press, 2019. – Б. 214; Саидов А., Абдурахмонов Қ., Мирзо Ф. Ўзбекистон – дилбар ватаним. – Т.: Akadernashr, 2021.

Аён бўлишича, Абдулла Орипов адабий мероси адабиётшунос олимлар томонидан турли аспектда тадқиқ қилинган. Уларнинг айримларида шоирнинг хорижда ёзилган асарларига ҳам у ёки бу нуқтаи назардан муносабат билдирилган. Бироқ шу пайтгача ушбу илмий муаммо махсус ўрганилмаган. Ушбу диссертация шоирнинг хорижий сафарларда яратилган асарлари монографик асосда тадқиқ қилингани жиҳатидан мазкур тадқиқотлардан фарқ қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида лирик кечинма ва поэтик тасвир уйғунлиги масаласининг поэтик шакл, мазмун ҳамда образда намоён бўлиш хусусиятларини илмий-назарий аспектда очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган асарларида лирик кечинманинг ўрни масаласини ўрганиш;

шоирнинг тадқиқот объекти қилиб олинган шеърларида ранг ва оҳанг синтези усуллари илмий асослаш;

хорижда яратилган шеърларда поэтик шакл ва мазмуннинг ўрнини аниқлаш, шоир бадий-эстетик тафаккури такомилидаги аҳамиятини баҳолаш;

шоирнинг хорижда яратилган асарлари мавзуй таснифини амалга ошириш: фалсафий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, табиат ва ишқий мавзудаги шеърларининг лирик кечинма тасвиридаги ўрнини белгилаш;

Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърлари образлар тизимини ўрганиш, назарий таснифлаш ва асосий хусусиятларини илмий далиллаш.

**Тадқиқотнинг объектини** Абдулла Ориповнинг 8 жилдлик “Танланган асарлар”ида жамланган шеърӣ асарлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предметини** Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган асарларида лирик кечинманинг ўрни, ранг ва оҳанг синтези, поэтик шакл ва мазмуннинг лирик кечинма тасвиридаги бадиӣ вазифаси, лирик кечинманинг поэтик образда намоён бўлиш усуллари каби масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, тадқиқотда қиёсий-тарихий, аналитик, биографик, статистик, герменевтик ва психоанализ методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърлари асосида тузилган 8 та тўплами – “Москва сафари”, “Арманистон сафари”, “Ҳаж дафтари”, “Женева дафтари”, “Италия дафтари”, “Япон оҳанглари” ҳамда “Туркия дафтари”га кирган шеърлари лирик кечинма ва поэтик тасвир уйғунлиги кесимида текширилиб, шоирнинг хорижда яратилган 277 та шеърдан 135 таси мисолида ижодкор назмӣ асарларида лирик кечинманинг ўрни, унинг ранг ва оҳанг билан синтези усуллари илмий исботланган;

Абдулла Орипов шеърлари мисолида лирик кечинмага доир мавжуд назарӣ қарашлар бойитилиб, унинг *антитезис лирик кечинма ва турғун лирик кечинма* каби янги турлари аниқланиб, шоир асарлари таҳлили негизида илмий асосланган;

лирик кечинма тасвирида поэтик образнинг ўрнини ёритиш жараёнида адабиётшуносликда мавжуд детал образларнинг икки тури – *умумий детал образлар* ҳамда *миллий менталитетга хос детал образлар* фарқланиб, шоир шеърлари асосида уларнинг адабий-назарӣ хусусиятлари очиб берилган;

Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган асарларида лирик кечинма ва бадиӣ тасвир уйғунлиги кесимида поэтик образнинг: *кашфиёт образлар, турғун ва ўзгарувчан образлар, восита образлар* сингари янги турлари аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

Абдулла Орипов шеърини таҳлили мисолида лирик кечинманинг антитезис лирик кечинма ва турғун лирик кечинма каби янги турлари назарий асосланган;

шоир назмий асарларида ранг ва оҳанг синтези воситасида ижтимоий, ишқий, диний-ахлоқий лирик кечинмаларнинг ўзига хос ифодалангани аниқланган;

лирик кечинманинг поэтик мазмун ва шакл мутаносиблигини таъминлашдаги ўрни аниқ мисоллар таҳлили воситасида далилланган;

Абдулла Ориповнинг лирик кечинма ифодасида поэтик образнинг *кашфиёт образлар, турғун ва ўзгарувчан образлар, восита образлар* сингари янги турларидан санъаткорона фойдалангани назарий жиҳатдан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, қўлланилган илмий усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг илмий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган асарларида лирик кечинма ва бадиий тасвир уйғунлиги муаммосини монографик тадқиқ этишга бағишланган ушбу диссертацияда натижаларининг илмий аҳамияти шоир шеърини оид тадқиқотларда эришилган назарий қарашларни янгилashi ва тўлдириши, лирик кечинма тасвирида поэтик мазмун, шакл ва образнинг ўрни ҳамда бадиий-эстетик вазифасига доир илмий-назарий қарашлар билан бойитишида кўринади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти замонавий ўзбек шеърятининг назарий асослари ҳамда лирик кечинма ва поэтик тасвир мутаносиблигига доир илмий тадқиқотлар учун материал бера олиши, олий ўқув юртларининг “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” таълим йўналишида “Адабиётшунослик назарияси”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи” каби фанлардан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда манба бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Абдулла Орипов шеърятда лирик кечинма ва поэтик тасвир уйғунлиги бўйича олиб борилган тадқиқот асосида олинган натижалар асосида:

Абдулла Орипов асарлари ва мумтоз шеърятнинг қиёсий таҳлили мисолида лирик кечинманинг янги аниқланган *антитезис лирик кечинма, турғун лирик кечинма* каби турлари, шоир шеърлари тадқиқи асосида адабиётшуносликда мавжуд детал образларнинг *умумий детал образлар* ҳамда *миллий менталитетга хос детал образлар* тарзидаги таснифи, ранг ва оҳанг бадиий синтези воситасида ижтимоий, лирик, ишқий, диний-ахлоқий лирик кечинмалар тасвири акс этгани ҳамда бунда анъанавийлик ва новаторликнинг ўрнига доир таҳлилий фикр ва хулосалардан ОТ-Ф1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 16 мартдаги 04/1-481-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ўзбек шеърятда лирик кечинма ва поэтик тасвир уйғунлигига доир илмий хулосалар янги назарий қарашлар билан бойитилган;

Абдулла Ориповнинг лирик кечинмани ифодалашда поэтик мазмун ва шакл уйғунлигига эришуви Алишер Навоий адабий-эстетик қарашларининг таъсири билан боғлиқ экани, Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Фусули арбаъа” асарларидаги ранг ва оҳанг тасвирига доир бадиий кашфиётлар лирик кечинма тасвирида Абдулла Орипов учун маҳорат

мактаби вазифасини ўтагани, шоирнинг хорижда ёзилган шеърларидаги ахлоқий-маърифий мазмун Алишер Навоийнинг “Ҳайрату-л-аброр” ва “Арбаъин” асарларидаги қарашлар билан уйғунлиги ҳақидаги илмий хулосалардан “ПЗ-20170926459 рақамли “Навоийшунослик тарихи” (XX-XXI асрлар)” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 16 мартдаги 04/1-480-сон маълумотномаси). Натижада Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган асарларида лирик кечинма ифодасида поэтик мазмун, шакл ва образ тақомилида буюк салафи Алишер Навоий ижод концепциясининг таъсирига доир илмий-назарий тамойиллар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси:** тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан, 3 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 таси республика, 2 таси халқаро анжуман материаллари тўпламларида нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 132 саҳифани ташкил этади.

# Ї БОБ. ЛИРИК КЕЧИНМАНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ ВА АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДАГИ БАДИИЙ ИФОДАСИ

## 1.1. Назарий талқин ва бадиий ифода уйғунлиги

Кечинма – шеърнинг ранги. Ижод маҳсулининг бетакрорлиги ундаги лирик кечинманинг ранг-баранг тарзда акс эттирила олиншига боғлиқ ходиса. Кечинманинг қай тарзда вужудга келиши эса ижоднинг туб моҳиятини англаш жараёнидир. Лирик кечинма – фикр ва ҳиссиёт уйғунлиги ҳосиласи. Аммо шеър таҳлили жараёнида фикр – ҳисларни ҳосил қилувчи восита саналадими ёхуд ҳис натижасида фикр ҳосил бўладими, айти шу жиҳатни аниқлаш етакчи масаладир. Бу масала ҳақида “Адабиётшунослик назарияси”да шундай хулоса берилади: “Ҳис ва сезгирликнинг ўзаро тафовути шундаки, кейингиси танимизда бирор бир моддий жисм таъсирида кўзғолган жисмоний сезги, биринчиси ҳам жисмоний, бироқ у фикрдан туғилган сезги”<sup>11</sup>. Ҳисларнинг пайдо бўлиш манбаи фикрга бориб тақалади, аммо шеър асарда ҳис ва фикрнинг омикталашуви бадиийликни таъминлайди.

Лирик кечинма ҳар бир ижодкор ижодида турлича акланса-да, уни ҳосил қилувчи воситалар маълум бир умумийликка эга. Поэтик образ, оҳанг, ритм, пейзаж, ўй-хаёл, вазн кабилар лирик кечинмани ҳосил қилувчи воситалар сирасига киради<sup>12</sup>. Бу воситалар лирик кечинма табиатини ойдинлаштиради. Ҳеч бир шеър лирик кечинмадан ҳоли бўлиши мумкин эмас. Зеро, адабиёт – инсон туйғуларининг маҳсулидир. Жумладан, шеърят руҳий кечинмалар, қалб туғёнлари натижаси ўлароқ дунёга келади. Шоир қалбининг тубида биқиллаб қизиб турган ҳиссий кечинмалар маълум бир вазият, ҳиссий таъсир оқибатида вулқон каби катта қудратга айланади ва портлайди. Шеърят айнан шу ҳислар портлашининг маҳсулидир. Ҳар қандай портлаш жамиятга маълум даражада таъсир кўрсатгани каби ҳиссий

<sup>11</sup> Адабиёт назарияси. II том. Фан. Б-241

<sup>12</sup> Бобобекова Г. Замонавий ўзбек шеърлятида лирик кечинма ифодаси. БМИ. Гулистон. 2015. – Б.23

портлаш ҳам унинг вакиллари қалбига, шуурига, таъсир кўрсатади. Шоир кечинмаларининг маҳсули бўлмиш шеър таъсирида бутун бошли жамият ҳаракатга келиши мумкин. Туйғулар шоир қалби призмасидан ўтиб кучли лирик кечинмага айланади. Ижодкор яратиш имконига, ижод яралиш хусусиятига эга эканлиги инобатга олинса, айти шу ҳодиса натижаси лирик кечинмадир.

Адабиётшунос Баҳодир Саримсоқов лирик кечинма тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “Ҳаётдаги характерли воқеа ва ҳодисалар ижодкорнинг диққат-эътиборини тортиб, қалб-у шуурига ўрнашиб олади, унга ором бермайди, унинг ҳаёти ва фаолиятидаги ўй суриш, мулоҳаза юритиш мувозанатини бузади. Санъаткорнинг қалбини забт этган, унинг оромини ҳузур-ҳаловатини бузган руҳий ҳолат лирик кечинма деб аталади”<sup>13</sup>. Олим лирик кечинма воқе бўлиши ва тугал эстетик ҳодиса сифатида шаклланишига қараб, уни *оний лирик кечинма* ва *хотира лирик кечинма*га ажратади. Буларнинг бир-биридан асосий фарқи, бири лаҳзалик кечинма натижаси ўлароқ яратилган шеъринг асарлар бўлса, бири шоирнинг узок вақт мобайнида хаёлларини банд этиб юрган фикрлари натижасида йиллар давомида яратилган шеъринг намуналаридир. Бунга Хуршид Давроннинг 1981-1982 йилларда яратилган “Девон-у луғотит-турк”, Шавкат Раҳмоннинг 1974-1980 йилларда яратилган “Шеърингдаги ҳайкалтарошлар” каби шеърлари мисол бўла олади. Юқоридаги назарий таснифдан келиб чиққан ҳолда Абдулла Ориповнинг 8 мамлакатга сафари натижаси ўлароқ вужудга келган “Ҳаж дафтари”, “Женева дафтари”, “Япон оҳанглари”, “Италия дафтари”, “Туркия дафтари”, “Уммонорти илҳомлари” тўпламлари ва Москва, Арманистон сафарларида яралган жами 277 та шеъринг ёзилган йил ва саналари аниқ бўлганлиги боис улар оний лирик кечинма маҳсулидир.

Абдулла Ориповнинг хорижда ёзилган шеърларида лирик кечинманинг ўрни масаласини ўрганиш янги назарий асослар воситасида ёндашишга

---

<sup>13</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Т.: Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти. 2004. – Б.85

ундайди. Шоирнинг шеърларида кечинмани ҳосил қилувчи воситалар бир хил бўлсада, кечинманинг ўзи турличадир. Абдулла Орипов руҳиятидаги эврилишлар унинг кечинмаларига ҳам таъсир ўтказиши табиий ҳол ва шу жиҳатдан ижодкор баъзан қарама-қарши туйғулар гирдобиди иккиланишлар ичида ўз туйғуларини акс эттиради, аммо унинг руҳиятида шундай кечинмалар борки, улар асло ўзгармайди. Айни шундай кечинмаларни **антитезис лирик кечинма** ва **турғун лирик кечинма** дея номлаш мумкин.

Шоир кайфият одами. Унинг кечинмалари ҳам ўзгарувчан. Нафақат шоир, балки ҳар бир инсон ўзаро қарама-қарши туйғулар ичида қолиши мумкин. Бошқалардан фарқли ўлароқ ижодкор руҳиятидаги кураш унинг ижодидида воқеланади. Ижодкор бир асарнинг ўзидаёқ бир неча хил руҳий ҳолатни ҳис этиши ва акслантириши мумкин. Шоир бундай шеърларда бошқа бир лирик қаҳрамоннинг эмас, ўз туйғуларини ифодалайди, яъни бунда лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи. Адабиётшунос Дилмурод Қуронон лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи бўлган шеърларга “Автопсихологик лирика” деб ном беради: “Автопсихологик лирика деганда лирик қаҳрамон билан шоир шахсияти мос тушган, икаласи бир-бирига яқин бўлган шеърлар тушунилади. Яъни автопсихологик шеърларда шоир ўз қалбига мурожаат қилади, ўз- ўзини ифодалайди”.<sup>14</sup>

Абдулла Орипов ижодидаги ёлғизлик мотиви унинг антитезис лирик кечинмаларини акс эттиришда муҳим аҳамият касб этади. Шоир поэтик кайфиятида ёлғизлик аксарият ҳолларда устунлик қилади:

Ёлғизмисан дединг,  
Ёлғизман дедим.  
Сўнгра қўшиб қўйдинг:  
Ёлғизман мен ҳам.

Ижодкор ёлғизликдан ўзига ҳаловат топади. Юқоридаги кечинмаларига ҳамоҳанг тарзда “Италия дафтари”да ҳаётда чинакам дўст учрамаганидан куйинган шоир хиёнаткор дўстлардан озор чекишдан кўра “Ёлғизлик

---

<sup>14</sup> Қуронон Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент.: Фан, 2007. – Б.183.

*афзалдир, ёлғизлик афзал*”, дея такрорлайди. Абдулла Орипов лирик қаҳрамони аксарият ҳолларда “нопок қалблар билан жиддий ва кўпроқ тўқнашмоқда. Шоир яхшиликнинг қўли қисқа бўлса, ёмонликнинг қўли баланд деб билади”<sup>15</sup>. Шу сабаб бундай ноҳақликларнинг гувоҳи бўлишдан кўра ёлғизликни афзал кўради. Боиси, шоир учун энг оғир азоб дўстлар хиёнатини кўришдир. Аммо “Уммон орти илҳомлар”дан ўрин олган шеърлар таҳлили умр сарҳисобига келиб, шоирнинг лирик кечинмалари тамомила ўзгара борганини тасдиқлайди. Энди шоир ҳаётда умрбод ёлғиз бўлмаганини, тақдир унга ўзи каби ҳалол ва виждонли дўстлар тухфа этганини англай бошлайди:

Сендан дўст сўрадим, ёлвориб яна,  
Тўғригўй ҳамроҳлар дуч келди, қуллуқ.  
Улар ҳам мен каби юрибди, ана,  
Чайқов бозорингга киргулари йўқ.

Маълум бўладики, шоир ўз кечинмалари йиллар ўтгани сари ўзгариб борганини шеърлардаги лирик кайфият воситасида тадрижий акс эттиради. Бу каби ҳолатлар ифодаси яна бошқа шеърларда ҳам учрайди. У ўз туйғуларини ўша вақтдаги руҳий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ёритар экан, қарама-қарши фикрлар ҳам ўқувчини иккилантирмайди, ғашига тегмайди. Боиси, шоир бир лаҳзалик кечинмасини борича, бўямай, ҳаққоний тасвирлайди. Москва сафарида ёзилган “Мени олиб кетинг ўз диёримга” шеъри шоир қалбидаги тушкунлик кайфияти ифодалангани билан характерланади. У ҳаётдан умидини узиш баробарида, ҳаётнинг қонуниятлари, жабрлари қаршисида таслим бўлган инсон қиёфасида намоён бўлади. Майсанинг қисқагина умрини таҳлил қилиб, ўзи ҳам ҳаётдан кетишга руҳан тайёр эканини ифодалайди:

Иссиқ жон, дейдилар, жон бўлса олар,  
Пайт келса чечак ҳам сарғаяр сўлар.  
Ким билгай паймонанг қай ерда тўлар,

---

<sup>15</sup> Адабий турлар ва жанрлар. II-жилд. – Тошкент: Фан. 1992. – Б.125.

Мени олиб кетинг ўз диёримга.

Абдулла Ориповнинг биргина чечак мисолида адабиётшунос Матёқуб Қўшжонов илк шеъри бўлмиш “Арча” таҳлилида қайд этган “ҳаёт фалсафаси, табиат фалсафаси”<sup>16</sup>ни яна такрор сувратлантиради. Аммо бу руҳий ҳолат доимий кучга эга эмас. Шоирнинг қирқ ёшларидаги ҳаётдан кетишга руҳан тайёрлик кайфиятидан олтмиш ёшида асар ҳам қолмагани бунинг исботидир. Бу лирик кечинманинг ифодаланишида ҳам муаллиф “ҳаёт” поэтик образини танлайди:

Зимистоннинг юзин терс қилсин,  
Умр қадрин билганлар билсин.  
Билмаган-чи, кўксини тилсин,  
Сени жуда севаман, ҳаёт.

Шоир умр ниҳоясида ҳаётни тўлиқроқ англай бошлар экан, унга муҳаббати ошади, яна яшагиси келаверади. Умрнинг қадрини ва ҳикматини теранроқ англаб етади. Икки шеърнинг бўғинлар сони ва оҳанги ҳам лирик кечинма юзага чиқишида муҳим вазифа бажаради. Биринчи шеърдаги 11 бўғин, босиқ руҳий ҳолат лирик қаҳрамоннинг тушкун кайфиятини, иккинчи шеърдаги 9 бўғинли оҳанг эса ижодкорнинг ҳаётга муҳаббат кечинмаси аниқроқ ифодаланишига ёрдам беради. Бу каби антитезис лирик ифода нафақат шоирнинг турли тўпламларида, баъзан ҳатто биргина шеърнинг ўзида ҳам кузатилади. Шоир “Умр дафтарлари” деб номланган 8 қатор шеърда:

Кўргингиз келса гар бахтли одамни,  
Қайга борардингиз, ахир нетгайсиз?  
Келинг ҳузуримга, унутинг ғамни,  
Яйраб ўтиргайсиз, мамнун кетгайсиз, –

дея ўзини дунёдаги энг бахтли одамлар сирасига қўшади. Аммо бахтлилик кайфияти шоир руҳиятида узоқ давом этмайди. Кейинги банднинг ўзидаёқ лирик кечинма тасвири тамомила ўзгаради. Абдулла Орипов лирик

---

<sup>16</sup>Қўшжонов М. Сувонов М. Истеъдоднинг туғилиши. Абдулла Орипов. –Т.: Маънавият. 2000. – Б.136

кечинмани ифодалаш жараёнида бир шеърда бир шахс “мен”идан келиб чиққан ҳолда икки хил поэтик образни – бахтли ва бахтсиз одам қиёфасини икки хил лирик кечинма воситасида акс эттиради:

Кўрмоқчи бўлсангиз бахтсизни агар,  
Юрманг йироқларда, келинг мен томон.  
Ҳасратли умримнинг ўзи бир дафтар,  
Ўқиб йиғлай-йиғлай, қайтгайсиз нолон.

Аммо кечинманинг бундай ифодаси ўқувчида заррача эътироз уйғотмайди. Бунинг сабаби ижодкор туйғулари рост, кечинмалари самимийлигидадир. Чунки шоир ўзи маълум бир лаҳзада англаб етган ва ҳис қилган кечинмаларини ифода этади. Толстой “Ёш ёзувчиларга” мақоласида: “Ҳар биримиз ҳам кўнглимиздагини ёзсақкина яхши чиқади. Буни алоҳида таъкидлайман. Санъат асари киши ўзи бирор нарса ёзишим керак, деб ҳисоблаганида эмас, балки ниманидир яратиш, ёзиш иштиёқи туғилгандагина вужудга келади”<sup>17</sup>, дея таъкидлайди. Абдулла Орипов ижоди айни яратиш иштиёқи туғилгандагина ёзилган шеърлардан иборат бўлиб, у айнан ҳис этганларинигина ёзади. Шу жиҳатдан, унинг шеърларидаги лирик кечинмалар жонли ва кўчувчан.

Шоирнинг:

Қалбим буюрмаса, бирор сўзни ҳам,  
Ёзмасман ҳеч қайда, ҳеч вақт, ҳеч қачон –

каби мисралари фикримиз исботидир. Абдулла Орипов шеърияти таҳлили шоирнинг бошқаларга тегишли кечинмаларни ҳам энг аввал, ўз қалби призмасидан ўтказиб, ўзиники қилгачгина ёзишга киришганидан далолат беради. Бу ҳолат фақат чинакам ижодкорларда учрайдиган хусусиятдир. Адабиётшунос Озод Шарафиддинов: “Лирик шоир ўз шахсияти учун бутунлай ташқи бўлган, ўзига бегона бўлган дунёдан олган туйғуни ифода қилган вақтида ҳам у субъективдир. Чунки у ифода этган ҳар қандай туйғу

---

<sup>17</sup> Толстой. Ёш ёзувчиларга. –Т.: Бадиий ижод ҳақида. 1960. – Б.93

ижод қилиш вақтида ҳам унинг ўз туйғуси бўлиб қолади”<sup>18</sup>, – дея ёзганида айти шу ҳолатни назарда тутган эди.

Абдулла Орипов ҳам айти шу ҳолат ҳақида тўхталиб, қалбан ҳис қилмасдан шеър ёзадиган шоирларни “қосиблар” деб атайти. Ижодкорларнинг бу биринчи тоифасини қоралаб, “адабиётга тирикчилик тақозоси туфайли ёхуд ном қозониб яшаш иштиёқида” кириб келганлигини қайд этса, иккинчи тоифадагилар эса “қалб амри билан ижод қилувчи”<sup>19</sup> ижодкорлар бўлиб, улар туғма истеъдод эгаси эканликларини таъкидлайти. Шу жиҳатдан, Абдулла Орипов ижоди бадий мукамал устунга ва бетакрорликка эга. Унинг шеърлари, шубҳасиз, туғма истеъдод ва илҳом маҳсулидир. Абдулла Орипов ижодининг бетакрорлиги ва иккинчи бир нусхаси йўқлигини Мирза Кенжабек қуйидагича изоҳлайти: “Баъзи санъаткор шоирларга тақлид қилиб бўлмайти. Абдулла Ориповга тақлид қилган киши уятга қолади. Унинг ҳар тарафидан улуғ шоирнинг кийимлари кўриниб туради”<sup>20</sup>.

Абдулла Орипов лирикаси ҳақида сўз борар экан, унинг барча шеърларини антитезис лирик кечинма маҳсули ўлароқ баҳолаш ножоиз. Боиси, шоир баъзи шеърларида қатъий позицияни сақлайти, шахсий қарашларини муҳофаза қилади. Жумладан, Абдулла Орипов башарият учун хос бўлган Ватан тушунчасини ифодалашда, Ватан билан боғлиқ қарашларни акс эттиришда ўзининг *турғун лирик кечинмаларига* эга. Ватан билан боғлиқ кечинмалар, қайда бўлмасин, унинг ўзи билан бирга яшайти ва ўзгармайти.

Хоҳ Италия, хоҳ Женева, хоҳ Туркия, хоҳ Америка – ҳамма ерда шоир Ватани ва халқи тақдирдан хавотир олади, унинг келажаги ҳақида қайғуради. Ютуқларидан фаҳрга тўлса, камчиликларидан қайғуга ботади. Унинг Ватанга муҳаббати ҳар бир тўпламдаги Ватан ҳақидаги шеърларда яққол кўзга ташланади. Шоир қалбидаги муҳаббат, фаҳр, қайғуриш каби

<sup>18</sup> Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Т.: Ёш гвардия. 1979. – Б-147.

<sup>19</sup> Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. Усмон Носир ҳақида сўз. – Т.: Ёш гвардия – Б-81.

<sup>20</sup> Кенжабек М. Ёшларга дил сўзларим. –Т.: Адабиёт. 2021. – Б.64

барча лирик кечинмалари унинг Ватан ҳақидаги шеърларида бўй кўрсатиб туради ва бу кечинмалар йиллардан йилларга, китобдан китобга, шеърдан шеърга кўчади.

Ҳеч бир бадий асар лирик кечинма тасвиридан холи бўлмайди. Аммо кечинма ҳам индивидуал характерга эга. Ҳар бир ижодкор бирор воқеликка ўзи истаган назар билан боқади ва шу боис ҳам айни бир воқеага нисбатан ҳар бир инсон турлича кечинмани ҳис этиши мумкин. Адабиётшунос Нурбой Жабборов Абдулла Ориповнинг Ватан ҳақидаги лирикаси хусусида сўз юритиб, шундай ёзади: “Ватан мавзуси Абдулла Орипов ижодида ўзига хос юксак мақомга эга. Ижодкорнинг бу мавзудаги шеърлари шеърятдаги мавжуд қолипларга асло мос келмайди. “Ватан” сўзини суистеъмол қилиш, тарғибот-ташвиқот руҳи шоир ижодига мутлақо бегона. Абдулла Орипов Ватан мавзусига бетакрор ёндашади, кутилмаган ташбеҳларни қўллайди, мисралар қуйилиб келади. Натижада, уларни мутолаа қилганлар қалбида ўз-ўзидан она заминга муҳаббат туғилади. Кўнгилларга Ватан қадри нечоғли юксак экани ҳақидаги туйғу инади”<sup>21</sup>. Шоирнинг хориж сафарлари давомида вужудга келган 8 та туркумдаги Ватан ҳақидаги ҳар бир шеърга назар солсак айни шу фикрлар тасдиғига гувоҳ бўламиз. Уларнинг ҳар бирида Ватан ва халқ тақдиридан хавотир, унга қайғуриш, куйиниш каби туйғулар акс этади. Шоир “Ҳаж дафтари” туркумидан ўрин олган “Каъбатуллоҳ” шеърда шундай ёзади:

Ҳануз бири икки бўлмаган элдан  
Келдим, нажот излаб, ё Каъбатуллоҳ.  
Бағри хун, толеи кулмаган элдан  
Келдим, нажот излаб, ё Каъбатуллоҳ.

Ҳаж сафари ҳар бир мусулмон орзу қиладиган сафардир. Одатда бу сафарда инсонлар гуноҳларидан фориғ бўлишни, Оллоҳнинг маконини зиёрат этиб мақсадларига етишмоқликни ният қиладилар. Абдулла Орипов шу улуг масканда ўз халқи ва Ватани тақдири учун куйинмоқда. Бири икки бўлмаган,

---

<sup>21</sup> Жабборов Н. Гўзал ташбих, сирли рух / Озод ватан саодати. – Т.: Адиб. 2013. – Б.325.

толеи кулмаган халқ учун нажот излапти. Эътиборга молик жиҳати, шоир ўзини эмас, халқини ўйлаганидир. Бу муқаддас даргоҳда ёлгон сўз айтиб бўлмаслиги, ҳеч нарсадан тама кутиш мумкин эмаслиги инобатга олинса, шоир қалбидаги бу кечинмалар нақадар соф ва самимий экани аён бўлади. Шоир қалбидан 1993 йили ҳаж сафари давомида кечган айнан шу кечинма кейинги шеърларда ҳам ўзига хос бадиий талқин этилгани кузатилади. Ижодкор “Женева дафтари”дан ўрин олган “Халқаро анжуман” шеърида мана бундай ёзади:

Қўшни фин сўрайди секин, айлаб ноз:

– Жаноб, Сиз ким учун бергайсиз овоз ?

Мен ҳам эснайман-у, кўкрак кераман,

Ўзбекистон учун овоз бераман!

Ўзбекистон учун овоз бериш! Шоир Ҳаж зиёратида Ватани учун дуо қилган бўлса, халқаро конференцияда Ватани учун овоз беради. Ҳар икки шеърда ҳам шу юрт тақдирини ўз қисмати деб билади. Юқорида келтирилган шеър шоирнинг Женевага 1996 йилда қилган сафари давомида ёзилган бўлса, шоир иккинчи бор Женевага саёҳат қилганда ҳам қалбида ўша аввалги лирик кечинмалар билан қайтади. Шоирнинг 2003 йил, 8 июлда ёзилган “Мактуб” шеърида айтилган ҳолат кузатилади:

Мен ҳам номинг айтиб дуода турдим,

Сен омон ўтгайсан жар-у ўрлардан.

Мен фақат кўрқаман, кўрқаман, юртим,

Ичингдаги турли балоҳўрлардан.

Шоир яна ўз юрти учун дуода, яна ўз юрти учун хавотирда. Айтилган шу ўхшаш кечинмалар “Женева дафтари”га келиб тугаб қолмайди. Улар шоирнинг бошқа сафарлардаги, ўзга юртлардаги шеърларида ҳам изчил давом этади:

Дўзах ҳар қайда бор ва лекин жаннат

Ипакка ўралган дурдек ниҳондир.

Гар уни заминда ахтарсанг албат  
Бири сен, бириси Ўзбекистондир.

Шоир Италия ҳақида сўзлаб туриб, яна Ватанини ёдга олади. У Ватанидан четда туриб ҳам, шу юрт билан, шу тупроқ билан чамбарчас боғланган. У қаерда бўлмасин, токи танида жони бор экан, кўнглидаги Ватанга бўлган чексиз, самимий кечинмалар у билан бирга юраверади, улғаяверади. Бу ҳақда Абдулла Ориповнинг ўзи суҳбатларидан бирида шундай деган эди: “Ватан туйғуси инсонга она вужудидаёқ эш бўлса керак, деб ўйлайман. Йиллар, ҳаёт бу туйғуга шакл беради, сайқал беради”.<sup>22</sup> Шоирнинг хорижда яратилган Ватан ҳақидаги шеърларининг яратилган саналар бўйича поэтик тадрижи таҳлил этилганда, юқоридаги фикрлар тасдиқланади – шоирнинг ўз Ватанига бўлган туйғулари йилдан йилга ортса ортадики, асло камаймайди. Қай юртга сафар қилмасин, дунёнинг энг гўзал гўшасида ҳам ўз юртини соғинаверади. Ҳатто Ватани бағрида туриб ҳам унинг меҳрига тўймайди, уни кўмсайверади. Инсоннинг бу дунёда мусофирлигини, асл муҳаббат макони фақатгина ўз юрти эканлигини, Ватанни севмоқ ҳам аслида инсонга имтиҳон эканлигини яхши англайди. “Уммонорти илҳомлари”дан жой олган қуйидаги мисралар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Азал мусофирдир дунёда одам,  
Рухим гарчи собит, муаллақ танзим.  
Бир умр қўйнингда муқим турсам ҳам,  
Соғиниб яшадим сени, Ватанимм.  
Меҳр бир, нафрат ҳам бир томондир бу,  
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Кўриниб турибдики, Ватан билан боғлиқ кечинмалари умрбод шоир билан бирга, унинг юрагида бўлди. Абдулла Ориповнинг хорижда ёзилган Ватан ҳақидаги шеърларида бетакрор ифодаланган айни шу бир-бирини

---

<sup>22</sup> Орипов А. Ватан, кўрар кўзим, айтар сўзимсан. / Танланган асарлар. 7-жилд. – Т.: – Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2013. – Б.216

тўлдириб борувчи мисралар, китобдан китобга теранлашиб, таъсир кучи ошиб борувчи кечинмалар ушбу фикрни қувватлайди. Ватан ҳақидаги бу шеърларда шоир кечинмалари очик-ойдин талқин этилади. Абдулла Ориповнинг Ватан туйғуси ифодаланган кечинмалари хорижда ёзилган шеърларида икки хил тарзда намоён бўлади:

**1. Зоҳирий кечинмалар тарзида.** Бунга юқорида биз таҳлил қилган шеърлар мисол бўла олади. Уларнинг ҳаммасида шоирнинг Ватанга бўлган меҳри, муҳаббати яққол намоён бўлади. Шоир ўз кечинмаларини тўғридан-тўғри ифодалайди.

**2. Ботиний кечинмалар тарзида.** Бундай шеърларда шоир ўз лирик кечинмаларини очик-ошкор изҳор этмайди. Уларни қандайдир воқеа-ҳодиса ёхуд образ замирига яширган ҳолда тасвирлайди. Бундай шеърлар тағмотидаги асл лирик кечинмани топиш, англаш ўқувчидан бир қадар изланишни, закийликни талаб этади. Адабиётда бир лирик кечинма воситасида бошқа бир лирик кечинмани ифодалаш ҳам мумкин. Бунда шоир бадиий мақсадини очиш учун бирор бир образни восита сифатида танлайди. Бундай образларни **восита образлар** деб аташ мумкин. Восита образлар бир неча ижодкорларнинг хориж сафарларида ёзган шеърларида учрайди. Жумладан, рус шоири Сергей Есениннинг Шарққа сафарлари мобайнида яратилган шеърларида учровчи “Шаҳина”, Эркин Воҳидовнинг Кавказ бўйлаб сафари мобайнида юзага келган шеърларидаги “Азгануш” кабилар восита образларга мисол бўла олади. Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида ҳам бу каби восита образ мавжуд. “Ҳабаш қиз”, “Камилла”, “Салминахоним”, Ирина каби образлар шулар сирасидандир. Бу образлар шоирнинг лирик кечинмаларини ўзига хос тарзда очиб бериши учун поэтик манба вазифасини ўтайди ва шоир шеърга зоҳирий қатламда кўриниб турганидан фарқ қилувчи бутунлай бошқа бир мазмунни сингдиради. Шу жиҳатдан ҳам восита образлар қатнашган шеърлар моҳиятида ўзаро яқинлик, боғлиқлик борлиги кузатилади. Айнан шундай ўзаро яқинлик Есенин ва Орипов ижодида яққолроқ кўринади. Ҳар икки ижодкорнинг хорижда

ёзилган шеърларидаги дастлабки ва энг муҳим умумийлик иккала шоир лирикасида ватанпарварлик ҳиссининг устуворлигидир. Ҳар икки ижодкордаги ватанпарварлик туйғуси моҳиятан бир-бирига яқин: қай юртда бўлмасин, ўз Ватани ёди билан яшайди. Абдулла Орипов ва Есенин ижоди ўртасидаги бундай поэтик уйғунликни Э.Воҳидов ҳам “Ҳюстон илҳомлари” мақоласида алоҳида таъкидлайди. Улар ижодидаги ўхшашлик ватан мавзусида кузатилишини “Арманистон” шеърини ўқиганида яққол ҳис этганини алоҳида қайд этади: “Шеърни ўқиб туриб, менинг хаёлимга Сергей Есениннинг “Форс тароналари” деб аталган Эрон туркумидаги шеърлари келди. Шоир қаерга бормасин, қай мавзуда шеър ёзмасин, унинг қалбида биринчи навбатда ўз ўлкаси бўлади. Сергей Есенин илҳом билан ёниб куйлар экан, шеърнинг ҳар сатрида ўз ўлкасининг меҳри, Рязан буғдойзорларининг завқи барқ уриб туради. Абдулланинг шеърида ҳам мана шу туйғу бор”<sup>23</sup>.

Сергей Есениннинг “”Шаҳинам, о, менинг Шаҳинам” деб номланувчи шеърида ҳам кечинмани образ замирига яшириб ифодалаш ҳолати кузатилади. Есенин эронлик гўзал Шаҳинага мурожаат қилар экан, “*Шимол ёқда бир нозанин бор*”лигини эслаб ўтади. Шарқда кўнгил қўйган ёри (Шаҳина) шоирга Шимолда унга интизор бўлган ўз муҳаббатини, ўз Ватанининг дилбар қизини эслатади. Ташқаридан қараганда, бу шеър ошиқнинг бир қизга дил изҳорини акс эттиргандек туюлади. Аммо унинг замирида шоирнинг ўз юртидаги гўзал ҳақидаги, ўз Ватани ҳақидаги лирик кечинмалари акс этади. Шоир ўз лирик кечинмасини бошқа бир лирик кечинма остига яширган ҳолда ифодалайди. Лирик кечинманинг айни шундай ифодасини Эркин Воҳидовнинг хорижда яратилган лирикасида ҳам учратиш мумкин. Воҳидовнинг хорижда яратилган шеърларида Азгануш исмига дуч келамиз. Шоир ўзга юртнинг бу гўзалига меҳр қўйган бўлса-да, унинг ёнида қололмайди. Шоир севиклиси билан хайрлашиши лозим. Чунки у ўз диёри сари ошиқмоқда. Уни қадрдон Ватани, ёр-у биродарлари кутмоқда. Шу сабаб ҳам шоир:

---

<sup>23</sup> Воҳидов Э. Замондошлари хотирасида/ Ҳюстон илҳомлари. – Т.:Ф.Фуллом. – Б.268

Хайр сенга, хумор кўзли Азгануш,  
Хайр энди, кўришгунча, жонгинам –

дея ёзишга мажбур.

Лирик кечинманинг айна шу тарзда ифодаланиши Абдулла Ориповнинг хориж сафарларидаги шеърларида ҳам кузатилади. Хусусан, муаллифнинг “Женева дафтари” таркибига кирган “Жамайка” шеъри бу жиҳатдан эътиборга моликдир. Ушбу шеърда шоир кўнгил қўйган санам “Минг бир кеча” эртакларида таърифланган санамлардан-да гўзалроқдир. Бу сулув муаллифнинг ёдига олисларда қолган ёшлигини солади:

Боқиб жамолингга, юрагимда мунг,  
Олис ёшлигимни эсга олайин.  
Ортингдан “Жамайка, Жамайка”, деб сўнг,  
У сирли қўшиқни куйлаб қолайин.

Аниқ ва равшан кўриниб турганидек, бу шеърда севикли ёр шоир ёдига олис ёшлигини, демакки, шубҳасиз, ёшлиги ўтган гўзал диёрини солади. Жамаиканинг гўзал қизи шоир қалбини тўлқинлантиради ва уни энг бахтиёр дамларига – ёшлик кезларига қайтаради, хаёлан ўз юртига қайтаради. Лирик кечинманинг бу каби яширин ифодаси шу тўпلامдан ўрин олган, 1996-йилда ёзилган “Ҳабаш қиз” шеърида янада равшанроқ аён бўлади. Шоир *“Нари кетолмайман бир ҳабаш қиздан, Жуда ўхшар экан Сенга кўз-қоши”* дея ёзар экан ўз Ватанидаги дилбарни хотирлаш воситасида яна Ватан билан боғлиқ кечинмаларга қайтади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, Абдулла Ориповнинг хориж сафарларида яратилган шеърларида турли миллат аёллари образи учрайди. Шоир уларнинг ҳар бирини ҳурмат ва муҳаббат билан тилга олади. “Женева дафтари”даги “Жамайка”, “Ҳабаш қиз”, “Италия туркуми” таркибидан жой олган “Камилла”, Арманистон туркумидан ўрин олган “Ереван кўчасида” шеъридаги Салминахоним каби аёллар турли миллат вакилидирлар. Уларнинг тили, дини, кўриниши, дунёқараши бир-биридан фарқ қилиши табиий ҳол, албатта. Аммо шоир бекорга уларга эътибор қаратмади, бекорга уларга атаб шеър битмади. Боиси уларнинг ҳар биридаги

қайсидир жиҳат шоирнинг ўз юртидаги муҳаббатини ёдига солади, қайсидир жиҳати билан улар шоир севган, ардоқлаган ўзбек қизига ўхшаб кетади. Ана энди Абдулла Орипов шеърлятидаги аёл образининг чинакам моҳияти аён бўлгандек, асл илдизлари кўрингандек, наздимизда. Шоир хоҳ Женевадаги, хоҳ Италиядаги, хоҳ Япония, хоҳ Америкадаги аёл образини яратмасин уларнинг барчасида қандайдир ўхшашлик, умумийлик бор. Уларнинг барчаси қайсидир жиҳатдан бир-бирига келиб боғланаверади, бир-бирини такрорлайди. Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърляридаги барча миллат аёллари образини умумий яхлитликда тутиб турувчи занжир бу – шоир лирик кечинмасидир. Уларнинг ҳар бири орқали муаллиф ўз Ватанини ёдга олади. Шеърларнинг туб замиридаги ўша барқарор лирик кечинма намоён бўлади.

Абдулла Орипов шеърлярида учраган *Камилла, Салминахоним, Ирина, Сергей Есенин* сижодидаги *Шаҳина*, *Эркин Воҳидов* шеърляридаги *Азгануш* образларини реал образлар сифатида қабул қилиш шарт эмас, наздимизда. Бу образларнинг реал ёхуд нореаллиги адабиётшунос учун у қадар муҳим ҳам эмас. Бу образларни яратишдан шоирларнинг кўзлаган бадий мақсади бор. Яъни бу каби образлар воситасида шоирлар ўз юртига бўлган соғинчини, шу билан бирга Ватанига бўлган севгиси қанчалар кучли эканини, бу севгининг ўрнини ҳеч қандай севги эгаллай олмаслигини ифодалаб берадилар. Бу образларга шоир мақсадини очиб берувчи восита сифатида қараш маъқулроқ. Шоирлар айна шу образлар билан хайрлашиш жараёнида ўзлари саёҳат қилган ўлка билан хайрлашадилар. Унинг гўзаллигини таъриф-у тавсиф қиладилар. Шу билан бир қаторда ўз юртларининг гўзаллигини алоҳида таъкидлаб, юртга қайтиш лаҳзаларидаги шодликларини баён этадилар. Аён бўлганидек, Абдулла Орипов шеърлятидаги *турғун лирик кечинмалар* баъзи шеърларда *восита образлар* ёрдамида ифода этилади.

Қолаверса, Абдулла Ориповнинг турғун лирик кечинмалар акс этган шеърлярида камтарлик, шафқат, эзгулик, муҳаббат каби туйғуларни улуғлаб, манманлик, шуҳратпарастлик, риё, ёвузлик, ҳасад ва нафрат каби иллатлар

сўз тоғи остида мажақланади. У шоир сифатида инсониятдаги салбий иллатларга гоҳ босиқ инсон назари билан баҳо беради, гоҳ насихат йўлини танласа, гоҳ қаттиққўллик билан аччиқ ва кескир хулосалар беради. Энг муҳим жиҳати, шоирнинг ўзи кучли эътиқод қўйган туйғуларга ёхуд нафрат кўзи билан боққан иллатларга муносабати ҳеч қачон ўзгармайди. Шоир ижодида турли йилларда, турли давлатларга сафарлар мобайнида яратилган айна шу мавзудаги шеърларда шоир лирик кечинмалари барқарор. Бу кечинмалар шоирни 1996-йилда безовта қилган, ўйга солган бўлса 2005-йилга келиб ҳам айна шу лирик кечинмалар шоирга ҳамроҳ. Ҳамон шоир эзгулик ҳимоясида, ёвузликнинг қасдида. “Женева дафтари”дан ўрин олган “*Виждон*”, “*Комиллик*”, “*Ҳақиқат*”, “Туркия дафтари”дан ўрин олган “*Вақт*”, “*Ҳасадгўй*”, “*Яхши ва ёмон*”, “Уммон орти илҳомлари”дан ўрин олган “*Дахлсизлик*”, “*Ҳаёт дарсларидан*”, “*Буюк сабр*”, “*Ростгўйлик*” кабилар шундай шеърлар сирасига. Ушбу шеърларда шоир башарият учун улуғ бўлган энг муқаддас туйғулар куйчиси ва ҳимоячиси сифатида намоён бўлади. Унинг умуминсоний кечинмалари ўзига хос тарзда акс этиши жиҳатидан “Тунислик бола” шеъри муҳим аҳамиятга эга. Абдулла Орипов бу шеърида башарият фожиасини акс эттиради. Аслида шоир ижодида инсониятга хос иллатлар-у фазилатлар бирдек бадий мукамалликда акс этади. Бу ҳақда адабиётшунос Б.Қосимов қуйидагича ёзади: “Адабиётни аслида инсоншунослик дейишади. Абдулла Орипов ҳассос инсоншунос сифатида одам боласининг турфа хислатларини, бошқалар кўрмаган томонларини илғайди, уларни ниҳоятда нозик ва таъсирчан бадий ифодалайди – ўз тасаввур ва ҳукмини бошқалар билан ҳам ўртоқлашади. Ушбу мулоқот натижасида китобхон олам-олам завқ ва ҳузур туяди. Шу маънода Абдулла Орипов шеърияти тафаккурга қувват, туйғуларга, ҳисларга эрк берадиган манбага айланади”<sup>24</sup>.

---

<sup>24</sup> Тўхлиев Б. Мен – шоирман. Хуршид Даврон сайти.

“Тунислик бола” шеърида Абдулла Орипов Б.Тўхлиев таъкидлаганидек, “инсоншунос сифатида” одамзотнинг энг кабиҳ қиёфасини кўрсатиб беради. Бу шеърда лирик кечинма ниҳоятда баланд пафос воситасида акс эттирилади.

*Биламан, сен учун парча нон қаҳат,*

*Замин мазор бўлса, Африка лаҳад –*

сатрларидаги замин ва Африканинг поэтик тасвири лирик кечинманинг таъсир кучини оширади. Шоир лирик кечинмаларида ачиниш, афсус-надомат, оғриқ каби туйғулар билан бир қаторда, маломат, таъна каби ҳислар ҳам кўзга ташланади:

*Шундоқ ҳолга келмиш қадимий Лотин,*

*Булғалар шарафин, булғалар зотин.*

Бу ўринда бола образида курашувчанлик, ҳалол ризқ топиш учун меҳнатнинг оғир юкини елкасига олиш, интилувчанлик намоён бўлади. Аммо унинг қисматида фожиа акс этади. Фожианинг бу каби акс эттирилиши ўқувчи ҳисларига таъсир кўрсатади, уни беихтиёр тунислик боланинг қайғудошига айлантиради, инсоний туйғуларини жунбушга келтиради. Шоир фожиавийлик асносида инсон қалбидаги гўзал ҳисларга интилиш туйғусини оширишга эришади. “Фожиалар орқали гўзалликни тасдиқлаш доимо тарихийдир”<sup>25</sup> фикри ўз тасдиғини топади.

Абдулла Ориповнинг лирик кечинмаларини акслантиришда тарихий шахсларнинг поэтик образи муҳим ўрин тутди. Ҳукмдорлар, алломалар, жангчилар образлари ижодкорнинг ватанпарварлик, адолат, ҳақиқат, эрк каби кечинмаларининг бадиий ифодаланишида кўмак беради. “Арманистон” шеърида Искандар, Салжук, Чингизхон каби тарихий шахслар воситасида шоир арман юрти тупроғининг қонга бўялган дамларини ёдга олади:

*Афсона ошиғи буюк Искандар,*

*Саройларинг бузди эрмакка фақат.*

*Дунёга тўзғидинг бамисоли пар,*

*На Салжук, на Чингиз қилишди шафқат.*

---

<sup>25</sup> Қўшжонов М. Гўзалилликда фожиавийлик. Танланган асарлар. –Т.: Шарқ. 2018. – Б.316

Тарихнинг истилочилик ҳаракатлари иждоқор кечинмаларини жунбушга келтиради. Қалбида ватанпарварлик туйғуси жўш уради. Арман юрти тарихидаги қонли кечмишлар шоир учун бутунлай нотаниш эмас:

Менинг ҳам Ватаним жанглар гувоҳи,  
Менинг ҳам тупроғим топталганди хор.

Абдулла Орипов Толстой таъкидлаганидек: “Тарих орқали замоннинг ичига кирса” ўзининг бадиий мақсадини янада аниқроқ идодалай олишини ҳис этади ва ўз Ватанининг зулм остида ўтган йилларини эслайди. Лирик кечинмаларини тарихий образ бадиий тасвири орқали акслантиради.

Босқинчи зотларни титратди бот-бот,  
Соғуний домланинг ўтли даъвати, –

дея ёзганида эса шоирнинг ўз ўтмишидан фахр туйғусини топганини англаш мумкин.

Шоир кайфият кишиси бўлсада, ўзининг аниқ ҳаётий позициясини, мақсадларини лирик кечинма замирига сингдириб юборади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам таъбири билан айтганда: “Абдулла Орипов шеърляти – шоир-муаллиф умрининггина эмас, бутун бир замондош авлоднинг рухий харитаси”<sup>26</sup>, экани унинг лирик кечинмаларида яққол акс этади. Муаллиф лирик кечинмалари ифодаси “даврнинг тавсифномаси”<sup>27</sup> вазифасини бажаради.

Абдулла Орипов тарихий образ воситасида нафақат ватанпарварлик, балки кўплаб бошқа инсоний туйғуларни, адабий-эстетик қарашларини ифода этишда ҳам фойдаланади. Жумладан, инсон номини энг баланд мартабада санаб, инсон инсон бўлиб яшаши лозимлигини, ўз даражасига ярашадиган ишлар билан машғул бўлмоғи зарурлигини таъкидлайди. Зеро, фалакнинг ўзи ҳам Инсон деган яратик билан фахрланади. Мумтоз адабиётимизда кўп бора таъкидлангани каби Инсон фалакнинг гултожидир.

<sup>26</sup> Аъзам Э. “Туйдим эҳтироснинг самовий кучин..” –Т.: Олтин-нашр. 2021. – Б.7

<sup>27</sup> Аъзам Э. “Туйдим эҳтироснинг самовий кучин..” –Т.: Олтин-нашр. 2021. – Б.7

Абдулла Орипов Инсон ҳақидаги айни шу улуғвор кечинмаларини ифодалашда ҳам тарихий шахслар образидан маҳорат билан фойдаланади:

Фалак фахр этмишдир Инсонни туғиб,

У асло ҳалокат недир кўрмасин.

Прометей саҳрода хас-хашак йиғиб,

Алпомиш чумоли териб юрмасин.

Ушбу мисраларда муаллифнинг нафақат инсон улуғлиги, унинг баланд даражада туриши ҳақидаги кечинмалари, қолаверса, ҳар ким ўзига ярашган ва ўзига муносиб ҳаёт тарзида яшаши жоизлиги ҳақидаги ҳаётий ҳақиқатлари ва принциплари ҳам акс этади. “Бадийлик образлилик тушунчасига мос келади”<sup>28</sup> деган фикрданоқ образнинг лирик кечинма ифодасидаги ўрни муҳим эканлиги англашилади. Лирик кечинма табиатининг англашиниш жараёнида образ “ўтказувчилик” вазифасини бажаради. Шоирнинг кечинмаларини ўқувчига кўчиб ўтиши учун ўтказувчилик вазифасини ўз зиммасига олади. Достонлардаги Алпомиш, Прометей образи қиёфаси билан таниш бўлган, уларнинг зиммасида турган вазифаларни аниқ ҳис қилган шахс, шоир инсоният елкасидаги вазифаларини қай тарзда акс эттиргани, нималарни ҳис қилганини ва ҳис қилдирмоқчи бўлганини ҳам яхши англаб этади.

Адабиётшунос Уммат Тўйчиев бадийликнинг юзага чиқишида образнинг аҳамияти ҳақида шундай фикр билдиради: “Бадийлик қандай қилиб ва қайси сабаблар туфайли, образли тафаккурнинг ажралмас қисми ва зарурий натижаси сифатида тарихан келиб чиқди деб қаралса, санъатнинг бу белгисини образли хосиятдан келиб чиқиб, тасниф этиш мумкин, шундан кейингина унда асарнинг эстетик қиммати ва ижтимоий мазмуни ўз ифодасини қандай топганлигини кўриш мумкин”<sup>29</sup>. Абдулла Орипов лирикасида ҳам асар эстетик қимматининг ошишида, ижтимоий вазифа бажаришида, кечинмалар ифодасида образлар муҳим воситадир. Айниқса,

<sup>28</sup> Адабиётшунослик терминлари луғати. –Т.: Ўқитувчи. 1967. – Б.39

<sup>29</sup> Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. –Т.: Янги аср авлоди. 2011. –Б.115

унинг турғун кечинмалари ифодасида бу ҳолат яққол намоён бўлади. Шоир кечинмалари мисоли занжир каби бир-бирига боғланган. Ўртадан бирор бир халқани олмоқнинг имкони йўқ. Шоирнинг чет эл сафарларида яратилган тўпламларидаги фикрлар гўёки бир кунда хаёлдан ўтгандек, шеърларнинг бари бир кунда яратилганга ўхшайди. Боиси, таҳлил қилинган шеърларнинг аксариятида турғун кечинмалар етакчилик қилади. Улар шоир қалбида доим мавжуд бўлган ва айти шу мавжудлик натижаси ўлароқ мудом шеър бўлиб яралаверган. Бундай шеърлар таҳлили нафақат адабиётшунослик учун, балки инсоният учун ҳам зарурдир. Абдулла Орипов ижоди тадқиқи ҳақида тўхталиб, адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев “Ҳикмат жилвалари” мақоласида шундай ёзади: “Абдулла Ориф шеърини қолипларга сиғмас бетакрор ҳодиса ўлароқ қонуниятга осонлик билан бўй бермайди. Бундай бетакрор ҳодисани тўлиқ изоҳлаш осмонни кучмоқ, уммонни бўйсундурмоқ тоғни қопга жойламоқ сингари қилиб бўлмайдиган ишдир. Бироқ кўкка учиш, уммонда сузиш, тоғни кезиш зарур бўлганидек қайтарилмас поэтик ҳодисани ҳам текширишга улкан эҳтиёж бор. Негаки, текширмаслик билмасликни, билмаслик тўймасликни, тўймаслик эса, руҳан ва ақлан ғарибликни келтириб чиқаради”.<sup>30</sup> Шу жиҳатдан Абдулла Орипов лирик кечинмалари табиатини аниқлаш бир қанча муҳим назарий асосларга таянади. Шоир лирик кечинмаларининг бадий усуллари ва воситалари турлича бўлганлиги боис, уларни аниқлаш жараёни бир қадар кенг қамровли жараён эканлиги англашилади.

## **1.2 Лирик кечинма ифодасида ранг ва оҳанг синтези**

“Адабиёт – сўз санъати демакдир. Унинг ҳар қандай ифодавий имконияти сўз билан чегараланади. Айти дамда сўзнинг ифодавий имконияти чексиз эканлигини таъкидламоқ зарур. Ижодкор сўз воситасида ҳам ўқувчига мусаввирлардай тасвир асосида таъсир кўрсатиши мумкин. Шоир бадий ифодада бошқа санъат турлари имкониятига мурожаат этаркан,

---

<sup>30</sup> Йўлдошев Қ. Ҳикмат жилвалари. –Т.:Шарқ. Эверест ва Уммон. 2018. – Б.318

муайян сўз, жумланинг бадий-тасвирий имкониятига жиддий аҳамият қаратади”<sup>31</sup>. Айни шу фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, моҳиятан олиб қараганда санъатларда уйғунлик мавжуд. Бир санъат тури иккинчи бир санъат турини тўлдиради. Бир санъат замирида бошқа бир санъат элементлари ётади. Оҳанг, ранг, шеър – бу уч санъат ўртасидаги боғлиқлик илмий тилда “санъатлараро синтез ҳодисаси” дея номланади.

Шеърят ва ранглараро синтез масаласи адабиётнинг ниҳоятда қадим илдизларига бориб боғланади. Бу ҳақда Саъдулла Қуронов қуйидагича ёзади: “Санъатлараро синтез ҳодисаси узок тарихга эга. Унинг илк, яққол мисоли Қадимги Миср меъморчилигининг тасвирий санъат ва бадий адабиёт билан қилган ҳамкорлигида кўринади. Миср меъморларининг девор ва устунларга ишланган безакларида тасвирий санъат намуналари ҳамда қадимий битиклар яхлит композитсияга бирлаштирилган. Умуман, синтезнинг бундай қадимий кўринишини барча маданиятлар тарихида (ибодатхоналар архитектураси мисолида) учратиш мумкин.”<sup>32</sup> Шарқда ҳам санъатлар аро синтез масаласи чуқур тарихий мазмунга эга. Жумладан, Туркий халқлар ўтмиши, маданияти ҳақида хабар берувчи тошбитиклардаёқ адабиёт ва ранг ўртасидаги синтезни кузатиш мумкин. “Авесто”да яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашнинг бадий тасвирини беришда оқ ва қора ранг антитезасидан фойдаланиш, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон-ул луғотит турк” асарида тасвирларнинг ифодаланишида қизил, оқ, қора каби рангларнинг ишлатилиши, мумтоз адабиётда ранглар воситасида лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ижодкор бадий мақсади очиб берилиши адабиёт ва ранглар синтези масаласи ниҳоятда чуқур илдизларга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Бадий адабиёт ва ранг-тасвир ўртасидаги синтез масаласини ўрганишни энг аввало, халқ оғзаки ижодидан фойдаланган ҳолда ёритиш мақсадга мувофиқдир. Халқ насрида ва лирикасида рангларнинг бажарадиган функцияси, ташийдиган маъноси адабиёт ва ранглар синтези рамзий маъноларга эга

---

<sup>31</sup>Қуронов С. Ойбек лирикасида бадий синтезнинг ифодаланиши. –Т.: Шарқ юлдузи. 2015. 1-сон.

<sup>32</sup>Қуронов С.Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси. Фарғона. 2018.

эканлигини ҳам кўрсатади. Эртакларда эзгулик ҳимоячиси бўлмиш шаҳзодалар, паҳлавонларнинг ўз мақсадлари томон оқ рангли отда йўлга чиқиши, ёвуз қаҳрамонларнинг қора кийимда ёхуд қора тулпорларда тасвирланиши ўзида бадиий синтезнинг муҳим қирраларини акс эттиради. Лирик асарлардаги оқ, қизил, қора, сафсар, яшил, сариқ каби рангларнинг маълум бир мажозий вазифада келиши бадиий синтезда рамзийлик функциялари мавжудлигини кўрсатади. С.Ўтанова ҳам рангларнинг рамзий характери хусусида алоҳида тўталади ва “Инсоният тарихида рангларнинг турли рамзий маъноси бўлиб, улар маълум жамият гуруҳларининг этник, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидаги у ёки бу ҳақиқатларни акс эттирган. Одамлар рангни энди фарқлай бошлаганларида дастлаб оқ, қизил ва қора рангни ўзаро ажратишган”<sup>33</sup>.

Адабиёт ва ранглар синтезининг энг муҳим томони эса, адабиётда ҳар қандай даврдаги санъатлар аро синтез ҳодисаси муаллиф бадиий мақсадини, унинг ҳис-туйғуларини, лирик кечинмаларини очиб беришга хизмат қилади, маълум бир бадиий-эстетик вазифани бажаради. Бу ҳақда фолклоршунос Шомирза Турдимов ҳам алоҳида фикр билдиради: “Халқ қўшиқларида келувчи ранг билан боғлиқ рамзий образлар маросим фолклоридаги рангларга уйғун маъно ташисада, бадиий-эстетик вазифа бажариши билан ажралади. Улар бошқа рамзлар қатори лирик қаҳрамон ҳаёти, ўй-кечинмалари, орзу-истакларини ифодалаб, қўшиқ бадииятини янада мукамал бўлишини таъмин этади”<sup>34</sup>.

Саъдулла Қуронов Шарқда адабиёт ва ранг тасвир синтезини мумтоз адабиёт билан узвий алоқада бўлганлигини қайд этади: “Шарқ мумтоз санъатлари тараққиётида ҳам синтез ҳодисаси муҳим омил ҳисобланган. Тўғрироғи, мумтоз санъатлар ривож бевосита синтез билан боғлиқ ҳолда кечган. Шарқ мумтоз адабиёти, миниатюраси (китоб графикаси) ва мусиқаси ўзаро узвий боғлиқ ҳолда шеърининг нисбий доминантлиги асосида ривож

---

<sup>33</sup> Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси. Ф.ф.н.дисс... Т. 2007 – Б.12

<sup>34</sup> Турдимов Ш. Халқ қўшиқларида рамз. – Т.2020. – Б.63

топган.”<sup>35</sup> Мумтоз давр адабиётида адабий синтезнинг энг гўзал намуналари шубҳасиз, ҳазрат Навоий ижодида кузатилади. Алишер Навоий ғазалларидаги *“Гулиан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин, Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил”* каби ифоданинг ўзиёқ муаллиф кечинмалари ифодасида рангларнинг бетакрор тарзда бадиий вазифа “Фусули арбаа” қасидалар мажмуасида бадиий синтез масаласи” мақоласида Мир Алишер Навоийнинг мисраларида ранглар бадиияти ва уларнинг шоир кечинмаларидаги ўрни хусусида сўз юритилади. Жумладан, “ариқ сувини кўргил, гул ютганидан сариклиги кучаяди, ё фалак хазон бўлган шохлар баргининг аксини солганми” мазмунидаги мисралари таҳлилида “шоирнинг табиатни чин мусаввирона ифода этишга бўлган ҳаракатини, лириканинг ранг-тасвир санъати имкониятлари билан бойитилганини ва бу икки санъатнинг ўзаро синтезини кўришимиз мумкин”<sup>36</sup>, дея алоҳида қайд этилади. Қолаверса, лирик кечинмалар ифодасини бадиий ифодалашда рангларнинг ўрни жиҳатидан Алишер Навоий дostonлари муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда “Сабъаи сайёр” дostonининг етакчилиги аниқ сезилади. Бош образ руҳияти, қолаверса, муаллиф бадиий нияти очилишида қора рангдан бошланган қасрларнинг оқ қасрга томон ўзгариб бориши, ҳар бир рангнинг маълум бир кайфиятни акс эттириши бадиий синтезнинг мукамал намунасидир.

Адабиётнинг ранг-тасвир уйғунлигида юзага чиқишига эҳтиёж замонавий адабиётда ҳам мавжуд ҳодисадир. Бу даврга келиб, “шоир ўқувчининг эстетик эҳтиёжига монанд шеърда тасвирийликка, ҳис-туйғуларини визуал образлар асосида улашишга интилади”<sup>37</sup>. Зеро, бу даврда ижодкор ўз шахсий кечинмаларини маълум қолипларга сола олмайди. Чинакам ижодкор ўз ижоди учун махсус қолиплар яратади. Бу қолиплар фақат унинг ижодига тегишли бўлиб, айти шу қолиплардан унинг кимлигини

<sup>35</sup> Қуроноф С. Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси. Фарғона. 2018

<sup>36</sup> Юсупова Д, Қуроноф С. “Фусули арбаа” қасидалар мажмуасида бадиий синтез масаласи”

<sup>37</sup> Қуроноф С. Ойбек лирикасида бадиий синтезнинг ифодаланиши. – Т.: Шарқ юлдузи. 2015. 1-сон.

англаб олмоқ мумкин. Айти шу жиҳатдан Абдулла Орипов шеърятининг ўз қолиплари мавжуд. Бу ижодий ўлчам яратувчиси эса, шубҳасиз, шоирнинг ўзидир. Абдулла Орипов лирик кечинмаларини баён этишда рангларни бадиийлик билан уйғунлаштирган ҳолда қўллайди. Муаллифнинг хорижда яратилган шеърларидан *15 та* шеърдаги лирик кечинма ифодасида ранг ва оҳанг масаласини илмий асосда ўрганишни мақсад қилдик. Бу шеърларнинг *учтаси* “Эзгулик”, “Яшил новда”, “Дилозор”) **“Ҳаж дафтари”**дан, *учтаси* (“Женева”, “Оқлар ва қоралар”, “Қора юрак”) **“Женева дафтари”**дан, *яна бештаси* (“Бу кўзлар”, “Оқловчи”, “Ранг-баранглик”, “Фолбинлар”, “Техас осмони”) **“Эверест ва Уммон”**дан қолган *тўрттаси* эса **Москва сафари** (“Ранглар”), **“Япон оҳанглари”** (“Рухият”), **“Италия дафтари”** (“Манзаралар”), **“Туркия дафтари”** (“Қора денгиз”)дан ўрин олган.

Шоир шеърларида ранглар воситасида лирик кечинманинг ифодаланишига кўра муаллиф бир неча реалаялардан фойдаланганлиги бу шеърларни назарий жиҳатдан қуйидагича таснифлашга асос бўлади:

1. Инсон билан боғлиқ ҳодисаларда ранг ва оҳанг синтезининг лирик кечинмани ифодалашдаги ўрни.
2. Ранг ва оҳанг синтезининг предметлар воситасидаги талқини.
3. Лирик кечинмани ифодалашда ранг ва оҳанг синтезининг пейзаж орқали тасвирланиши.

Абдулла Орипов лирикасида ранг ва бадиий адабиёт синтези масаласини тадқиқ этишда шоир шеърятисидаги бир қанча воситалар ёрдамчи манба вазифасини бажаради. Булар: *инсон, предметлар; табиат* реалаяларидир. Бу воситалар шоир лирик кечинмаларини, туйғуларини ифодалашга хизмат қилган рангларни бадиий тарзда ўзида мужассам этади. Қолаверса, улар поэтик тасвир натижасида лириканинг гўзал намунасига айланади ва шоирнинг ижтимоий, лирик, ишқий кечинмаларини очиб беришда муҳим ўрин тутди.

*Инсон билан боғлиқ ҳодисаларда ранг ва оҳанг синтезининг лирик кечинмани ифодалашдаги ўрни.* Инсон – табиатнинг энг улуғ яратиғи. Шу

боис у адабиётнинг ҳам бош мавзусидир. Зеро, адабиётшунос Дилмурод Қуронов таъкидлаганидек: “Борлиқни бадий идрок этишни мақсад қилган бадий адабиётнинг асосида инсон образи туради, чунки борлиқнинг ўзида инсон шу хил мавқе эгаллайди. Шундай экан, борлиқни бадий идрок этишни мақсад қилган бадий адабиётнинг бу йўлдаги асосий воситаси инсон образи бўлиши табиий ҳамдир”.<sup>38</sup> Адабиётнинг ҳар қандай мавзуси таг мазмунида инсон образи, унинг туйғулари ва ҳиссиётлари мужассам. Инсон ҳамиша мукаммал жамият яратишни ва шундай жамиятда яшашни орзу қилган. Бундай орзу ижобатига эришиш йўлида инсоният турли машаққат ва зиддиятларга дуч келган ва келмоқда.

Абдулла Орипов у ўз лирик кечинмаларини баён қилишда ранглардан фойдалананиш жараёнида асосан *тазод* санъатига мурожаат қилади. Нодира Афоқова Абдулла Орипов ижодида тазод санъатининг қўлланиши ҳақида фикр билдирар экан, ***тазод-образлар*** масаласига алоҳида тўхталиб, куйидагича фикр билдиради: “...Абдулла Орипов асарларининг лейтмотивини инсонга муносабат, комил инсон проблемаси белгилайди. Бу эса шоирнинг жуда кўп шеърларида икки қарама-қарши образ тасвирига асос бўлган. Биз буларни шартли равишда тазод-образлар деб атаймиз. Бундай образлар баъзан шеърнинг айрим қисмида ўз ифодасини топса, баъзан бутун бир шеърга асос бўлади”.<sup>39</sup> Абдулла Ориповнинг “Женева дафтари”дан ўрин олган “Оқлар ва Қоралар” деб номланган шеъри айнан тазод-образлар асносида вужудга келган. Шоир сарлавҳанинг ўзидаёқ метонимияга асосланган ҳолда тазод образларни вужудга келтиради:

Биродар, гапни сен кўргандан сўра,  
Демагил, шеърингда шарпа оралар.  
Бир-бирин еб ётган оқлардан кўра,  
Афзал-ку ҳамжиҳат ўша қоралар.

<sup>38</sup> Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. –Т.: Навоий университети, 2018. – Б.92

<sup>39</sup> Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар. Бухоро. 1994. –Б.56

Азалдан қора танлиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, мардлиги, ҳақиқатпарварлиги ҳақида жуда кўп воқеаларни, фикрларни эшитганмиз. Керак бўлса уларнинг бундай хусусиятлари оқларга ибрат бўлгулик. Шоир ҳам икки хил рангли инсонларни бир-бирига зид кўяр экан, қораларнинг бир-бирини кўллаб-қувватлашига, ҳар қандай тўсиқлардан аҳилликда сакраб ўтиб кетишига ҳавас қилади. Инсоният ўртасидаги низолар авж олган бир замонда қораларнинг ҳамжиҳатлигидан ўрناق олса арзишини поэтик тарзда ифодалайди. Зеро, шоир учун ким тарафда турмоқ эмас, эзгулик ва ҳақиқат тарафда турмоқ муҳимроқдир. Бу ҳақда шоирнинг ўзи “Эзгулик” шеърисида:

*Майиздай қоп-қора бошли ҳабаш ҳам,*

*Яхши иш қилганда ёнида тургил, -*

деб ёзади. Муаллиф ўзининг ижтимоий кечинмалари баёнида “қора” рангдан бадий мақсадни очиб беришда мақсадли фойдаланади. Аслида қора ранг кўпинча Абдулла Орипов ижодида салбий кечинмалар ифодасини очиб беришга хизмат қилади. Аммо юқоридаги шеърларда шоир қора рангдан ижобий маънода фойдаланади. Туркий халқлар тарихида Хоқония шоҳлари қора деб аталишини (Буғро Қора Хоқон дейилгани каби) ёхуд рус тилшунос олими А.Кононов қора сўзининг маъноларини тадқиқ этиб, ушбу сўз билан “катта”, “йирик”, “муҳташам”, “улуғ”, “қудратли”, “кучли”, “покиза”, “мусаффо”, “қуруқлик”, “ер”, “зулмат кўки”, “шимол” каби мазмунлар ифодаланганлигини кўплаб мисоллар воситасида изоҳлаб берган”<sup>40</sup> ини, Ҳазрат Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидаги илк ҳикоят охиридан ўрин олган:

*Қора ранг элга тожи торақдур -*

*Ким, қора ранг ичрадур, муборақдур, -*

байтига таяниб, қора рангнинг муборақ ва муқаддаслик хусусиятлари<sup>41</sup> инобатга олинса, шоир қора ранг ифодалайдиган маъно имкониятларини

---

<sup>40</sup> Ҳаққул И. Яна қора ранг талқини ҳақида. Хуршид Даврон сайти.

<sup>41</sup> Ҳаққул И. Яна қора ранг талқини ҳақида. Хуршид Даврон сайти.

яхши англаганини ва бундан ўз ижтимоий кечинмаларини очиб беришда маҳорат билан фойдалангани кузатилади.

Абдулла Орипов шеърятда ранг ва оҳанг синтези шоир лирик кечинмаларининг ёркироқ ифодаланишига, кечинмаларнинг фалсафий юкини ортишига, англаш ва сезиш оламининг бетакрорлашувига ёрдам беради. Аммо шоир ижодида шундай шеърлар ҳам мавжудки, унда ранглар номи тилга олинмайди. Аммо шеърни ўқир эканмиз, ижодкор назарда тутган рангни топамиз, тўғрироғи, англаб етамиз. Муаллиф рангларни ифодаловчи сўзларни эмас, рангларни ифодаловчи руҳиятни шеър ичига сингдиради. Бунга мисол қилиб “Қора юрак” шеърини келтиришимиз мумкин. Тўғри, ижодкор сарлавҳада “қора” сўзини қўллайди. Аммо шеър матнида бир марта ҳам бу ранг номидан фойдаланмайди. Аксинча, шеър воситасида кўз олдимизда рангларни гавдалантиради:

Хорғин бир йўловчи авжи иссиқ дам

Ўлар ҳолга келди, ғоятда ташна.

Дуч келган бир Инсон деди: – Бўл, бардам,

Яна ўн қадам юр, булоқ бор, ошна.

Тасаввур қилайлик: Қуёш аёвсиз қиздирмоқда. Айни қуёш тиғида ташналиқдан бениҳоя қаттиқ азоб-укубатга дуч келган инсон келмоқда. Ташналиқ, чанқоқ уни юришга ҳам қўймайди. Қаттиқ ҳориган инсон бутунлай мадордан қолган. У ҳамма нарсадан, ҳаётдан ҳам умидини узган бир паллада йўлида учраган биров ўн қадамдан кейин булоқ борлигини айтди. Мана, сизга ўша ранг. Яшашдан деярли умидини узган инсон қаршисида ёруғлик пайдо бўлди: ўн қадамдан кейин булоқ бор! Айни шу ёруғлик, кўз олдимизга қайси рангни келтирди. Албатта, Оқ! Шоир кечинманинг бошқа рангини тасвирлашда давом этади:

Сен-чи, у охуга раҳм этмай, ҳатто

Ўзинг сайд этардинг, кўзин ёшлардинг.

Ташна йўловчилар ичмасин деб то,

Ўша булоқни ҳам кўмиб ташлардинг.

Ана энди, шубхасиз, ўқувчи кўз ўнгида қора ранг гавдаланади. Шеърнинг ўзидан ранг топа олмоқ учун шоир шеърдаги лирик кечинмага айни ўша рангни “қамаб қўймоғи” шарт. Шундагина бу кечинмани ва унинг ичидаги камалган рангни ўқувчи ҳам кўриб, илғай олади. Бундай шеърлар шоир ижодида талайгина. Абдулла Орипов баъзан нафақат шеърдаги кечинмаларга, баъзан ҳатто биргина сарлавҳанинг ўзигаёқ рангларни қамаб қўя олади. Шоирнинг “Эверест ва уммон”дан ўрин олган “Фолбинлар” шеъри бунга мисол бўла олади. Зеро, ўқувчи фолбин сўзини эшитиши биланок унинг кўз ўнгида зулмат, шум хабар, ёвузлик — қора ранг гавдаланади. Ҳа, бу ўринда ўқувчи адашмайди. Сарлавҳани ўзиданоқ ўқувчи шоир шеър ичига қамаб қўйган ранг “қора” эканлигини англайди. Матёқуб Қўшжонов Абдулла Ориповни “қора ранг душмани” эканлигини таъкидлайди: “Ҳа, шоир “қора ранг” душмани, қуёш шуъласини тўсувчиларга қарши, бировларнинг ғамини кўриб қувонадиганларга, ўзини халқ сафида ҳисоблаб, аслида бу сафни бузгувчиларга қарши, хиёнатчилар, ўз имонини арзимаган матоҳга сотувчиларга қарши...”<sup>42</sup>.

Эътибор қаратилса, Матёқуб Қўшжонов қора ранг бирикмасини кўштирноқ ичида қўллайди. Аслида олим назарда тутганидек, бу ўринда ранг – восита. У шоирнинг минглаб инсоний нуқсонлар ва иллатларига қарши лирик кечинмасини ифода этиш воситасидир. Рангларнинг сарлавҳага олиб чиқилиши одатда, муаллиф кечинмаларини янада бўртиброқ кўринишига имкон беради. Аммо Орипов ижодида барча шеърлардаги рангларни ҳам сарлавҳадан келиб топиб бўлмайди. Яъни юқоридаги “Фолбинлар” шеърида бўлгани каби мантиқдан келиб чиқиб шоирнинг шеър ичига қамаб қўйган рангини топиш мумкин эмас. Бунга Ориповнинг “Оқловчи ” шеъри мисол бўла олади. Ушбу шеър бошдан охиригача кескин киноя, аччиқ кесатиқ ва ҳажв асосида қурилган. Оқловчи деганда кўз ўнгимизда кимгадир ёрдам қўлини чўзувчи, яхшилик қилувчи, ҳақиқатни ҳимоя қилувчи киши гавдаланади. Агар сарлавҳадан келиб чиқиб шеърнинг руҳиятини, унинг

---

<sup>42</sup>Қўшжонов М. Танланган асарлар. Истеъдоднинг туғилиши. –Т.: Шарқ. –Б.262

замиридаги рангни топмоқчи бўлсак, янглишамиз. Боиси, энди мантиқ бироз ўзгаради:

Оқловчилик қилади котиб,  
Кўпчиликдан қилманг, дер гина.  
Ёмонларни бўлдик йўқотиб,  
Қолганлари уч тўрттагина.

Дастлабки сатрларни ўқишимиз биланоқ, сарлавҳа ва мантиқ ўртасидаги тўқнашувга гувоҳ бўламиз. Боиси шеърда энди биз сарлавҳадан келиб чиқиб тасаввур қилганимиз оқ ранг – поклик, эзгулик ҳақида сўз кетмаяпти. Шеърнинг кейинги бандларини ўқиш давомида шоир ифодалаган ранг аслида қора эканлигини англаб етамиз. Аслида оқ ранг азалдан деярли барча миллат учун ижобий тимсолни яратишга хизмат қилади. Халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт ва Қуръони каримда ҳам (Бу ўринда мумтоз адабиёт асосан Қуръонга таянишини ҳам унутмаслик жоиз) оқ ранг поклик ва эзгулик маъносини ифодалашга хизмат қилади. Хусайн Воиз Кошифийнинг “... оқ ранг кундузнинг рангидир ва дили равшан жамоаникидир ва уларнинг кўкси кудурат, кина ва ғубордан покдир”<sup>43</sup>, – каби фикрларидан тасаввуфда ҳам оқ рангнинг моҳияти эзгуликка қаратилганини англаш мумкин.

Инсон билан боғлиқ ҳодисаларда ранг ва адабиёт синтезининг лирик кечинмани ифодалашдаги ўрни масаласида хулоса қилиб айтиш мумкинки, биз таҳлил қилган шеърлар, Абдулла Ориповнинг турли мамлакатларга сафарлари натижасида яратилган бўлиб, улардаги шоирнинг лирик кечинмаларини ифодаловчи рангларнинг барчаси *Инсон образи* билан боғланган ҳолда намоён бўлади. Қолаверса, шоир ижодида рангларнинг кечинма ифодалашдаги вазифаси қадим ўтмиш, мумтоз адабиёт анъаналари билан боғлиқ тарзда ифода этилади. Ижодкор инсон воситасида ранг ва оҳанг синтезининг ифодаланишида касб ва фаолият-жараён номларидан унумли фойдаланиб (Оқловчи, Фолбин каби), лирик кечинмалар баёнида ранглардаги тазодни моҳирона қўллайди, тазод-

---

<sup>43</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Футуватномаи Султоний. – Т.: Ўзбекистон. 2019. – Б.339

образларга юзланган ҳолда ўз кечинмаларини баён қилиш билан бир қаторда шеърлар сарлавҳасида ҳам тазод-образлардан фойдаланади (Оқлар ва Қоралар). Абдулла Орипов шеърларида ранглар номидан фойдаланмаган ҳолда ўқувчига кечинмалар ёрдамида рангларни ҳис қилиш имконини бериши (Қора юрак) ёки рангларни асл моҳиятидан тескари ҳолатда қўллаб бадий кашфиёт яратади (Оқловчи). Абдулла Орипов ранглар билан адабиётни уйғунлаштирган ҳолда, ўзининг ижтимоий лирик кечинмаларини ёритиб беради. Бу ҳолат бадий адабиёт ва ранглар синтезида ижтимоийликнинг бадийликдан узилмаган ҳолда етакчи аҳамият касб этишига муҳим омил бўлади.

Ранг ва оҳанг синтезининг предметлар воситасидаги талқини.

Абдулла Ориповнинг шундай шеърлари мавжудки, уларда ранглар турли воситалар, предметлар орқали англашилади. Бу ҳолат шоир лирик кечинмаларини янада бетакрор усулда ифодаланишига ёрдам беради. Жумладан, муаллифнинг “Дилозор” шеърига этибор қаратилса фикрлар янада ойдинлашади:

Тепангда порлайди *офтоб чарагон,*  
Сен эса атрофни буткул *тун* дейсан.  
Кимнингдир дилига чўкса *зимистон,*  
Сен унинг ҳолини *ёруғ кун* дейсан.

Офтоб, чарагон, ёруғ кўз олдимизга, албатта, покизаликни, оқ рангни солса, тун, зимистон каби воситалар эса кўз олдимизда қоронғуликни, қора рангни гавдалантиради. Қолаверса, тун бу – қора, кун – оқ. Бу ерда ҳам тазод мавжуд. Ижодкор шеърларида айна шу ҳолат кўп учрайди. Унинг “Ижод” деб номланувчи шеъри ҳам айна шу каби шеърлар сирасига киради. Биламизки, инсон ҳаёти бир хилда кечмайди. Зеро, халқимизда: “ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши – ёруғ” – деган нақл бор. Аслида ҳаётнинг ўзи оқ ва қора ранглардан иборат. Шоир айна шу ҳақда қалбидан ўтган кечинмаларни табиат мисолида тасвирлаб беради:

Булар бари табиатга хос,

Ҳозир тундир, эрта-чи нурлик.

Яна гуллар очилар қийғос,

Яна қушлар сайрайди турлик.

Шеърдаги тун ва нур сўзлари кўз ўнгимизда оқ ва қора рангларини гавдалантиради. Табиатнинг янгиланиш ходисаси ҳам инсон умрини ёдга солади. Бир кун киш ниҳоя топиб, баҳор келиб борлиқ яшнайти. Инсон ҳаёти ҳам азалий машаққатлардан иборат эмас. Ҳар бир оғир кун, зулмат, қора ранглар қуршови абас, сабр ва матонат ортидан бир кун инсон умрига нур, оқ ранглар жилоси ташриф буюради. Предметлар ёрдамида ранг ва адабиёт синтезининг лирик кечинмани ифодалаш жараёнида аксарият ҳолларда, шоирнинг ижтимоийликдан холи бўлган соф лирик кечинмалари акс этади. Хусусан, шоирнинг “Яхши гап” шеърида ҳам айти шу ҳолат кўзга ташланади:

Ишонмай қўйгандим дўст-у ёрга ҳам,

Бирдан юрагимда уйғонди ишонч.

Қайгадир йўқолди, ғойиб бўлди ғам,

Қайтди унутилган шодлик ва қувонч.

Мана, шоир орзу қилгандек оппоқ ва гўзал кунлар қайтди. Абдулла Орипов шеъриятида ранглар жилоси қалбни рангоранг туйғуларга тўлдиради. Боиси кечинмалар турфа ранглар бўёғи орқали чизиб берилади. Бежизга Саъдулла Қуронов: “Абдулла Ориповга келиб шеъриятда рангтасвирга хос тасвирий услубларни қўллаш янада профессионаллашади” – дея ёзмайти.<sup>44</sup> Демакки, Абдулла Орипов шеъриятга рангтасвирни янгича қирраларини олиб кириш баробарида лирик кечинмалар ва ранглар уйғунлигида ҳақиқий адабий янгилликлар ярата олди. Унинг шеъриятида ранглар сўзлар қаъридан зиё таратиб, лирик кечинмалар баёнини янада жилолантирди.

Лирик кечинмани ифодалашда ранг ва оҳанг синтезининг пейзаж орқали тасвирланиши. Табиат – ижодкор учун илҳом манбаи. Аслида ҳеч нарсани табиатдан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки инсоннинг

<sup>44</sup> Қуронов С.Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси. Фарғона. 2018

Ўзи ҳам табиат билан чамбарчас боғлиқ. Абдулла Орипов ижодида табиат ва ундаги ранглар лирик кечинмалар баёни учун манбаа вазифасини ўтайди. Хорижда яратилган шеърларда пейзаж шоир руҳиятини, айти ҳолатдаги кечинмаларини ёриб бериш воситасидир. Абдулла Орипов ва унинг ижодидаги табиат билан боғлиқлик ҳақида Г. Ашурова қуйидагича фикр билдиради: “Дарҳақиқат, иждокор томонидан қўлланилган поэтик образлар табиатдан олинса ва уларга сингдирилган мазмун чуқур маъноли бўлса инсон руҳияти билан табиатдаги ўхшашлик бир –бирини қўллайди ва бойитади”<sup>45</sup>. Шу жиҳатдан Абдулла Орипов кечинмаларини табиат билан уйғунлаштиради ва поэтик мукамалликка эришади. Шоир рангларни табиатдан олади ва кечинмалар уйғунлигида синтезлайди. Аслида ҳам “Бадий синтез муайян концепсияни бошқа иждокорлар ифодалай олмаган шаклда ҳиссий ва ақлий уйғунликда ифодалашдир”<sup>46</sup>. Абдулла Орипов ижодидаги бадий синтезда айти шу ҳиссий ва ақлий уйғунлик кузатилади. “Қачондир Шимолнинг оппоқ қоридан, Сени яратганди зукко табиат” каби ифодаларда шоирнинг ҳиссий кечинмалари кўзга ташланса, хулосада “Барча ранг устидан қўриқчи қилиб, Қора Отеллони яратди сўнгра” каби фалсафий кечинмаларини баён этади. Шоир шеърларида ишқий, лирик, ижтимоий кечинмалари баробарида ранглар моҳиятидан фойдаланган ҳолда, диний, ахлоқий қарашларини ҳам ифода этади. “Яшил новда” шеърида муаллифнинг айнан шундай диний-ахлоқий кечинмалари кўзга ташланади.

Шоир ўз кечинмаларини баён этишда рангларга тамоман янгича маъно ва мазмун юклайди. Жумладан, “мовий бўшлиқлар”, “новвотранг сукут” каби топилмалар кишини беихтиёр ўйлашга, фикрлашга мажбур қилади. Абдулла Орипов “Женева ” шеърида бу каби ифодаларни қўллаш орқали ўзининг айти ўша лаҳзадаги кечинмалари тасвирини ўқувчига етказиб беришга интилади:

Ташвишли дамларни юрак унутди,

---

<sup>45</sup> Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърлятида анъана ва бадий маҳорат. Ф.ф.н. дисс.... –Т.: 2008

<sup>46</sup> Қуроноф С. Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси. Фарғона, 2018

Мовий бўшлиқларга сингди унларим.

Нега айнан бўшлиқлар мовий? Наздимизда, шоир “мовий бўшлиқлар” бирикмаси орқали чексизликни ифодаламоқчи бўлади. Боиси осмон мовий рангда ва у чексиз. Айни ҳолатда шоир мовий бўшлиқларга юрак розлари билан сингиб бормоқда. Чексизлик – бу эркинликдир. Шоир бу лаҳзаларда ҳар нарсага ўзи эга: “У ижод этаётган чоғи – шоҳ, коинот ҳукмдори, табиат асрорининг ишончли маҳрами, фақат унгагина ўз кўксини очган само ва ер, табиат ва инсон руҳияти сирларининг нозири”<sup>47</sup>. Демак, англаш мумкинки, шоир айни ўша лаҳзада ниҳоятда эркин. У ҳаёт ташвишларидан, турли ўй хаёллардан бутунлай озод. Шу сабаб ҳам ўзи “Ташвишли дамларни юрак унутди” дея ёзмоқда. Лирик кечинма тасвири ғоятда гўзал ва бетакрор. Бу ўринда шоирнинг рангларнинг анъанавий мазмун-моҳиятидан чекиниб, новаторликка ўтганига гувоҳ бўламиз. Лирик кечинма ифодасидаги бадий кашфиётлар бу билан тугаб қолмайди. Боиси табиат ва ундаги ранглар шоир учун чексиз бадий кашфиётлар манбасидир:

Чўққилар ортидан ўрмалар булут,  
Бирдан тиниб қолар ўтлоқдаги той.  
Шивалаб ўтади ёмғир, ҳойнаҳой,  
Борлиққа чўкади новвотранг сукут.

Новвотранг сукут. Шоир ноодатий ўхшатиш билан бир қаторда ушбу банд учун ноодатий қофияланиш тизимини ҳам танлайди. Новвотранг сукут ифодаси ўқувчига ўзи истагандек тасаввур оламига шўнғишга имкон беради. Зеро, инсон кечинмалари чексиз ва турфа хил. “Новвотранг сукут” ифодасида ҳам айни шу чексизлик ва турфа хиллик мавжуд. Биз ёмғир ёғгандан кейинги борлиққа новвотранг сукут чўкишига турлича изоҳлар топишимиз мумкин:

- ✓ Бу ифода ёмғир ёғгандан сўнг табиатда юзага келувчи сокинлик ва гўзалликни ёдга солади;

---

<sup>47</sup> Тўйчиев У. Адабиётшунослик назарияси. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2004. – Б.176

- ✓ Бу ифода инсон тўйиб йиғлаганидан сўнг (ёмғир ёғиши) унинг руҳияти покланиб, (новвотнинг тиниқ ва шаффофлиги) енгил тортишини ёдга солади;
- ✓ Бу ифода инсоннинг кўзёшлари (ёмғир) унинг туйғуларини янада кучли ва синмас қилишини (новвотнинг мустаҳкам ва қаттиқлиги) ёдга солади.

Ўқувчи биргина новвотранг сукут ифодаси орқали юқоридаги каби чексиз тасаввурлар ҳосил қилиши, лирик кечинма баёнига ўзи истаганча фикрлар орқали ёндашиши мумкин. Ўқувчи шеърни ўқиш жараёнида нафақат ранглар дунёсига шўнғийди, шу билан бир қаторда шеърнинг оҳангига ҳам маҳлиё бўлади. Инсон кечинмалари хилма - хил ва чексиздир. Шоир айна “мовий бўшлиқлар”, “Новвотранг сукут” ифодалари орқали айна шу чексизликка имкон беради, уни қатъий бир фикр айтиш билан чегаралаб қўймайди. Хулоса ва топилмаларни ўқувчининг ўз ихтиёрида қолдиради. Кечинманинг бу қадар нозик ифодаси шоир лирикасида ранг- тасвирнинг бениҳоя катта аҳамиятини, жозибасини кўрсатиб беради. Абдулла Орипов ижодида бу каби бадий ифодалар бениҳоя кўп ва бетакрордир.

Баъзи ҳолларда ранглар воситасидаги тасвир ижодкорнинг лирик кечинмаларини кўрсатиб бериш учун восита ҳисобланади. Шоир табиат ранглари ҳақида сўз юритади, турли ўхшатиш ва тасвир усулларини қўллайди ва шеър сўнгида ўзининг бу тасвирлардан келиб чиқиб айтмоқчи бўлган асосий мақсадига, лирик кечинмалари ифодасига етиб келади. Бу ўринда ранг-тасвир шоир учун *кечинмаларнинг очқичи* сифатида хизмат қилади. Шоирнинг “Руҳият ” сарлавҳали шеърда айна шу ҳолатга дуч келамиз. Шоир табиатдаги ажиб гўзаллик ҳақида сўз юритади. Олис Япониядаги тун чўкишини, денгизларнинг тин олишини ниҳоятда гўзал ҳолатда тасвирлайди:

Қайдадир толиқиб, тин олар денгиз,

Ям-яшил қирларга чўка бошлар тун.

Сокин ҳаво узра таралар унсиз –

Япон оҳанглари маҳзун ва узун.

Айни шу сокинлик, хотиржамлик шоир руҳиятига ҳам сингмоқда. У табиат билан ўзини уйғунликда ҳис қилар экан, гўёки бу ҳолат, бу манзаралар унга ниҳоятда таниш, қадрдон кўринмоқда. Шу боис ҳам шоир худди қачонлардир ўзини япон бўлиб яшагандек ҳис қилмоқда. Кўриниб турибдики, шоир табиат тасвири орқали ўз руҳий оламини ёритиб беришни мақсад қилмоқда ва айни шу ҳолатга эришмоқда. Табиатнинг сокин ҳолати шоир руҳиятидаги сокинликни ўзида акс эттиргандек гўё. Абдулла Орипов табиат тасвирини ифодалашда ниҳоятда бетакрор сўзларни танлайди, унинг сўз танлаш маҳоратига тан бермасликнинг иложи йўқ. Образлилик ходисасини юзага келтириш учун айни ўша ходиса руҳиятига мос сўзларни сўз сандиғидан моҳирона танлаб олади. Бу ҳақда Матёқуб Қўшжонов ва Сувон Мели қуйидагича ёзади: “Образлилик Абдулла Ориповни адабиётнинг биринчи элементи – тил хусусида ўйлашга мажбур қилади. У сўзларга жило бера олади. Унинг асарларида бизга маълум сўзлар янгича маъно касб этгандек бўлади. Шу билан баробар, ўзбек тилининг бойлиги ҳақида ҳам қайғуради. Баъзан фикрларни бетакрор сўзлар билан ифодалай олади. Бунинг учун у ўзбек тилининг бор бойликларидан унумли фойдаланади”.<sup>48</sup>

“Италия дафтари”дан ўрин олган “Манзаралар” шеърида ҳам айни шу ҳолатга дуч келамиз. Ижодкор образлиликни яратишда табиат тасвири ва ундаги ранглардан моҳирона фойдаланади. “Манзаралар” шеърида ҳатто сўзларнинг ҳам ранги кўрингандек бўлади:

Қаландар, мана бу ўрмонларга боқ,

Инсоннинг хаёли чигалдир.

Бир боқсанг гўёки зангори байроқ,

Бир боқсанг сўзана янглиғ тугалдир.

Инсоннинг хаёллари каби чигал ўрмоннинг зангори байроққа ўхшатилиши кишининг ҳайратини оширса, кейинги мисрада ўрмоннинг сўзанага қиёс этилиши ҳайратни яна бир карра оширади. Сўзанани кўз

---

<sup>48</sup> Қўшжонов М, Мели Сувон. Абдулла Орипов. – Т.: 2000. –Б.44

олдимизга келтирадиган бўлсак ундаги ранг-баранглик, кашталарнинг турлича шакллари хаёлимизга келади. Абдулла Ориповнинг айнан ўрмонни сўзанага қиёс этиши орқали унда шоирона нигоҳнинг, хаёлот дунёсининг ниҳоятда кенглигини ва бетакрорлигини англаймиз. Бу ўринларда шоир ижоди тасвир билан чинакам бадиий синтезга киришган ҳолда, шоирнинг ҳамма нарсадан холи бўлган соф лирик кайфиятини ўзида акс эттиради. Шоир бу ўринда ҳар бир сўз замирига маълум бир вазифа ижодий ниятини, кечинмаларини сингдириб юборади.

Шоир ўзини табиат билан боғлиқ ҳолда тасаввур этади. Ундаги ранглар шоир руҳиятининг ифодаси сифатида хизмат қилади. Жумладан, шоирнинг “Техас осмони” шеърида табиат орқали инсоннинг, нафақат инсоннинг балки бутун инсониятнинг ҳолатлари акс эттирилади. Техаснинг мовий осмони шоирнинг эътиборини тортади. Осмон шу қадар мусаффо, тозаки, гўё Американинг ишчан қуёши осмонни ярқиратиб артиб чиққандек:

Гўё Амриқонинг ишчан қуёши,  
Артиб чиққанидек ойнани роса.

Аммо бу ҳолат узоққа чўзилмайди. Бир лаҳзада осмоннинг ҳолати ўзгарди. Тоза осмонни қора ва кир булутлар эгаллаб олди. Гарчи шоирга ёқиб турган осмон ҳолати ўзгарса-да, у бу ҳолатга эътироз билдирмайди. Чунки бу – табиат қонуни. Ундан қочиб қутилишнинг имкони йўқ.

Зум ўтмай осмонга атайлаб уммон,  
Ирkit булутларни юборар сочиб.  
Техас осмонида шундоқ жараён,  
Асло кетолмайсан сен бундан қочиб.

Бир қараганда оддий табиат ҳодисаси ёритилган, мовий осмон тасвири берилган шеър ўқигандек бўлсак-да, аслида бу ўринда чуқур фалсафий мазмун яширин. Чуқурроқ мушоҳада юритилса, ҳаётнинг оқ ва қора ранглар замирига қурилгани ҳақида сўз бораётганини англаб олиш мумкин. Ҳаётдаги ҳолат ҳам айни осмондаги ҳолат каби ўзгарувчан. Инсоннинг сокин, фаровон ва оппоқ ранглардан иборат ҳаёти бир лаҳзада машаққатли, қора кунлардан

иборат ҳаётга дўнмоғи мумкин. Ҳеч бир инсоннинг умри бир текис, фаровон кечмагани каби ҳеч бир инсоннинг умри фақат азоб-уқубатлардан, оғир кунлардан иборат эмас. Айни шу ўринда шоирнинг чуқур фалсафий мушоҳадасига, теран ҳаётӣ қарашларига гувоҳ бўламиз.

Юқоридаги шеърлар таҳлилидан келиб чиқиб, Абдулла Орипов тилнинг чексиз имкониятларидан фойдаланган ҳолда инсон руҳиятининг энг нозик қирраларини ёритиб берганига гувоҳ бўламиз. “Абдулла Орипов ижодида тил ва руҳнинг омихталиги фалсафий йўсинда юксак бадий шаклларда намоён бўлади. Масалан, тилни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш ҳам мумкин. Бироқ файласуфлар тил ўрганишни ўша тилнинг руҳини ўрганишдан бошлаш лозимлигини уқтиришади. Руҳиятдан холи тил бамисоли жонсиз тана. Бунда тил функцияси торайиб бир ёқлама бўлиб қолади. Бошқача айтганда, тил унинг замиридаги дил акси билан жонлидир”.<sup>49</sup>

Абдулла Орипов бадий асарлари тили дил, нафақат дил, балки ҳаёт аксидир. Шу жиҳатдан унинг шеърлари йиллар ўтгани сайин қиймати ошиб боровчи хазина сингари қимматлидир. Шоир шеър ва ранглар бадий синтези воситасида ўзининг ижтимоӣ, лирик, ишқӣ, диний-ахлоқӣ лирик кечинмаларини очиб бериш жараёнида маълум бир реалиялардан фойдаланади. Кутилмаган ташбеҳлар, қаршилангиришлар, жонлангиришлар воситасида лирик кечинмаларнинг энг нозик жиҳатларини бадий тарзда акс эттиради. Шоир учун ранглар ўз туйғуларини бадий жиҳатдан очиб берувчи очқич вазифасини бажаради. Шоир лирик кечинмалари нафақат унинг ўзига, балки кўпга тегишли бўлиб, улар ўрни келганда бутун миллатнинг, халқнинг кечинмалари тарзида намоён бўлади. Шоирнинг ўзи таъкидлаганидек: “Ижодкор умуминсонӣ дардни шахсий дарддек қабул қилиши ёки шахсий дардини умуминсонӣ дард даражасига кўтариши лозим”<sup>50</sup>. Шоир ранг ва оҳанглар синтези ёрдамида айни шу мақсадларини аниқ ва тизимли шаклда

<sup>49</sup>Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеърӣятада халқона поэтик тафаккур муаммоси. –Т.: 2021. –Б.107

<sup>50</sup> Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. –Т.: Ёш гвардия. 1988. – Б.117

намоён этади. Унинг шеърларида умумбашарий кечинмлар акс этиши билан бир қаторда, шахсий кечинмалар ҳам минглаб ўқувчилар қалбига ўзига хос тарзда кириб боради. Абдулла Орипов ижодида бадиий синтезнинг энг мукамал кўринишлари акс этади ва лирик қаҳрамон кечинмаларини бадиий тарзда ўзида мужассамлаштиради.

### **I боб бўйича хулосалар:**

Адабиётда лирик кечинмани ҳосил қилувчи воситалар турлича бўлиб, ҳар бир ижодкор бу бадиий тасвир воситаларидан турлича фойдаланади. Абдулла Орипов лирикаси кечинмалар тасвирида турли бадиий воситаларни ўз ўрнида танлай олиши, ҳеч қайси ижодкор мурожаат қилмаган бадиий воситалардан унумли фойдаланиши билан адабиёт ихлосмандлари қалбига чуқурроқ кириб бориб, мустаҳкам тарзда ўрнашади. Лирик кечинма таснифидан келиб чиққан ҳолда шоирнинг шеърлари оний лирик кечинма маҳсули сифатида акс этади;

Ижодкор шеърларидаги лирик кечинма табиатидан келиб чиққан ҳолда, шеърларни антитезис лирик кечинма ва турғун лирик кечинма маҳсули сифатида таснифларга ажратиш муаллиф лирик кечинмаларини янада аниқроқ ва бадиийроқ тарзда англашга имкон яратади. Шоир руҳиятидаги эврилишлар лирик кечинмани бошқаради. Абдулла Орипов туйғулари баёнида образларнинг кучидан бадиий восита сифатида фойдаланади, восита образларни ўз кечинмалари тасвирида муваффақиятли қўллай билади.

Абдулла Ориповнинг кечинмалари оҳанг, бўғин, туроқ ёрдамида янада конкретлашади, улар шоирнинг бир лаҳзалик руҳиятини ўзида тутиб қола олиши билан характерланади.

## II БОБ. ПОЭТИК СТРУКТУРА ВА ЛИРИК КЕЧИНМА МУНОСАБАТИ

### 2.1. Лирик кечинма тасвирида поэтик мазмун ва шаклнинг ўрни

“Воқеликда мавжуд нарсаларнинг бари ўзининг ташқи кўриниши (шакли) ва шу шакл орқали англашилаётган моҳиятига (мазмун) эга. Шу боис ҳам “шакл” ва “мазмун” категориялари умумфалсафий характерга эга бўлиб, улар воқеликни (нарсани) идрок қилишда муҳим аҳамиятга молик илмий абстракциялар саналади. Абстракция дейишимизнинг боиси шуки, шакл ва мазмун қабалидаги бўлиниш шартли, негаки улар – яхлит бир нарсада ҳар вақт бирликда мавжуд бўлган ва бир-бирини тақозо этадиган икки томон. Зеро, шакл нарсанинг биз бевосита кўриб турган, ҳис қилаётган томони бўлса, айни шу шакл бизга ўша нарсанинг нима эканлигини – мазмун-моҳиятини англатади”<sup>51</sup>. Демак, мазмун муайян шаклдагина яшайди, шаклсиз мазмун бўлмаганидек, мазмунсиз шакл ҳам мавжуд эмас. Адабиётда мазмун ва шакл масаласи кеча ва ёки бугун пайдо бўлган масала эмас. Шакл ва мазмун масаласининг дастлабки илдизлари Шарқ адабиётида Румий, Навоий каби ижодкорлар ижодида учраши фикримизнинг тасдиғидир. Шаклнинг бадий ижодда тутган баланд рутбаси, айни вақтда, шаклнинг мазмундан ажратиб қаралиши мумкин эмаслиги ҳазрат Навоий томонидан конкрет тарзда ифодаланган:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,  
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.  
Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,  
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.<sup>52</sup>

Адабиётда шакл ва мазмун масаласининг қай даражада муҳимлиги хусусида адабиётшунос ва мунаққид Қозоқбой Йўлдошев алоҳида тўхталади ва шакл ва мазмун тушунчалари ҳақида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Адабий асарнинг мазмуни унинг моҳияти, шаклини эса моҳиятнинг намоён бўлиш тарзи сифатида ҳам тушунтириш мумкин. Бошқача айтганда, мазмун –

<sup>51</sup> Қурононов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Фан, 2007. – Б. 86

<sup>52</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 6-жилд. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. –Б.18

ижодкорнинг очун ҳақидаги ўйлари, воқеликдаги бирор ҳодисага фикрий ва ҳиссий муносабати. Шакл эса ана шу муносабатнинг ифодаланиш тизими ва йўсинидир. Бундан ҳам жўнроқ ифодаланса: мазмун – бу ёзувчининг нима дегани бўлса, шакл унинг қандай деганидир”<sup>53</sup>. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бадиий асар таҳлилида шакл ва мазмун масаласи нечоғли муҳим аҳамиятга эгалигини ва Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида шакл ва мазмун масаласини ўрганиш унинг лирик кечинмаларини аниқлаш имконини беради.

Мавзу, қаҳрамон, конфликт, сюжет – мазмун унсурлари сирасига киради. Мазмун айна шу унсурлар ёрдамида муаллиф ижодий ниятини ифодалайди. Лирик кечинмалар ифодасидаги таъсирчанлик айна шу мазмун унсурлари воситасида бадиий мукамаллик касб этади. Абдулла Орипов сюжет чизиғининг бир текислиги асносида қаҳрамон руҳиятига чуқур кириб боради ва лирик кечинманинг моҳиятини аниқ тасвирлайди. Тасвир мобайнида жонли рух, сюжетдаги ҳаракат кечинмалар бадииятини бўрттириброқ кўрсатишга ёрдам беради. Шоир кечинмалари сокин, уларда камдан-кам ҳолларда дунёни ағдар-тўнтар қилиш даъвоси акс этади. Абдулла Орипов лирикасига хос босиқлик, фалсафийлик кечинманинг асл қувватини таъминлайди. “Бозор” шеърида лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи. Фақат бу шеърда унинг болалиги ва айна дамдаги ҳолати – лирик қаҳрамон. Сюжетда ҳам хотиржамлик, изчиллик бор. Айна шу хотиржамликдан улкан оғриқ яралгандек худди. Манзара ўзига хос. Шоир болалигини ёдга олади. Отасининг бозордан қайтиш ҳолатини соғинч ва энтиқиш билан ёдга олади. Отанинг бозордан қайтиши болалар учун байрам. Болаларнинг шодлиги ота бозордан олиб келадиган хўрозқанду пашмак билан боғлиқ.

Бу – хўрозқанд, бу – пашмак, буниси эса новвот,

Парво қилмайди ҳеч ким саратоннинг ҳоврига

тасвири ниҳоятда содда, оддий каби кўринади. Аммо таъби назми бўлмаган киши бу оддий ҳолатнинг жозибасини, гўзаллигини илғаши мушкул. Бадиий

---

<sup>53</sup> Ўлдошев Қ. Бадиий таҳлил асослари. – Т.: Камалак, 2016. – Б.123

мукамаллик ҳам аслида шунда. Шоир оддийгина ҳолатнинг энг ёрқин лаҳзасини тутиб қолиш имконига эга. Болалик саратоннинг қуёшини, қаҳратоннинг қаҳрини писанд қилмайдиган давр. Шоир куннинг иссиғида оила ташвишларидан чарчаган ота тасвиридан салқин оқшомда ҳовлида оғзига отаси олиб келган хўрозқандни солганча етти оға-ини юлдузларни санаб ётган болалар тасвирига ўтади. Мазмун банддан бандга ўтганимиз сари янада теранлашиб, бадиийлик касб этиб бораверади. Ниҳоят “*У йиллар ўтиб кетди бамисоли рўё, туш, Қанчалар оҳ чекмайин, кўрмасман уни қайта*” дея афсусли кечинмалар тасвирига келар эканмиз, ҳаммамиз беихтиёр болаликка қайтиб, умримизнинг ўтиб бораётган кунларига назар соламиз. Шоирнинг ўтиб кетган умрини соғиниши, у кунларга қанча оҳ чексада қайта олмаслиги, бизда ҳам айнан шундай туйғуларни пайдо қилади. Шоир каби энг ёрқин болалик хотираламизни эслай бошлаймиз ва унга қайта олмаслигимизни аниқ ҳис этамиз. Кечинманинг бу қадар жонли ифодаси айни шу ҳолатда яққол намоён бўлади, шоир кечинмалари ўқувчи кечинмалари билан қориша бошлайди. Аммо асар сўнгигача муаллиф умидлари, орзулари ўлмаган лирик қаҳрамон сифатида кўз олдимизда қолади.

Лекин дарвоза томон қараб қўяман гоҳ-гоҳ,

Бозорга кетган эди, қачон қайтаркан отам.

Ифоданинг бу тарзда ниҳояланиши кутилмаган ҳол. Шоир нега ҳамон дарвоза томонга қараб-қараб қўяди. Нега ҳамон бозорга кетган отасини кутади. Сюжет худди яқунланмагандек, худди савол билан тугагандек. Аммо айни шу ифода болалик ҳамон шоир билан бирга эканлигини англашимизга имкон беради. Эҳтимол, шоир умрнинг барча онларини айни шу бир лаҳза тасвири билан боғламоқчи, ҳаётининг ўша бахтли лаҳзаларида қолиб кетмоқчидир. Эҳтимол, унинг отаси кетган бўлсада, “*дарвоза томонга гоҳ-гоҳ қараб қўйиши*”и инсон умрини мушоҳада этишдир, ёхуд шоирнинг узилмаган умиди, орзуси бордир. Хуллас, оддий ва соддагина сюжет тасвири ўқувчига ўнлаб бадиий хулосалар чиқариш имкони беради. Мазмун айни шу тасвир воситасида бадиийлик касб этади ва лирик кечинмалар

бетакрорлигини таъминлашга хизмат қилади. Сюжетнинг изчиллиги асар композитсиясининг мустаҳкамлигини таъминлайди. Шоир мазмуннинг моҳиятидаги нафислик, оддийлик асносида шаклнинг ҳам бетакрорлигига эришади. Сюжетни шакллантириш давомида шеърнинг тилини чархлаб боради. Абдулла Орипов шеърлятида тил ниҳоятда барқарор. Унинг шеърларидаги бирор сўзга тегиниш мазмуннинг бутун моҳиятини ўзгартириш асносида шаклнинг ҳам вайрон бўлишига олиб келиши мумкин. Шоир шеърлятида тил фалсафий моҳиятни ёритади, мазмунни теранлаштиради, шаклнинг мукамаллигини таъминлайди. “Тил шакл ҳосил этиш хусусиятига ҳам эга”<sup>54</sup> эканлигини инобатга олсак, Орипов шеърлари мукаммалиги шаклнинг ҳам барқарорлигини таъминлашини англашимиз мумкин. Абдулла Орипов шеърлятида шаклнинг ўзига хослигини таъминловчи унсурлардан яна бири ҳажмдир. Муаллифнинг хорижда яратилган шеърларида ҳажм масаласи турлича. Энг кичик тугалланган ҳажм тўрт қатор бўлса, энг катта ҳажм юз мисрадан ҳам ортиқ бўлган ўринлар мавжуд. Ҳажмнинг бу қадар турличалиги ҳам муаллиф кечинмаларининг турличалигини кўрсатишга ёрдам беради. Кичик ҳажмли шаклда улкан мазмунни ифода этиш, катта ҳажмли шаклда ўқувчига бир нафасда ўқиш ва ҳазм қилиш имконини бериш буюк маҳоратдир. Айни шу вазиятда шакл ва мазмун уйғунлиги юзага келади

Чинакам истеъдод эгалари мазмун ва шаклни бир-бирига моҳирона уйғунлаштира олади. Абдулла Орипов ижодининг муваффақият тенденцияларидан бири айни шу шакл ва мазмун уйғунлигидир. Шоирнинг хорижда яратилган шеърлари бармоқ вазнида, шакл эса анъанавий кўринишга эга. Шеърлар таҳлилида Қозоқбой Йўлдошевнинг қуйидаги фикрлари аҳамиятлидир: “...таҳлилда шаклдан мазмун сари борилса, асарнинг бадий қатламларига чуқурроқ кириш имкони пайдо бўлади. Чунки бадий асарнинг гўзаллик қирралари кўпроқ шаклда намоён бўлади ва бу ҳол илмий таҳлилни чегара билмас даражада теранлаштириш имконини беради.

---

<sup>54</sup> Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. –Т.: Янги аср авлоди. 2011. – Б.392.

Шаклнинг қирралари кашф этилгани сари ундан чиқадиган бадий мазмун чуқурлашиб, хилма-хиллашиб бораверади”<sup>55</sup>. Айни шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърлари бадий таҳлилида, ундаги лирик кечинмани англаш жараёнида шаклдан мазмун томон боришни мақсад қилдик ва шоирнинг хорижда яратилган тўпламларида иккилик, учлик, тўртлик, бешлик, олтилик ва ўнлик каби шакллардан фойдаланганлигига гувоҳ бўлдик. Шоир шеър мавзусидан келиб чиққан ҳолда шакл танлайди ва бадий ютуққа эришади. Аслини олиб караганда шакл ва мазмун тушунчаси ўзаро узвий алоқададир. Боиси мазмунсиз шакл, шаклсиз эса мазмун юзага чиқмайди. Бадий асарни таҳлил этиш жараёнида, лирик кечинма табиатини аниқлашда шакл ва мазмун масаласи муҳим аҳамиятга эга. Асарнинг бадий мукамаллигини таъминловчи восита шакл ва мазмун эканлигини инобатга олсак, у лирик кечинма билан биргаликда бадий тугалликка эришади. Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида шакл ва мазмуннинг акс эттирилишини қуйидаги жадвалда ифодалашга ҳаракат қиламиз:

Шакл	Ҳаж дафтари	Арманистон сафари	Женева дафтари	Япон оханг-лари	Италия дафтари	Туркия дафтари	Уммонорти илҳомлари	Жами
Иккилик			Халқаро анжуман	Япон	Хўкиз шохи, Дўхтир, Набирам-га	Яхшилар	Гўрковлар қўшиғи, Рух, Эверест ва Уммон, Ранг-баранглик	10
Учлик			Иқро					1
Тўртлик		Алвидо,деб кўлларимга бойладинг бир тола соч	Совға, Ҳадя, Дипломат Тўлин ой, Элликқалъа, Она юрт	<i>Карвон Япон Марта баГумон</i>	6	2	21	39

<sup>55</sup> Ёўлдошев Қ. Бадий таҳлил асослари. – Т.: Камалак. 2016. – Б.123

Бешлик	Пайгамбар					Қора денгиз	Имтихон, Агар сенсиз	4
Олтилик							Бегона одам	1
Ўнлик							Ватаним	1

Юқоридаги тасниф асосида айтиш мумкинки, Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида энг кўп учрайдиган шеър шакли тўртлик бандлардан иборат шеър шаклидир. Ижодкорнинг хорижда яратилган асарлари орасида фақатгина тўрт қатордан иборат, шаклан мукамал тузилишга ва мазмунан тўлиқ руҳиятга эга бўлган алоҳида тўртликлар учрайдики, улар алоҳида таҳлил ва талқинни талаб этади. “Арманистон сафари”дан ўрин олган *“Алвидо, деб қўлларимга бойладинг бир тола соч”* “Женева дафтари”дан ўрин олган *“Совга”, “Ҳады”, “Дипломат”, “Тўлин ой”, “Эллиққалъа”, “Она юрт”, “Япон оҳанглари”*даги *“Карвон”, “Япон”, “Мартаба”, “Гумон”, “Италия дафтари”*дан жой олган *“Тўртликлар”* номи остида берилган 6 та, “Туркия дафтари”дан тўртликлар номи остида берилган жами 2 та тўртлик, “Уммонорти илҳомлари”дан ўрин олган 21 та тўртликлар шулар жумласидандир.

Юқоридаги таснифлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Абдулла Орипов ижодида учровчи турли шакллар мазмун билан уйғунлашган ҳолда чинакам санъат намунасини ҳосил қилади. Шоир ижоди шакллар масаласида турличалик ва ўзига хосликка эгадир. Шоир мазмунга мос шакл танлашда хато қилмайди ва мукамал бадиийликни яратади. Бу ҳақда Лайло Ўсарова қуйидагича фикр билдиради: *“Абдулла Орипов шеърляти поэтик шаклларнинг ранг-баранглиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Шоир учлик, тўртлик, бешлик, саккизлик, ғазал, дoston драма каби турли шеърлий шаклларда маҳорат билан ижод қилди. Қайси поэтик шаклда ёзмасин, шоир шеърларида инсон ва унинг туйғулар олами, миллий руҳ ва унинг бетақроп талқини ифодалангани кузатилади”*<sup>56</sup>.

<sup>56</sup> Ўсарова Л. Абдулла Орипов шеърлятида миллий руҳ ифодаси. Ф.ф.б. фалсафа док.дисс. – Т.2020. – Б.65

Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган деярли барча туркумларидаги илк шеърлар иккилик шаклда бўлиб, уларнинг барчаси бир хил а-а; б-б; с-с... қофияланиш тизимига эга. Қофияланиш тизими маснавий қофияланишига мувофиқ келсада, бу иккиликлар бармоқ вазнида ёзилгани ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан маснавий бўла олмайди. Шоир иккилик шакли воситасида асосан иккита мавзуга мурожаат қилади. Ўнта иккиликнинг учтасида (Халқаро анжуман, Хўкиз шохи, Япон) Ватан ва у билан боғлиқ мулоҳазалар акс этса, қолган еттитасида яхшилик, яхши ва ёмон инсонлар ҳақидаги мулоҳазалар акс этади. Демак, шоир иккиликлари ижтимоий характерга эга ва ўзида шоирнинг ҳар икки мисрада тугалланган лирик кечинмаларини акс эттириши билан характерланади. Шоирнинг иккилик шаклидаги шеърларида муаллиф кечинмалари ўзида ижтимоий лирик кечинмаларни халқона оҳангларда ифодалайди. “Уммонорти илҳомларидан” ўрин олган “Гўрковлар қўшиғи” да аччиқ кесатиқ ва ўткир киноя воситасида инсониятдаги энг катта нуқсонлар халқона оҳанглар воситасида акс этади. Абдулла Орипов ижодидаги халқоналик ҳақида Акрам Ҳамдамов кўйидагича ёзади: “Абдулла Орипов инсон руҳияти билан ижтимоий воқеликни ўзаро боғлиқ бадий талқин этишда халқ оғзаки ижодининг турли жанрларидан, поэтик тасвир усуллари ва воситаларидан унумли фойдаланади. Ана шу ҳолат унинг шеърлятида халқ оҳанглари ва миллий руҳиятнинг уйғун тарзда намоён бўлишига олиб келган”<sup>57</sup>.

Халқ оғзаки ижодида “Ёр-ёр”лар ташийдиган маъно тамомила бошқача бўлгани ҳолда, Абдулла Орипов “Ёр-ёр”ни тамомила янги ҳолатда қўллайди:

Қабристонга, демангиз, тирик келди, ёр-ёр,

Қувонтириб бизларни, ўлик келди, ёр-ёр.

Одатда, халқимиз урф-одатига кўра ёр-ёр тўй маросимида ижро этилувчи фольклор намунаси ҳисобланади. Шоир эса гўрковлар тилидан бу кўшиқни ижро эттирар экан, анъаналарга зид ёндашгандек туйилади худди. Аммо шу ўринда халқимиздаги машҳур бир мақол ёдимизга тушади: “Отнинг

---

<sup>57</sup> А.Ҳамдамов. Абдулла Орипов шеърлятида халқона поэтик тафаккур муаммоси. – Т.: ф.ф.н.дис. – Б.62

ўлими – итнинг байрами”. Шу мақолни ёдга олганимизда шоирнинг поэтик мақсадини англагандек бўламиз гўё:

Ёпиб қўйиб устига чопонини ёр-ёр,  
Ечинтириб оламиз кафанини, ёр-ёр.

Дунёда шундай инсонлар борки, улар кимнингдир қайғусидан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланадилар. Шоир гўрковлар қўшиғи мисолида жамиятдаги энг катта иллатни фош этади. Абдулла Орипов иккилик шаклининг равонлиги, ҳар икки қаторнинг тугал оҳанг ва мазмун ифодаланишидан унумли фойдалангани ҳолда ўз лирик кечинмаларини баён этади. Шоир лирик кечинмаларини ифодалаш жараёнида турли хил воситалардан фойдаланишга, турли шаклларни топишга интилади. Шоир “синдирилган” мисралар ёрдамида шаклий янгиликка интилади.

Ота, сен ҳам дуолар қил  
Ўғлонинг учун.  
Боланг балки ўспириндир,  
Балки жуда ёш.  
Эҳтимол, у юрт сўрайди,  
Улғайиб бир кун,  
Валлоҳ, сенинг ўзингга ҳам  
Бўлғусидир бош.

Шеър шаклан қаралганда гўёки саккиз қатордан таркиб топганга ўхшайди. Аслида эса, бу шеър оддий тўрт қатордан иборат шеърнинг мисралар синдирилишидан ҳосил бўлган шаклидир. Айнан шу синдирилган мисралар шаклининг ноодатийлигини таъминлаш баробарида мазмун кучайишига, кечинмаларнинг тиниқроқ ва таъсирлироқ бўлишига ёрдам беради. Синдирилган мисраларда таъкид, ҳаяжон кучаяди ва мазмун теранроқ англашилган ҳолда ўқувчига тез етиб боради. Абдулла Орипов ижодида шакл ва мазмун муносабати уйғунликда акс эттириб, кечинмалар таъсирини оширувчи яна муҳим омиллардан бири такрорлардир.

Хайр эй, беармон кезган қирларим,  
Хайр эй, йирокда қочган сўқмоқлар.  
Хайр эй, масканим – тукқан ерларим,  
Хайр эй саҳролар, хайр, эй тоғлар-

каби мисраларда *хайр эй* бирикмасининг такрори таъсирчанликни ошириб, шоир эътибор қаратган мавзунинг кўлами ва аҳамиятини оширади. Такрорийлик ҳодисаси ёрдамида ҳис-ҳаяжон янада тиниқроқ англашилади. Раъно Муллаҳўжаева: “Бадий такрорлар сўз, мисра, маълум бандлар кўринишида учрайди, улар шеърий матннинг турли ўринларида келиши мумкин ва алоҳида бадий вазифа бажаради. Матнда маълум бир юкка эга бўлмаган такрор айб саналади. Аксинча, такрорнинг мазмун ва ғояга хизмат қилиши шоирнинг маҳорати ва санъаткорлигидан далолатдир”<sup>58</sup>.

Бу каби воситалар, ўзига хос шакллар шоир ижодида мазмуннинг аҳамиятини ошириш баробарида, шаклий янгиланишни, тафаккур тадрижини ўзида мужассам этади. Айниқса, хорижда яратилган шеърларда учлик шаклининг мавжудлиги тафаккур тадрижи баробарида, лирик кечинманинг аксланишида ўзига хос бадий кашфиётга интилиш руҳиятини кўрсатиб турибди. Абдулла Орипов қандай шеърий шаклда қалам тебратмасин уни бадий жиҳатдан мукамал санъат намунасига айлантира олади.

Ижодкорнинг хорижда яратилган 277 та шеърлари орасида бор йўғи биттагина учлик шаклига эга бўлган “Иқроп” сарлавҳали шеър мавжуд. Адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев Абдулла Орипов ижодидаги учликлар ҳақида сўз кетганда “Ранглар ва оҳанглар” тўпламига тўхталади ва куйидагича фикр билдиради: “Абдулла Орипов ижодий умри давомида биринчи ва биргина марта қофия ва оҳангдошликка асосланмаган учлик бандлардан иборат шеърлар ёзди. Бу учлик бандларда икки жиҳат кўзга уйғунлашгани кўзга ташланади: учликлар бутун бир шеърни ташкил этувчи

---

<sup>58</sup> Муллаҳўжаева Р. Тафаккур янгиланиши. –Т.: Мухаррир. 2019. – Б.105

бандлар; айни вақтда ҳар бир учлик муайян ички мустақилликка эга шеър ҳам.”<sup>59</sup>

Шоир ижодида учликларга мурожаат этиш, том маънода шаклий ва мазмуний янгиликка, бетакрор лирик кечинма тасвирига интилиш хосиласидир. Қозоқбой Йўлдошевнинг юқоридаги фикрлари қайсидир маънода фикримизни тасдиқлайди. “Ранглар ва оҳанглар” даги учликлар ҳақида айтилган фикрлар қайсидир маънода “Женева дафтари”дан олинган “Иқроор” учлигига ҳам мувофиқ келади. Бошида шеър нима ҳақида эканлигини яққол тушуниб олиш имкони мавжуд эмас:

Сен яхши кўрасанми

Ё ёмон кўрасанми –

Шу дарё меники.

Даставвал, лирик қаҳрамон кўз олдимизда ҳамма нарсага қўл силкиган инсон қиёфасида гавдаланади. Унга инсонлар қандай муносабатда бўлиши аҳамиятсиз. Шеърнинг дастлабки бандида бошланган шу фикр кейинги бандларда ҳам давом этади: “Сен яхши кўрасанми, Ё ёмон кўрасанми – Шу тоғлар меники”. Банддан бандга ўтгани сари фикрлар янада таранглашиб, тортилиб боради. Ниҳоят шеър сўнгида энди учлик эмас, иккилик шаклида шоир ўзининг асл бадий мақсадини ёритади:

Яхшидир. Ёмондир –

шу Ватан меники.

Демак, шоирга ўзи ҳақида айтилган кимдирларнинг гапи аҳамиятли бўлмаганидек, унинг Ватани ҳақида ҳам кимнингдир нимадир дейиши аҳамиятли эмас. У ўз Ватанини борича севади. Ватанининг яхши томонлари ҳам, ёмон томонлари ҳам унинг учун бирдек сеvimли ва азиз. Гарчи шоирнинг хорижда яратилган шеърлари орасида “Иқроор” шеъри ягона учлик ҳисобланса-да, мазмун ва моҳият томонидан янгиликка интилиш ҳодисаси натижаси ўлароқ яратилгани жиҳатидан характерли ва ўқувчи учун муҳимдир.

---

<sup>59</sup> Йўлдошев Қ. Сўз ёлқини. –Т.: Фафур Фулом . 2018. – Б.56

Абдулла Орипов ижодида етакчи ўрин тутган тўртлик шакли ҳақида сўз юртилганда М.Райҳонованинг тўртлик ва Абдулла Орипов тўртликлари ҳақида билдирган фикрларига эътибор қаратишни жоиз деб билдик: “Таъкидлаш жоизки, шеърӣ бадий тезислар айтиш эҳтиёжидан фалсафӣ тўртликлар пайдо бўлади. Шунингдек, тўртлик қисқа ҳажмли асар бўлгани учун ижодкорга ўзига хос имкониятлар беради. Тўртлик баъзан дафъатан ҳаёлга келган образ ёки фикр, кўз тушиши билан илҳом туғдирган нарса ёки ходисадан яратилади; фикр, образ илҳом шу тариқа “тутиб” қолинади. Тўртлик бадиҳага ҳам жуда қулай. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Абдулла Орипов ижодининг сўнгги йилларида яратилган тўртликларнинг аксарияти лаҳзалик илҳомдан туғилган. Бунинг шоир ҳаёти воқеалари, ижодкор ва жамият муносабатлари, тажриба, тафаккур, руҳий ҳолат, маҳорат билан боғлиқ қатор объектив ва субъектив сабаблари бор”<sup>60</sup>.

Абдулла Орипов тўртликлари фалсафӣ тугалликка эга бўлган бутун шеърлардир. Гарчанд бу шакл Шарқ адабиётида етакчи ва анъанавий шакл бўлсада, Абдулла Орипов айни шу анъанавий шакл воситасида ўзига хос бадий кашфиёт бўлган ғояларни акс эттиради. Шоир тўртликлари ҳажман тўртлик шаклида бўлса-да, мазмунан бир неча бандли шеър шаклига тенг кела олади. Шоирнинг ҳаёт, инсон ҳақида фикрлари тугал ва мураккаб. Шу жиҳатдан тўртликларда шоирнинг нафақат инсонлар ҳақидаги, балки ўз умри ҳақидаги фалсафӣ қарашлари, ўрни келганда ҳаётни кўрган инсоннинг афсусу пушмонликлари акс этган лирик кечинмалари акс этади. Энг муҳими шоир тўртликлари кичик ҳажмда сюжетни бера олиши билан характерлидир.

Тўртликларда сюжетнинг акс этиши шоир маҳорати баробарида, мазмуннинг ўзига хос унсури сифатида акс этади:

Дунёда тугамас экан армонлар,  
Ўтди қанча замон, қанча сарбонлар.  
Ўтира берибман буюкман дея,

---

<sup>60</sup> М.Райҳонова. Абдулла Орипов шеъриятида оламни идрок этиш ва бадий воқелантириш тадрижи. Ф.ф. фалсафа д. Дисс. Қарши. – 2021. – Б.98

Манзилга етибди бошқа карвонлар.

Шоир ўз умрини сарҳисоб қилиб, ўзидан кўнгли тўлмайди. Бутун халқнинг эътиборида бўлган, ўз шеърлари билан минглаб қалбларни забт этган инсон ўз ўтган умридан қониқиш ҳосил қилмаяпти! Шоир ўз элига қараб ҳам мурожаат қилади. Нафақат ўзидан, балки ўз шоирининг кадрига етмаган миллатдошларидан ҳам “Мартаба” деб номланган тўртлиги орқали ранжийди:

Гарчанд комил эмас кўҳна бу жаҳон,

Гарчанд ҳар кадамда яхши ва ёмон.

Масхара қиласан ўз шоирингни,

Шу сенга мартаба бўлдими, инсон.

Баъзи тўртликлар қайсидир маънода шоир таржимаи ҳолини, ҳаётини билишга бизга имкон яратади. Аммо шоирнинг ижтимоийликдан холи, соф туйғуларга ёки ҳазил-мутойибага йўғрилган шеърлари мавжудки, бундай тўртликлар ўқувчи бадиий дунёсини бойитиш билан бир қаторда, ҳаётнинг ҳамма ҳам илғай олмайдиган қирраларига шоир нигоҳи билан боқиб хайрат туйғусини туяди. Масалан, “Япон” деб номланган тўртликда шоир енгил мутойиба билан заҳматқаш япон халқининг беқиёс санъати ҳақида сўз юритади:

Сенинг амалингга қойилдир жаҳон,

Бургани тақалаб қўйгайсан осон.

Нозик санъатингга тикилавериб,

Кўзларим қисилиб кетди-ку, япон.

Бу ўринда мазмундаги фалсафийлик, шоирнинг асл ижодий мақсади енгилгина мутойиба билан уйғунликда акс этади. Шоирнинг реал ҳаётийликни айнан енгил мутойиба, самимият билан акслантириши кўплаб тўртлик шаклидаги наамуналарда кузатилади. Масалан, халқимиз орасида ой тўлган паллада инсонларда учровчи турли хил касалликлар кўзиши ҳақида гап юради. Айни шу фикрдан шоир усталик билан бадиий мақсадини очиб берувчи поэтик восита сифатида фойдаланади:

Дейдилар, ой айни тўлишган маҳал,  
Қўзиб қолар эмиш турфа хил касал.  
Бу-ку бор гап, шекилли, юзингга боқсам  
Гапимдан адашиб қоламан ҳар гал.

Шоир халқ орасида юрган фикрларни ўз туйғуларини очиб бериш учун манбаа сифатида танлайди ва ўзига хос бўлган санъат намунасини яратади. Шоирнинг ҳазил аралаш ёзилган тўртликлари ҳақида гап кетганда, “Рухлар” деб номланган тўртликни таъкидлаш лозим. Шоир тўртлик сарлавҳаси остига кавс ичида “ҳазил” деб битган. Бундай шеърлар ҳақида Дилмурод Қуронон ўзининг “Адабиётшуносликка кириш” асарида алоҳида тўхталади: “Ҳозирги ўзбек шеърлятида сарлавҳа остида “ҳазил” сўзи қайд этилган шеърлар жуда кенг тарқалганки, бунда ҳам энг аввал узрхоҳлик функцияси мавжуд . Яъни шеър шунчаки кулги учун ёзилмаган – замирида жиддий маъно ётибди,асли, фақат шуни кишига малол келтирмай етказмоқчи холос”<sup>61</sup> Гарчанд бу фикрлар асосли бўлсада, сарлавҳаси остига ҳазил деб ёзилган барча шеърларга мувофиқ эмаслигини Абдулла Ориповнинг юқорида биз аҳамият берган тўртлиги кўрсатади:

Рухлар ҳамма жойда ҳозир бўлганлар,  
Бу ҳолни тириклар яхши билганлар.  
Муттасил тушимга киришар, ажаб,  
Улар қайси рейсда учиб келганлар.

Ушбу тўртлик тўлиғича самимий табассум, кесатиқ ва киноялардан холи тарзда яратилгани кўриниб турибди.

Абдулла Орипов тўртлик шаклдан одатда, энг аниқ ва фалсафий фикрларни очиб беришда фойдаланади. Бу жанрнинг қисқалиги ва қисқа шаклда кенг маъно ифодалай олиши Абдулла Орипов учун ниҳоятда қўл келади. Тўғрироғи, ҳамма ижодкор ҳам қисқа шаклда кенг маъно беришни

---

<sup>61</sup> Д.Қуронон. Адабиёт назарияси асослари. – Т.:Навоий университети. 2018. – Б.134

уддалай олмайди. Фақат чинакам истеъдод соҳибларигина ўз бадий мақсадини қисқа ҳажмда бемалол ифодалай олади.

“Шакл консервативроқ ҳодиса бўлганлигидан узоқ яшовчанлик хусусиятига эга. Мазмун эса ўзгарувчанликка мойил ҳодиса бўлиб, ҳар бир бадий аср мазмунан ўзича оригиналдир. Сабаби, ўша асарни яратган ижодкор – Индивид, у дунёни ўзича кўради ва баҳолайди. Шунга кўра, ҳатто ошкор тақлидий руҳдаги асар ҳам мазмунан оригинал (мазмунан оригиналлик бу ўринда ижобий баҳо маъносида эмас, балки умуман ўзига хослик, бошқаларга айнан ўхшамайдиган деган маънода тушунилади) саналади.”<sup>62</sup>

Дилмурод Қуроноунинг фикрича, шаклнинг умри узунроқ. Айни шу жиҳатдан Абдулла Орипов ижодида тўрт бандлик шеър шакли етакчилик қилсада, уларнинг мазмуннинг турличалиги билан оригиналлик касб этади. Шоир шеърлятида ҳар бир шакл мазмунан бетакрорлиги билан аҳамиятлидир. Хорижда яратилган шеърларда шаклий жиҳатдан ранг-баранглик у қадар кўламдор эмас. Жумладан, бешлик шакли ҳам хорижда яратилган шеърлар орасида у қадар кўп учрамайди. Шоирнинг жами 4 та бешлиги бармоқ вазнининг 13, 11, 9 бўғинли шаклларида яратилган бўлиб, бўғинлар ижодкор бадий мақсадини очиб беришига кўра танланган. “Уммонорти илҳомлари”дан ўрин олган “Агар сенсиз” бешлиги 13 бўғинли шаклда бўлиб, ўхшатишларнинг бетакрорлиги, бадий топилмаларнинг мукамаллиги билан характерлидир. Шоирнинг муҳаббат лирикаси аслан гўзал ва нафислиги билан ажралиб туради. Ушбу бешликнинг ёзилган йилига эътибор қаратадиган бўлсак, 2005-йилда ёзилган бўлиб, бу вақтда шоир 64 ёшда эди:

Ой балқади, биллур кўкни шуълага чайқаб,  
Ол шафақни симиради булутлар чанқаб.  
Юлдузлар ҳам рақсга тушар, ненидир пайқаб,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,

---

<sup>62</sup> Д.Қуроноу. Адабиёт назарияси асослари. – Т.Навоий университети. 2018. – Б.92

Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Бир караганда, самимий ишқий лирика намунаси бўлиб кўринган бу шеърдаги тасвирлар беихтиёр тафаккур оламини ларзага келтиради. Булутларнинг чанқагач шафақни симириш тасвири ҳар кимнинг ҳам хаёлига келавермайдиган ҳолатдир. Бу каби туйғуларни ифодалаш учун 13 бўғинли шеър шаклини танлаш ўзини оқлайди. Бундай бўғинли шеърда муаллифнинг туйғулари изчил ва равон ифодаланиш имконига эга. Аммо шоир бешлик шаклида бармоқ вазнининг турли бўғинли шаклларида фойдаланадики, бу ҳолат бешлик шаклининг оҳангдорлигини юзага келтиради. Масалан, “Қора денгиз” шеърига эътибор қаратадиган бўлсак, шеър 8 бўғинли бўлиб, оҳангдорлик, мусиқий ўйноқлик яққол сезилиб туради:

Қора денгиз, Қора денгиз,

Юрагимда яра, денгиз.

Битта ўзбек шоирининг,

Кўнглига ҳам қара, денгиз,

Қора денгиз, Қора денгиз.

Шеърнинг оҳангдорлиги, сўзларнинг танланиши бешлик шаклнинг осон англанишига, ўқувчи томонидан енгил қабул қилинишига ёрдам беради.

Бешлик, олтилик, ўнлик каби шакллар муаллифдан анча юксак бадиий маҳоратни талаб этади. Абдулла Ориповнинг бадиий маҳорати айти шу шаклларда янада ёрқинроқ тарзда кўзга ташланади. Ижодкорнинг хорижда яратилган шеърлари орасида битта олтилик ва битта ўнлик шеър шакли учрайди. “Бегона одам” ва “Ватаним” деб номланган ҳар икки шеър ҳам “Уммонорти илҳомлари”дан ўрин олган бўлиб, бармоқ вазнининг 11 ва 7 бўғинли шаклларида ёзилган. Сарлавҳага қарайдиган бўлсак, бу икки шеър ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик кўзга ташланмайди. Аммо шеър матни билан танишар эканмиз дарҳол бу икки шеър ўртасида чуқур мазмуний алоқа борлигига гувоҳ бўламиз. Шоир “Бегона одам” шеърда узоқ йиллардан сўнг ўз қишлоғига қайтар экан, уни кимдирлар танимай “бегона одам” деб

билишларидан кўрқади. Чунки шоир бир пайтлар “бегона одам” деган тушунча қанчалик қабих ва даҳшатли маъно ифодалаганнини унутмаган:

Бир вақтлар келарди айғоқчи меҳмон,  
Ҳаммининг бисотин рўйхат қиларди.  
Қанчалаб шўрликни айлаб қатағон,  
Қайга жўнатишни ўзи биларди.  
Ёш-қари боқарди атрофга пурғам:  
— Қишлоқда юрибди бегона одам.

Муаллиф ўша “бегона одам” туфайли вайрон бўлган оилаларни, хазон бўлган умрларни ёдга олар экан, узоқ йиллардан сўнг ўз қишлоғи бағрига қайтган шоирини қишлоқдошлари танимаслигидан, уни ҳам “бегона одам ” деб ўйлашидан хавотирга тушади. Шоир Ватани нафақат “бегона одамлар”дан, балки минглаб иллатлардан азият чекканки, уларнинг чегараси йўқдек кўринади. “бегона одам”лар нафақат айғоқчилик қилдилар, балки улар илм-марифатни йўқ қилиб, халқни жаҳолат ботғоғи сари итардилар. Айни шу фикрлар Абдулла Ориповнинг “Ватаним” шеърида ифодаланади. Шеър худдики “Бегона одам ” шеърининг мазмунан давомидек янграйдиган, бироқ шакл ва оҳанг жиҳатидан юқоридаги шеърдан тамоман фарқли ўнлик шаклда давом этади:

Ҳар бир уйда айғоқчи,  
Ҳар қадамда исковуч,  
Одамни кўрса қочар,  
Бедовларинг ҳуркович.  
Ошингга заҳар солди,  
Ғанимларинг бир ҳовуч,  
Ёвузларнинг қўлида,  
Гулдай ватаним қолди,  
Бошида паноҳи йўқ,  
Тулдай ватаним қолди.

Бу шеърдаги исковуч, айғоқчи аслида ўша юқоридаги шеърда номи тилга олинган “Бегона одам”дир. Шоир умри давомида турфа инсонларга, турфа замонларга дуч келди. Шоир бу жараёни гоҳ фахр, гоҳ азоб билан хотирлайди:

Турфа хил замонларни  
Кўрган битта инсонман.  
Гоҳ фахр этсам, гоҳо  
Баридан пушаймонман.

Шоир қайси шаклда ижод қилмасин, унда ҳақиқат, Ватан, ҳалоллик каби умрбоқий тушунчалар етакчилик қилади. Унинг шеърларида шакл ва мазмун уйғунлиги юксак бадииятнинг юзага чиқишида, лирик кечинмаларнинг бетакрор тарзда ифодаланишига ёрдам беради. Шоирнинг хорижда яратилган асарларида шакл бадиий жозибани кўрсатиб берувчи қолип вазифасини бажаради.

Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида шакл ва мазмун масаласини таҳлил қилиш жараёнида хулоса қилиб айтиш мумкинки, шоир ижоди шаклий ва мазмуний янгиликларни ўзида акс эттиради. Шоир ижодида мавзу, қаҳрамон, сюжет унсурлари мазмуннинг, тил, композитсия, ҳажм унсурлари шаклнинг ўзига хослигини ва шунинг баробарида уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Муаллиф хоҳ анъанавий шаклда ёки мавзуда бўлсин, бетакрор мазмунни ифодалашга, шаклий ранг-барангликка ва бу орқали лирик кечинманинг ўзига хос ифодасини яратишга интилади. Бу ҳолат айниқса шоир ижодидаги учликларда, сюжет ифодасида, синдирилган мисраларда яққол кўзга ташланади. Хорижда яратилган шеърларидаги шакл ва мазмун ифодасини аниқлаш жараёнида таҳлил этилган жами 19 та шеърдан бир қанчаси шакл ва мазмун масаласини халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт намуналарига таянган ҳолда ифода этади. Абдулла Орипов лирик кечинмаларини ифода этишда энг кўп тўртлик шаклига таянади ва бу шаклдаги шеърлар мазмунан турлича эканлиги билан

характерлидир. Шоирнинг хорижда яратилган шеърлари орасида энг кам учраган шакл бу “учлик” шакли бўлиб, 277 та шеър ичида бор йўғи биттагина учлик шаклига эга шеър мавжуд бўлиб, бу шеър шоир ижодида энг етакчи мавзулардан бири бўлан Ватан мавзусидадир.

Абдулла Орипов ижодида шакл ва мазмун масаласи, унинг лирик кечинмаларни акс эттириш ўрни ҳақида тўхталар эканмиз, унинг янги шакл ва мазмунга интилиш хусусида гап кетгандаги қуйидаги қарашларига алоҳида эътибор қаратиш жоиз: “Тажрибалар ҳар бир шоирнинг ўз бадиият системасида муайян ўрни бўлиши зарурлигини кўрсатади. Яна шуни унутмаслик керакки, бир хил типдаги шеърлар кўпайса, улар албатта ўқувчининг ғашига тега бошлайди”<sup>63</sup>. Айни шу фикрлардан оқ англаш мумкинки, шоир ҳар қандай мавзуда, шаклда, мазмунда, лирик кечинмалар ифодасида ранг-барангликка, бадиий кашфиётларга интилади. Бироқ бу янгиликларни яратиш жараёнида энг аввало, халқнинг қалбига кулоқ солиш, унинг эстетик эҳтиёжларини инобатга олиш жоизлигини таъкидлайди. Зеро, адабиёт ўзида бутун бошли миллат, башарият кечинмаларини – орзу-истакларини, армонлари-ю қувончларини, мақсадларини ўзида акс эттириши билан адабиётдир.

## **2.2. Хорижда ёзилган шеърларнинг мавзуй таснифи**

Мавзу юнонча сўздан олинган бўлиб, “thema” – “асосида турувчи” деган маънони англатиши маълум. Т.Бобоев мавзу ҳақида тўхталар экан, унга қуйидагича таъриф беради: “Мавзу – бадиий асарда фалсафий, ижтимоий, ахлоқий ва бошқа муаммоларни қўйиш ҳамда ёритишга хизмат қилган, шу асарнинг ҳаётий асосини ташкил этган воқеа-ҳодисалар доираси. Умуман, мавзу биринчидан, ёзувчи томонидан ҳаётдан танлаб олинган ва тасвирланган воқеа-ҳодисалар доирасини, иккинчидан, асарда қўйилган ва ёритилган ҳаётий масалаларни ташкил қилади”.<sup>64</sup> Мавзу мазмун ва ғоянинг

<sup>63</sup> А.Орипов. Эҳтиёж фарзанди. – Т.: Ёш гвардия – Б.125

<sup>64</sup> Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон. 2002. – Б.92

вужудга келиши учун асосдир. Танланган мавзу асосида ижодкор ўзининг бадий мақсадини ёритиб беради. Қайсидир маънода танланган мавзунинг қандайлиги ва кўлами муаллифнинг бадий салоҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Мавзу якка шахсга тегишли ҳодиса эмас, аммо мавзуга доир янги бадий кашфиёт фақат муаллифнинг ўзигагина тегишли бўлиб қолади. Конкрет мазмун мавзу воситасида юзага чиқади. Фитратнинг “бир услубнинг асар мавзуига кўра ўзгарганини ҳам кўрамиз”<sup>65</sup> деган фикрлариёқ мавзунинг асарда тутган ўрни муҳимлигини англаш мумкин. Бу жиҳатдан Абдулла Орипов ижоди мақтов ва эътирофга муносибдир. Чунки шоир барчага тегишли бўлган мавзулардан фойдаланиб фикрий янгиликлар ярата олади.

Адабиётшунос Матёқуб Қўшжонов Абдулла Орипов ижодида ифодаланаётган мавзулар ҳақида сўз юритар экан унинг ижодида она, ватан, муҳаббат, халқ каби барча учун муқаддас ва доимий бўлган туйғулар етакчилик қилишини таъкидлаб: “Шоир мавзуларнинг янги, ҳали биров айтмаган қирраларини топади, ўз фикрини ифодалашда ҳали биров ишлатмаган образларни ишлатади. Шу йўл билан ўзгаларни такрор қилмайдиган жозибали асарлар яратади”<sup>66</sup> деб ёзади.

Адабиётшунослар мавзуларни ифодалаган мазмуни, даври ва хусусиятларига кўра адабий, тарихий, замонавий каби турларга ажратишади. Бу таснифга асосланган ҳолда ҳеч иккиланмай Абдулла Орипов ижоди айни шу мавзуларнинг барчасини ўзида акс эттириш имконига эга. Бироқ унинг хорижда яратилган шеърларида асосан, адабий мавзулар етакчилик қилади. Адабий мавзуни Ҳотам Умутов қуйидагича изоҳлайди: “Инсониятга хос бўлган барча фазилат-у қусурлар (севги-муҳаббат, меҳр-оқибат, вафо-садоқат, шодлик ва қувонч, ғам ва қайғу, қасос, рашк, ўлим, сахийлик ва бахиллик, бахту бахтиёрлик, матонат ва шижоат, меҳрли табассуму ёлқин нигоҳ,

---

<sup>65</sup> Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Т. Маънавият. 2009. – Б.28

<sup>66</sup> М.Қўшжонов. Танланган асарлар. – Т.Шарқ. – Б.266

эхтирос, соғинч, чанқоқлик ва жўшқинлик ва ҳ.) адабий мавзулардир”<sup>67</sup>. Шоирнинг хорижда яратилган шеърларида инсон туйғуларининг бўртиб туриши яққол кўзга ташланади. Мавзу ва унинг хусусиятлари ҳақидаги адабиётшунослик манбаларига ва шеърларнинг ғоясига таяниб Абдулла Ориповнинг хорижда ёзилган шеърларининг мавзу салмоғига, кўламдорлиги ва миқдорига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

- Фалсафий- ахлоқий мавзудаги лирика
- Ижтимоий-сиёсий мавзудаги лирика
- Табиат мавзусидаги лирика
- Ишқий мавзудаги лирика

Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида фалсафий-ахлоқий мавзудаги лирика намуналари етакчилик қилади. Абдулла Орипов фалсафий-ахлоқий ғоядаги шеърларида умумбашарий лирик кечинмаларини ифодалайди. Шоирнинг ҳаёт ва инсонлар ҳақидаги мушоҳадалари, хулосалари бадиий тарзда ифодаланар экан, биз унда ҳаётни кўрган мўтабар инсоннинг синчков назарига, умр фалсафасидан бадиий хулосалар чиқара олишига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Абдулла Ориповнинг Японияга сафари натижасида яратилган “Ибрат” шеърини мутолаа қилар эканмиз, шоирнинг инсониятнинг асл вазифасини нима эканлигини ва ўзининг бу дунёда яшашдан мақсадини англагандек бўламиз:

Тақдирдан ўзгаси кўпинча ёлғон,  
Ҳеч ким бўла олмас бахтнинг ўғриси.  
Ўргатгани келмас дунёга инсон,  
Ўргангани келар, тўғриси...

Чиндан ҳам инсон истайдими йўқми бу ҳаёт унга муаллим, инсоннинг ўзи эса толибдир. Инсон туғилиши биланок ўрганмоқ илмини бошлайди. Аввал емоқ-ичмоқликни, кейин ўтирмоқ ва юрмоқликни, сўнгра илмни ўргана боради. Инсон қачонки, илм-маърифат йўлида юришни бошласа,

---

<sup>67</sup>Умутов Х. Адабиётшунослик назарияси –Т. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2004. – Б.116

шундагина яшаш ва дунё маънисини англай боради, камолотга эришади. Шоир кечинмаларидан англашиниб турибдики, дунёнинг фонийлигини англамоқ ҳам комилликнинг бир белгисидир. Бу ҳақда “Женева дафтари”дан ўрин олган Комиллик номли тўртлигида шундай ёзади: *Майли шоирликни қилмагил ҳавас, Балки олимлик ҳам сенга шарт эмас. Англасанг дунёнинг ўткинчилигин, Комил бўлмоқликка шунинг ўзи бас.* “Абдулла Орипов ҳам олам ва одамни донишмандона идрок этган ва ёрқин бадий тимсолларда кўрсатиб бера олган ижодкор. Унинг асарларида ҳис-туйғу ва фикр, кўнгил ва ақл, рационализм ва иррационализм энг буюк санъаткорларга хос бўлган даражада уйғун. Санъаткор ва мутафаккир сифатида шоир нигоҳи ва қалами борлиқ ва инсонни яхлит ҳолда қамраб била олган”<sup>68</sup> Айни шу фикрларга таянган ҳолда юқоридаги тўртликни таҳлил этсак, шоир чиндан-да олам ва одамни узвий алоқада англайди. Комиллик энг аввало, дунёнинг ўткинчилигини англамоқда эканини даставвал ўзи чуқур англаган шоир айти шу лирик кечинмани ўзгаларга ҳам англантишга уринади. Зеро, ҳар нарсани англамоқнинг, ҳар ишни бажармоқнинг ўз вақти ва фурсати бор. Куч-қувват борида адо этилмаган вазифа кейинчалик ёш ва умр ўта боргани сари аниқ бажарилмай қолиб кетади. Айни шу ҳолатни англаган шоир ўқувчисига шуни айтмоқчи, тушунтирмоқчи бўлади. Абдулла Ориповнинг фалсафий мавзудаги шеърларининг аксарияти *Автопсихологик лирика* намунаси ҳисобланади. Абдулла Орипов фалсафий мавзудаги шеърларида аксарият ҳолда “мен” тилидан гапиради, ўз ҳаётини мисол тариқасида кўрсатади.

Абдулла Орипов битта ҳаётида икки даврни яшаб ўтган инсонлардан бири. У ўз юртининг қарамлик ва ҳурлик кунларини шу халқ билан бирга яшаб ўтган ижодкор. Шоир айти шу ҳолатни “Уммонорти илҳомлари”дан ўрин олган “Уммон қошида...” деб номланган 8 қатор шеърда ифодалайди. Тўғри, шоир бу ўринда лирик кечинмаларини тўғридан-тўғри, очиқ- ойдин ёзмайди. Аммо закий ўқувчи шеърнинг асл фалсафасини англайди.

---

<sup>68</sup> Райҳонова М. Абдулла Орипов шеърлярида оламни идрок этиш ва бадий воқелантириш тадрижи. Ф.ф.б.ф.д. (PhD) дисс. Қарши. 2021. Б-23

Шоирнинг лирик кечинмалари замирида яширинган фалсафасини англаш ўқувчидан маълум тайёргарликни талаб этади. Зеро, Абдулла Ориповдек донишманд шоирнинг фалсафасини англамоқ осон жараён эмас. М.Райҳонова шеърдаги фалсафа ва уни англаш хусусида қуйидагича фикрлар билдиради: “...муайян ижодкорнинг фалсафий қарашлари, унинг объектив борлиқ ва инсонга оид нуқтаи назари илм-у фандаги каби тўғридан тўғри ифода этилмай, у яратган бадий асарлар тўқимасига сингиб ётади. Шунинг учун уни аниқлаш, тўғри белгилаш ҳамиша ҳам осон иш эмас. Бу жараён, айниқса, шеърӣ асарлар тадқиқида янаям мураккаброқ кечади”.<sup>69</sup> Демак, шеърӣ асар фалсафасини англамоқ осон ҳодиса эмас. “Уммон қошида...” шеърининг ҳам фалсафасини тўлиқ англамоқ учун кейинги бандни ўқиш талаб этилади:

Энди мен учун ҳам очикдир дунё,  
То ҳануз қалбимда бордур журъатим.  
Эй уммон, қошингда турибман, аммо,  
Галаён солишга етмас қудратим.

Демакки, шоирда куч-қувват ва истак бор лаҳзаларда имкон, имкон бор лаҳзаларда эса куч-қувват йўқ. Айни шунинг ўзиёқ ҳаётнинг чуқур фалсафасини англантишга қодир. Инсон ҳар нарсани ўз вақтида бажармоғи, ҳар орзуни ўз вақтида амалга оширмоғи шарт. Буни шоир ўзи ҳаётида англаб етган фалсафаси билан ифодалаб бермоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ахлоқ шоир учун бош эталон. Ижодкор ахлоққа ҳар нарсанинг асоси сифатида қарайди. Ҳар нарсанинг ахлоқий ўлчови бор. Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида айни шу ўлчовлар беқиёс санъат намунаси сифатида ўз ифодасини топади. Дин ахлоқи, инсон ахлоқи, илм ахлоқи, муҳаббат ахлоқи, виждон ахлоқи... бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Шоирнинг “Ҳаж дафтари ”даги шеърлар деярли тўлиқ ахлоқий шеърлар сирасига киради. Бу тўпламда мавзу ва унинг замиридаги мазмун

---

<sup>69</sup> Райҳонова М. Абдулла Орипов шеърӣятада оламни идрок этиш ва бадий воқелантириш тадрижи. Ф.ф.б.ф.д. (PhD) дисс. Қарши. 2021. Б-21

бирлашган ҳолда катта кучга айланади. Аслида мавзуни унинг ғояси кучли ва такрорланмас қилади. “Аслида чироқнинг шишасини мавзу десак, шу мавзуни керакли нарсага айлантираётган, унинг ардоғида яшаётган пиликка – унинг ёруғлик нурига, шу нурнинг тоза ёлқинига боғлиқ. Пилик нотекис бўлса, зарурий ишлов берилмаган бўлса, унинг ёнишидан шиша дарров кораяди, натижада ёруғлик нурининг таъсир доираси камаяди, ёруғлик даражаси хиралашади. Худди шундай мавзу ғояни асраганидек, унинг ёнишига имкон туғдирганидек ғоя мавзуни ёрқин қилиб ёритиши лозим”<sup>70</sup>. Абдулла Орипов лирик кечинмалари талқинида мавзу ва ғоя уйғунлиги мукаммаллик касб этади. Бу ҳолат айниқса фалсафий – ахлоқий лирик намуналарда батамом уйғунликка эга. Абдулла Орипов ахлоқ ҳақидаги кечинмаларини кўпинча “У” – учинчи шахс мисолида ёритиб беради. Гўё шоир кузатувчи. У ҳаётни ва одамларни кузатади. Инсонлар хатти-ҳаракатлари орқали ахлоқ мезонларини белгилашга ва баҳолашга уринади. “Ҳаёт ҳақиқати” шеърида инсоннинг турли қиёфаларини очиб беришга, мардлик ва дўстлик каби улуғвор хислатларни ёритиб беришга уринади:

Муҳтож бўлганингда силайди бошинг,  
Ўзи муҳтож бўлган танти мардумлар.  
Ўлим тилаганда тирик сафдошинг,  
Ҳаётга қайтарар сени марҳумлар.

Демак, чинакам инсонлар ўзи мушкул ҳолатда турса-да, ўзгаларга ёрдам қўлини чўзади. Шоир инсоннинг инсонга ёрдамини энг улуғ ахлоқий мезонлар сирасига киритади. Инсонларнинг бир-бирини қўлламай қўйиши, бемехрлик ва лоқайдлик эса шоир наздида чинакам фожиадир. Инсоннинг лоқайдлар қуршовида қолиб кетиши, дўстлар кўмагидан айрилиши энг катта мусофирликдир. Мусофир эса ҳар ерда қийинчиликларга дуч келади, ёлғизлик азобини чекади. Шоирнинг хорижда яратилган лирикасида башариятга хос энг улуғвор ахлоқий тамойиллар ўз ифодасини топади.

---

<sup>70</sup> Умутов Х. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2004. – Б.116

Чунончи инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғусини шоир энг олий туйғу сифатида баҳолайди:

Бир бола чинқириб йиғларди чунон,  
Уни юпатолмай кўпчилик гирён.  
У қайсар ҳеч кимга кулоқ солмади,  
Бошин силашганди – тинчиди шу он.

Шоирнинг хорижда яратилган шеърларида ўзаро меҳр-муҳаббат туйғуси ҳақида жуда кўп бор тўхталади. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки меҳр туйғуси бугунги жамиятимизда инсонлар учун энг зарур бўлган эстетик эҳтиёждир. Донишманд шоир буни яхши англайди. Адабиётшунос Озод Шарафиддинов Абдулла Орипов лирикаси хусусида куйидагича фикр билдиради: “Чинакам шоир доим адабиётга шеърининг янгича талқинини олиб келади ва бунда замоннинг эстетик эҳтиёжлари ифодаланади. Шундай вазифаларни янгича тушуниш, шоирнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янгича талқин қилиш Абдулла Орипов учун ҳам характерли”<sup>71</sup>. Шу жиҳатдан шоирнинг ахлоқий мавзудаги лирикасида замоннинг энг муҳим эстетик тамойиллари ўз аксини топади, шоир ҳақиқат, ҳалоллик, меҳр-муҳаббат, дўстлик ва шу каби бошқа кўплаб ахлоқий тамойилларни улуғлайди. Ҳаётнинг энг азиз неъматлари сифатида эътироф этади. Аслини олиб қараганда ахлоқий мавзудаги лирикада шоирнинг ўз эстетик қадриятлари, ўз “мен”и ётади. Чунки шоир ахлоқ масаласида (аслини олганда, ҳеч қайси масалада) ўз қадриятларидан четга чиқмайди.

Адабиётшунос Узоқ Жўракулов шеърда шоирнинг ўрни ҳақида куйидагича ёзади: “Ижодкор инсоният ҳақида ёзар экан, аслида ўзи ҳақида сўзлаётган бўлади ёки аксинча, ўзи ҳақида гапираётиб умуминсоний муаммоларни қаламга олади”<sup>72</sup>. Умуминсоний масалаларнинг акс этиши бўйича Абдулла Ориповнинг ижтимоий мавзудаги шеърлари етакчилик қилади. “Женева дафтари”дан ўрин олган “Мухбирлар” шеърисида шоир ёлғон

<sup>71</sup> Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. – Т.: Ёш гвардия 1983. – Б.156.

<sup>72</sup> Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Т.Фан. 2006. – Б.166

хабарлар тарқатиб инсоният ва мамлакатлар орасига низо солувчи, Оллоҳдан кўрқмайдиган баъзи мухбирлар ҳақида сўз юритади:

Одам кўкка учди,  
Кучди уммонни.  
Етди поёнига кураш, ур-сурлар.  
Гиж-гижлатиб қўйиб телба жаҳонни,  
Бу кун минбарларга чиқди мухбирлар.

Шоир бу каби инсонларни аччиқ танқид остига олади. Бундай кишиларни ўз қалами билан аёвсиз калтаклайди. Шоир қоғоз қалам олиб дунёдаги инсонларни бир-бирига қарама-қарши қилаётган мухбирларни танқид остига олса, аслида ўз уйида муаммолар тўлиб ётган, амаллабгина кун ўтказаётган “Арбоб”га эса қайсидир маънода ачинади. Ўзи бир аҳволда, мискингина кун кўраётган арбобни ер юзида тинчлик масаласини кўриб чиқишга чақиришади. Бу ҳолат ўқувчи юзига истехзоли кулгу югуртиради.

Тасаввур қилинг-а, уйдаги бир донагина курсисининг ҳам оёғи синиқ, лампочкалар яроқсиз, муаммолар гирдобидаги “Арбоб” жаҳондаги тинчлик масаласини кўришга чақириляпти:

Нохос жиринглайди телефон зир-зир,  
Пир қилиб одамнинг ҳафсаласини.  
– “Жаноб, келинг, – дейди”, – кўргаймиз ҳозир,  
Ер юзида тинчлик масаласини”...

Бу ўринда ниҳоятда катта ижтимоий дард намоён бўлади. Абдулла Ориповнинг лирикасидаги ижтимоийлик хусусида адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам “Лирикада ижтимоий дарднинг персонификациялашуви” мақоласида мана бундай ёзади: “...Абдулла Орипов 60-йилларда мафкуравий тарғиб-ташвиқот остида қайсидир даражада “темир одам”га, “робот”га айланиб бораётган замондошига унинг ўз, аслий туйғуларини ёдига солган шоирлардан биридир. Бироқ айни пайтда ва энг аввало, асосан, Абдулла Ориповнинг ўрни улкан ижтимоий шеърятини билан белгиланади. Ҳамма гап шундаки, дарди – ижтимоий дард “мен”нинг дардига, шоир дардига

айлангани учун ҳам Абдулла Ориповнинг ижтимоий шеърляти бир вақтнинг ўзида кўнгил лирикасидек қабул қилинади”<sup>73</sup>.

Абдулла Орипов жамият ва ундаги бари қонуният инсон ва унинг манфаатлари учун яратилмоғлиги лозимлигига эътибор қаратади. Инсонларга берилган ҳар қандай озорга кучли қаршилиқ кўрсатади. Инсон Оллоҳнинг энг буюк яратиғи эканлигини таъкидлайди. “Уммонорти илҳомлари”дан ўрин олган “Инсон учун жанг ” шеърида айни шу ҳолат кўзга ташланади:

Тулпор эдинг, ҳаммадан ўзган,

Таладилар қашқирлар ёмон.

Наҳанг эдинг, уммонда сузган,

Найза санчди ёвлар беомон.

Шоир дастлаб кечинмаларини *ўхшатишлар* ва *рамзлар* воситасида ёритиб бера бошлайди. Тулпор, наҳанг – инсон бўлса, қашқирлар ва унга найза санчган ёвлар бу инсониятнинг ўз ичидан чиққан душманлари, жамиятдаги ноҳақликларни яратиб, инсон деган ном остида иш қилиб, аслида инсонийликдан тамоман йироқ бўлганлардир. Шоир шеър сўнгида ўз лирик кечинмаларини аниқ ошкор этади. Инсон учун, бу мақомни сақлаб қолиш учун бўлган жанглар аслида энг оғир жанглардир. Инсонийлик туйғусини, инсон деган муқаддас номни сақлаб қолиш учун бўлган жанглардаги йўқотишларни ҳеч ким ва ҳеч бир давр қайта тиклаб бера олмайди:

Бўлиб ўтди инсон учун жанг,

Асоратин билолмассизлар.

Ҳали йиллар ўтади, аттанг,

Ўзингизга келолмассизлар.

Кўриниб турганидек, Абдулла Ориповнинг фалсафий, ижтимоий, ахлоқий мавзудаги шеърларининг бош омили инсон омилидир. Шоир ўз лирик кечинмаларини ҳар қандай мавзуда ниҳоятда бетакрор тарзда ифода этади. Матёқуб Қўшжонов таъкидлаганидек: “Абдулла Орипов қайси бир

---

<sup>73</sup> Ҳамдамов У.Лирикада ижтимоий дарднинг персонификатсиялашуви/ Абдулла Орипов ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни. Халқаро конференция материаллари тўплами. – Т. 2021.

мавзуга қўл урмасин, ундан янги, ҳали биров айтмаган қирраларни топади, ўз фикрларини ифодалашда ҳали биров ишлатмаган образларни ишлатади. Шу йўл билан у ўзгаларни такрор қилмайдиган жозибали асарлар яратди.”<sup>74</sup> Абдулла Орипов энг аввало, шу юртнинг фарзанди эди. Унинг шеърларида ҳам айна шу ҳолат ифода этилади. Аммо дунёнинг бошқа бир бурчагида яшовчи инсон ҳам Абдулла Ориповнинг шеърларида ўз қалбидаги туйғуларнинг учкунларини учратгандек бўлади. Бу ҳолатга Наим Каримовнинг Абдулла Орипов ҳақидаги қуйидаги фикрлари орқали жавоб топмоғимиз мумкин: “Одатда, шоирлар қавмининг бутун инсониятга мансублигини таъкидлаш ниятида уларнинг на миллати, на ватани борлиги айтилади. Бумутлақо хато фикрдир. Шоир энг аввало, шу эл-юрт табиатини, қаалбини, орзу ва армонларини куйлаш жараёнида бошқа эл-юртлар учун ҳам муштарак бўлган қадриятларни теран тасвирлашга эришади”<sup>75</sup>.

Абдулла Орипов шеъриятдан ҳамиша ижтимоийлик, фалсафий моҳият излайвериш ҳам ҳар доим ўзини оқламайди. Шоир ижодида табиат, муҳаббат мавзусидаги шундай шеърлар мавжудки, улар шоирнинг соф ва тоза лирик кечинмалари маҳсулидир. Боиси табиат ва муҳаббат энг гўзал ҳолат ва энг гўзал ҳодисадир. Бу каби соф мавзуларда ҳар қандай ижтимоийлик, сиёсийликдан ҳоли, фақатгина шоирнинг хаёлот олами ва руҳий ҳолатини ўзида акс эттирувчи лирик намуналар яратиш жоиздир. Айниқса, Абдулла Орипов табиат ҳақидаги шеърларида бутун борлиғи билан табиатни ҳис этади. Табиатдаги энг нозик, инжа ҳолатларни шоирона нигоҳ билан илғайди. Фитрат “Бир томчи сувдан тенгизгача, бир учкундан буюк бир ёнғингача, кичкина бир япроқдан улуғ ўрмонларгача нима бор эса, ҳаммаси адиб-ёзувчи учун *мавзу* бўларлик нарсалардир”<sup>76</sup> дея ёзганида шоир учун табиат улкан илҳом манбаи эканлигини алоҳида таъкидлайди. Абдулла Орипов табиат мавзусида ёзар экан беқиёс рассомга, ҳикоячига, кузатувчига

---

<sup>74</sup> Қўшжонов М. Отажоним шеърият. – Т.: Ўқитувчи. 1984. – Б. 27

<sup>75</sup> Каримов Н. Нурли оҳанглар билан йўғрилган шеърият. Абдулла Орипов иодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни. Халқаро конференция материаллари тўплами. – Т. 2021.

<sup>76</sup> Фитрат. Адабиёт қондалари. – Т.: Маънавият. 2000. – Б. 15

айланади. Борлиқнинг энг беқиёс лаҳзаларини илғаб, турли воситалар, шеърый санъатлар ёрдамида табиат нафосати ва ўз лирик кечинмаларини акс эттиради.

“Италия дафтари”дан ўрин олган “Манзаралар” шеърида шоир ўхшатиш санъатини энг юксак чўққига олиб чиққан десак асло хато бўлмайди:

Қаландар, мана бу қирларга юз бур,  
Мактаб боласидай саф-саф ғарамлар.  
Сиёҳи ялтироқ жўякларни кўр,  
Дафтар чизигидай тарам-тарамлар.

Ўхшатишлар, тасвирлар асло изохга муҳтож эмас. Шоир барчамиз нигоҳимиз тушиб, аммо кўнглимизга кирмаган тасвирларни энг биринчи бўлиб илғайди, ўз кўнглидан ўтган беқиёс ҳолатлар тасвирини бизнинг кўнглимизга ҳам бетакрор ўхшатишлар орқали олиб киради. “Уммонорти илҳомлари”дан ўрин олган “Коинот” шеърида шоир бир қараганда коинот ва юлдузлар тасвирини эмас, мутлақо бошқа бир ҳолатни тасвирлагандек туйилади:

Кўм-кўк яйлов, кўринмайди  
Бошқа ҳеч бир зот,  
Ёлларини силкитганча  
Ўтлайди бўз от.

Коинотнинг кўм-кўк яйловга ўхшатилиши биз учун тушунарли бўлиши мумкин, аммо ёлларини силкитиб юрган кўк отлар булутлар эканлигини англаш учун ўқувчи бироз ўйланиши, бўз – кўк ранг эканлигини, ёллар деганда булутларнинг парқулигига ишора борлигини англаши лозим. Шеърнинг кейинги бандида тасвирдаги гўзаллик яна давом этади ва шу билан бирга фикрлар аниқлаша боради:

Ялтир-юлтир учиб ўтар,  
Капалак баъзан,  
Сирли олам мана шулдир,

## Шулдир коинот.

Биринчи бандда анъанавий шаклдаги б-а;с-а қофияланиш тизими кузатилса, иккинчи бандда эса б-с-д-а қофияланиш тизими кузатилади. Шоир фақатгина иккинчи банднинг охирги мисрасини биринчи банднинг 4-мисраси билан қофиялайди. Иккичи банднинг қолган мисраларида қофияланиш кузатилмайди. Бу усул шоир кечинмалари бетизгин, чегарасизлигини англашга, табиат мавзусини ёритишда шоир руҳияти тамоман эркин эканлигини ифодалашга хизмат қилади. Табиат мавзусида шоирнинг бир лаҳзалик туйғулари, тасаввури баробарида унинг қалбида доим яшовчи ҳислар ҳам акс этади. “Булутли бир кун” шеърисида айти шу ҳолат ўз ифодасини топади.

Хорижда яратилган шеърлар мундарижасида ватан соғинчи мавзуси етакчи хусусиятга эга. Бу мавзу турли мавзулар замирида ҳам яшовчан мавзу саналади. Шоир лирик кечинмалари асосида асосан Ватан соғинчи кузатилади. Женева сафарида юрган қаҳрамонда дастлаб бу юртнинг табиатидан, гўзаллигидан ҳайрат кечинмалари акс этади. Аммо бу лаҳзалик кечинмалар ўрнини тез-тез Ватан соғинчи кечинмаси эгаллаб олаверади. Женева осмони булут эгаллаши баробарида шоир қалбини ғам қоплайди. Шоир кайфиятида “кечаги чароғон, хуш онлар”дан асар ҳам қолмаган. Энди унинг ётоғи худди “ғурбат маскани”га ўхшайди. Уни Ўзбекистонда қолган набиралари хаёли банд этади. Шу боис ҳам у:

Ҳорғинлик сезаман вужудда, жонда,

Руҳимда синиқлик кўнгил ҳам ярим-

дея ўз лирик кечинмаларини акс эттиради. Аммо ижодкор бир ҳолатдан ҳайратланади: Нега Женевадаги одамларда бундай тушкун кайфият йўқ. Нега улар булутли кунга парво ҳам қилмасдан шоду хуррам юришибди. Табиатнинг ҳолати нега уларнинг кайфиятида акс этмаяпти?! Аммо закий ижодкор бу ҳолнинг ҳам сабабини илғаб қолади. Саволларига кутилмаганда аниқ жавобни топади:

Ахир мен бир ҳолни унутибманку,

Улар ватанида юрибди, ахир.

Шоир ўз кечинмаларига кутилмаган хулоса ясайди. Унинг руҳиятидаги хорғинлик, табиатнинг булутли ҳолатидан таъсирланиш лирик қаҳрамоннинг мусофирлигига бориб боғланыпти. Бу каби ўзига хос ифода, кутилмаган якун, шоирнинг табиатга муносабати унинг лирик кечинмалари билан узвий боғлиқ. Орипов ижодида айна шу каби кутилмаган бурилишлар, туйғунинг ичида туйғунинг яшаши ҳар бир ўқувчининг ҳайратини оширади, шеърларга ҳавасини бир даражада баландлатади. Руҳий ва маънавий эҳтиёжини қондиради.

Шу ўринда профессор Абдулла Улуғовнинг “Донишманд шоир” номли мақоласидаги фикрларни ёдга олиш лозим фикримизча: “Шу боис Абдулла Орипов шеърятининг эшиклари барча учун ҳамиша очиқ туради. Унинг шеърлари мумтоз адабиёт ихлосмандларини ҳам, Ғарб адабиёти шайдоларини ҳам, модерн мухлисларини ҳам бирдай қизиқтиради, ҳамманинг талаби, эҳтиёжини тўла-тўқис қондиради. Шоирнинг шеърларига мурожаат қилган ҳар бир киши, албатта, маънавий озиқ олади. Унинг шеърятини таровати турли тоифадаги одамларнинг қалбига сизиб кириб, руҳини ғуборлардан фориг қилади. Чунки бу шеърят дунёдаги барча халқларга хос умуминсоний туйғуларни ўзида мужассамлаштиради”<sup>77</sup>. Шоир шеърятини қайси мавзуда бўлмасин, ўқувчининг тафаккур оламини остин-устун қилишга қодир. Айниқса, табиат – шоир учун илҳом манбаи. Муаллиф табиат ва инсон ҳисларининг энг уйғун нуқталарини топади. Абдулла Ориповнинг табиат ҳақидаги лирикасини ҳеч шубҳасиз, ҳайрат лирикаси номи билан аташимиз мумкин.

Хорижда яратилган шеърларда ишқий мавзудаги шеърлар энг кам учраган мавзулардан бўлсада, ўзида бетакрор кечинмаларни, соф туйғуларни ифода этиши билан бетакрорликка эгадир. Ишқий мавзудаги шеърларнинг миқдор жиҳатидан у қадар кўп эмаслиги, шоир руҳиятининг дунё

---

<sup>77</sup>Улуғов А. Донишманд шоир. Абдулла Орипов иодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни. Халқаро конфренция материаллари тўплами. – Т.: 2021.

ташвишларидан юксала борганини яққол кўрсатади. Шунга қарамай, ишқий лирика намуналари бўлган бир нечта шеърлар учрайдики, улардаги бадиият, жозиба минглаб шеърларга татийди. Москва сафаридан ўрин олган “Ранглар”, Арманистон хотиралари маҳсули ўлароқ яралган “Ереван кўчасида”, “Женева дафтари”дан ўрин олган “Ҳабаш қиз”, “Италия дафтари”дан ўрин олган “Камилла”, “Туркия дафтари”дан ўрин олган “Муҳаббат”, “Уммонорти илҳомлари”дан ўрин олган “Агар сенсиз” каби шеърлари ишқий лирика намуналари ҳисобланади. Шоир олис юртларда муҳаббат ҳақида ёзар экан, шеърларда чексиз соғинч, улкан ҳаяжон кўзга ташланади. Шоир наздида дунёда мўжизалар чексиз. Аммо шоир учун чинакам мўъжиза бошқа. Ҳатто камалак рангларининг жилоси ҳам унинг ҳайратига сабаб эмас. У мўжиза деганда фақатгина бир қиёфадаги гўзалликни, шу гўзалликдан ўзи туйган ҳайратларни тушунади:

Дунёда оз эмас соҳибжамол ҳам,  
Дуч келсанг ногаҳон титрайди юрак.  
Барибир, мен сени қўмсайман, эркам,  
Муҳаббат дегани шу бўлса керак.

Муҳаббат – улуг туйғу. У турлича кўринишларда намоён бўлади: онанинг фарзандга муҳаббати, инсоннинг инсонга муҳаббати ва муҳаббатнинг энг олий кўриниши – инсоннинг Оллоҳга бўлган муҳаббати. Наздимизда инсон олий муҳаббатга ўзгаларни севиш жараёнидан сўнггина эришади. Шоирнинг муҳаббат мавзусидаги лирикасида айти шу ҳолат кўзга ташланади. Масалан, Абдулла Ориповнинг “Агар сенсиз” деб номланган шеърига эътибор қаратадиган бўлсак шоир дастлаб бир инсонга муҳаббат изҳор этаётгандек кўринади. Аммо шеърда шундай мисралар борки, унда очиқ-ойдин шоирнинг илоҳий муҳаббат томон талпинаётгани, Оллоҳга мадҳ ва сано айтаётгани яққол кўзга ташланади. Шоир 2015-йил Хюстонда муҳаббатнинг асл моҳияти, фалсафаси ҳақида қуйидагича хулосага келади:

Мен ошиқман, меҳр кўргаз, назарга илгил,  
Сендан ўзга қиблам йўқдир оламда, билгил.

Азал касбинг раҳмдилсан, раҳмлар қилгил,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Шоир энг буюк ва раҳмдил зотдан раҳмат тилайди. Агарда ўз яратувчисини ёдга олмаса, севмаса умрининг лаҳзалари, ҳаттоки тандаги жони ҳам қадрсиз ва аҳамиятсиз эканлигини тасвирлайди. Абдулла Орипов ишқий мавзудаги лирикасида кечинмалар тизими ҳосил қилинган бўлиб, шоир тасвирлари уларнинг орасидаги бирор кечинмани ҳис қилмай, англамай ўтишга имкон бермайди. Шоирнинг муҳаббат ҳақидаги кечинмалари ўқувчига тез етиб боради ва юқади. Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган ишқий мавзудаги шеърларида ҳатто айрилиқ онларидан сўнг ҳам ўқувчи қалбида тушқунлик ҳолати эмас, аксинча, ҳаётга муҳаббат, интилиш каби кечинмалар барқ уради.

Шоир ижодидаги мавзулар ранггоранг ва сермазмун. Энг муҳими шоир қайси мавзуда қалам тебратмасин ўз лирик кечинмаларини ниҳоятда бетакрор, бадий жиҳатдан беқиёс ва мукамал тарзда ифода этади. Шоирнинг лаҳзалик кечинмалари маҳсули бўлмиш оний лаҳзаларда яралган шеърлар бугун абадиятга даҳлдор адабиёт намуналари сифатида эътироф этилади. Боиси унинг шеърларидаги лирик кечинмалар давр, ёш, жинс ва миллар танламайдиган, умумбашарий характерга эга кечинмалардир. Абдулла Орипов шеърятининг беқиёслиги ва ўлмаслиги хусусида адабиётшунос А.Улуғов қуйидагича ёзади: “Абдулла Ориповнинг шеърлари шакл ва мазмуни, фалсафий маънодорлиги, ҳаёт воқелигини ҳаққоний акс эттириши, бадий бўёқдорлиги каби қатор хусусиятларига кўра жаҳон шеърятининг юксак мезонларига тўла-тўқис жавоб бера олади. Дунёнинг энг машҳур шоирлари шеърлари аслиятини бу ўзбек шоири шеърлари билан ёнма-ён қўйиб ўқиб кўрганлар, албатта, бунга ишонч ҳосил қилади”<sup>78</sup>.

---

<sup>78</sup>Улуғов А.Донишманд шоир. Абдулла Орипов иодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни. Халқаро конференция материаллари тўплами. – Т. 2021.

Чиндан ҳам, Абдулла Орипов шеърляти ўз бадиияти, жозибаси билан нафақат ўзбек адабиётининг, балки жаҳон адабиёти хазинасининг сандиқларида ёруғлик тарата олишга қодир гавҳардир. Энг фахрланарли ва қувонарли ҳолат шундаки, бошқалар бу гавҳарга боқиб завқ олса, унга маҳлиё бўлиб термулса, ўзбек миллати, яни биз бу гавҳарга эгалик қиламиз.

## **II боб бўйича хулоса**

Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларидаги мавзулар ранг-баранглиги, кечинманинг бадий жихатдан бетакрор ифодаланиши лирик кечинманинг бетакрорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шоирнинг хорижда яратилган шеърларида энг етакчи мавзу фалсафий-ахлоқий мавзудаги шеърлар бўлиб, уларда шоирнинг ижтимоий, умуминсоний, ахлоқий қарашларга доир кечинмалари ўз ифодасини топади.

Шоир фалсафийликни турли шакллар ва мавзулардан фойдаланган ҳолда ёритиб беради. Муаллифнинг хорижда яратилган шеърлари орасида энг кам учрайдиган мавзу бу муҳаббат мавзуси бўлиб, 277 та шеърдан бор йўғи 6 та шеър ушбу мавзуда ёзилган.

Муҳаббат мавзусидаги шеърларда шоир дунёвий ва илоҳий севги ҳақида сўз юритар экан, шеърлар шакл жихатидан тўртлик ва бешлик шаклида яратилади. Мумтоз ва замонавий адабиёт яхлитлиги воситасида муҳаббат мавзусидаги шеърлар шоир лирик кечинмаларини акс эттиради.

Хорижда яратилган шеърлар орасида ахлоқий, ижтимоий мавзудаги жамият ва уни ўзида акс эттирувчи шеърлар билан бир қаторда, табиат мавзусидаги лирик намуналар учрайдики, улар ҳар қандай ижтимоийликдан ҳоли, соф бадиият маҳсули саналади. Ўрни келганда эса шоирнинг табиат ва жамият ҳақидаги қарашлари уйғунлик касб этади ва бу ўринда шоир лирик кечинмаларида табиат мавзуси воситасида шоирнинг ижтимоий кечинмалари ёритилади. Шоирнинг хулосасига кўра, инсон табиат ва жамият оралиғида яшайди ва шу боис унинг ижтимоий кечинмаларида табиат, табиат ҳақидаги кечинмаларида жамият уйғунлашади.

Абдулла Орипов табиат мавзусидаги шеърларда ўз лирик кечинмаларини акс эттиришда анъанавий шакл ва тузилишлардан ташқари, ноанъанавий шаклларга, усулларга мурожаат этади ва кечинмаларнинг ўзига хос тасвирини муваффақиятли топишга эришади.

Абдулла Орипов лирик кечинмаларини ифода этиш жараёнида мавзу ва ғоя уйғунлигида поэтик тасвирларни ҳосил қилади. Бу ҳолатда шеърда бутунлик, мазмуний мукамаллик ҳосил бўлгани ҳолда, шоир кечинмаларнинг ҳам барқарорлигини, бадий мукамаллигини таъминлайди. Шоирнинг хорижда яратилган шеърларидаги мавзулар кўлами кенг ва ўзига хосдир.

## III БОБ. ЛИРИК КЕЧИНМАНИНГ ПОЭТИК ОБРАЗДА СУВРАТЛАНИШИ

### 3.1. Образлар таснифи ва тадрижи

Образ муаллиф туйғуларининг ифодаси ўлароқ вужудга келади ёхуд образ шоир чизган суратдир. Образ элементларида муаллиф лирик кечинмалари акс этади. Шу жиҳатдан ҳам лирик кечинма таҳлили жараёнида образ муҳим аҳамиятга эга. Жамолиддин Турдимов лирик кечинма ва поэтик образ алоқаси ҳақида қуйидагича фикрларни келтириб ўтади: “Кечинма ва поэтик образнинг ўзаро алоқасини инкор қилиб бўлмайди, чунки поэтик образларга барибир лирик кечинма шеърга берган умумий кайфият, бўёқнинг мазмуннинг нуқси уради. Шеърдаги ҳар бир нуқта кечинмадан келиб чиқади ва у билан бевосита алоқадор”<sup>79</sup>.

Абдулла Орипов ижодида поэтик образ ва лирик кечинмани ўрганиш жараёнида образ масаласи адабиётшунослик назариясида етарлича ўрганилганлиги, ишимизнинг асосий мақсади лирик кечинма ифодасида образларнинг тутган ўрни эканлиги жиҳатидан образнинг назарий жиҳатларига узоқ тўхталмадик.

Абдулла Ориповнинг хорижда ёзилган асарлари Москва, Арманистон, Рим, Америка, Италия, Япония, Женева каби мамлакатларга қилган саёҳатлари натижаси ўлароқ юзага келган. Улар жами 8 та тўпламдан иборат бўлиб, шартли равишда “Москва туркуми”, “Арманистон туркуми” “Ҳаж дафтари”, “Женева дафтари”, “Япон оҳанглари”, “Италия дафтари”, “Туркия дафтари”, “Уммонорти илҳомлари” деб номланади.

Арманистон туркумида 5 та шеър мавжуд бўлиб, яратилиш даври 1967 йил деб белгиланади. Москва туркумидан эса 1981 йилда яратилган 4 та шеър ўрин олган. Бу икки туркумдаги шеърларда ижодкорнинг лирик, ишқий, ижтимоий характердаги шеърлари жамланган. “Ҳаж дафтари” шоирнинг 1992-йилнинг 25-май санасидан 16-июн ойига қадар Макка ва Мадинада

---

<sup>79</sup> Турдимов Ж. Лирик кечинма табиати. Ф.ф.н. дисс. – Т. 1999. –Б.18

ёзилган 15 та шеърни ўз ичига қамраб олади. Унда шоирнинг диний ва дунёвий масалаларга оид қарашлари ўз аксини топади. “Женева дафтари” Абдулла Ориповнинг “Танланган асарлар”ида (Тошкент, Шарқ, 2019) алоҳида икки мустақил қисм сифатида, аммо айни бир ном остида берилади. Бунда шоирнинг илк сафари натижаси ўлароқ вужудга келган дастлабки тўпلامда жами 10 та шеър мавжуд бўлиб, улар Абдулла Ориповнинг Женевага биринчи бор саёҳат қилганида, яъни 1996 йилда яратилган. Шоирнинг иккинчи бор Женевага қилган сафари натижасида яратилган тўпلام биринчи тўпلامга нисбатан ҳажман каттароқ. Унда жами 39 та шеър мавжуд бўлиб, муаллиф ушбу тўпلامдаги шеърларнинг остига 2003 йилнинг 7-июл санасидан бошлаб 2004 йилнинг 26 ноябригача бўлган саналарни қайд этади. “Япон оҳанглари” эса 2003 йилда яратилган шеърлардан иборат бўлиб, 9 та, “Италия дафтари” эса 2008 йилнинг Рим ва Сан-Морино шаҳарларида яратилган 10 та шеърни ўз ичига қамрайди. “Туркия дафтари”дан эса 17 та шеър ўрин олган бўлиб, улар 2003 йилда яратилган. Қолаверса, ишга Абдулла Ориповнинг Римга сафари натижаси ўлароқ яралган “Тунислик бола” шеъри ҳам ишнинг манбаси сифатида олинди. Шоирнинг ҳажман ва мазмунан энг йирик тўплами бу “Уммонорти илҳомлари” бўлиб, унда жами 166 та шеър мавжуд. Ушбу шеърларнинг барчасини жамлаганда хориж сафарлари мобайнида ёзилган шеърларнинг умумий ҳажми жами 277 тани ташкил этиб, ушбу шеърларни образлар жиҳатидан таснифлаш ва улардаги образлар тадрижини ўрганиш, лирик кечинма масаласининг образларда қай тарзда акс этишини аниқлаш бугунги кун адабиётшунослигимизнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Шундан келиб чиқилган ҳолда айтиш мумкинки, Абдулла Орипов сафарлари мобайнида вужудга келган тўпلامлар образлар хилма-хиллиги, бадиияти ва чуқур мазмунга эгаллиги билан адабиётшуносликда образ масаласини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш учун йирик манбаа вазифасини бажара олади. Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларини ўрганиш мобайнида улардаги образ даражасига чиқа олган бир қанча мавзуларга эътибор қаратдик. Гарчанд шоир сафарлари

натижасида яратилган шеърлардаги жамики образларни қамраб олиш бироз мушкул масала бўлса-да, тасниф асосида 8 та туркумда ҳам учровчи, образ даражасига кўтарила олган, образ сифатида ўз елкасига маълум юкни юклаган бир қанча шеърларга юзланиб, хорижда яратилган тўпламлардаги куйидаги образларни алоҳида таҳлил ва талқин қилишга уриндик. Айни шу таҳлил асосида шоирнинг хорижда яратилган шеърларидаги лирик кайфиятни очиб бериш учун 4 та образ асосий ўрин тутди деган хулосага келдик. Улар:

- Географик макон номлари образи;
- Инсон образи;
- Ҳайвон образи;
- Детал образлар

Ушбу образлар шоирнинг хорижда яратилган ҳар 8 та тўпламида ҳам шоирнинг бадиий мақсадини ва лирик кечинмаларини очиб беришга хизмат қилади. Бу образларнинг ҳар бири салмоқдорлик жиҳатидан юқори қиймат касб этиш баробарида мазмунан ва шаклан қатъий қиёфага эга.

Шу ўринда детал образлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Детал образлар хусусида даставвал адабиётшунос Б. Саримсоқов фикр юритади. Нарса-буюмлар, портретлар, пейзаж каби тасвирлар детал образларни ташкил этади. Муаллиф айни шу детал образлар воситасида ўз хис-туйғуларини, мақсад ва фикрларини очиб беради. Баъзан детал образлар рамзий маъно-мазмунга ҳам эга бўлади. Детал образлар хусусида адабиётшунос Дилмурод Қуронон ўзининг “Адабиётшуносликка кириш” асарида куйидагича фикр-мулоҳазаларни билдиради:

“Детал образлар (тафсилотлар, нарса-буюмлар, портрет, пейзаж) ўзларининг статик ҳолатдалиги билан фарқланади. Детал образларда бадиий реалликнинг иккинчи қатлами – ички ёки ташқи ҳаракатдан таркиб топувчи воқеа-ҳодисалар образи ўсиб чиқади”<sup>80</sup>.

---

<sup>80</sup> Қуронон Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.:Фан. 2007. –Б.72

Шу жиҳатдан Абдулла Орипов шеърляридаги 9 та детал образ таҳлил қилинар экан, ушбу детал образларнинг номланиши, бажарган вазифаси, ўзбек халқи урф-одати ва анъаналарига қай даражада мурожаатига кўра ҳам уларни иккига ажратишни мақбул деб топдик:

- Умумий детал образлар;
- Миллий менталитетга хос детал образлар;

Бу таснифда умумий детал образлар бутун инсоният учун таниш ва бир хил вазифа бажарувчи образлар бўлса, миллий менталитетга хос детал образлар фақат бизнинг халқ орасидагина қўлланувчи, миллий ғурур, ифтихор тимсоллари вазифасини ўтовчи предметлар, пейзажлар, урф-одатлар образидир. Масалан, дўппи, белбоғ каби предметлар чойхона ва чойхўрлик тасвири каби пейзажлар ўзбек халқ менталитетига хос детал образларни ташкил этади. Абдулла Ориповнинг хориж сафарларида яратилган шеърларида детал образлар ўзининг алоҳида бадиий вазифасига, шоир лирик кечинмаларини очиб беришда муҳим ўрнига эга. Детал образларнинг бир қанчасида ўзбек халқ менталитетига хос элементлар акс этади ва шоирнинг бадиий мақсадини ёритишда муҳим ўрин тутади. Айни шу жиҳатнинг ўзиёқ шоирнинг ўз халқи ва Ватанига бўлган чуқур эҳтироми ва меҳр-муҳаббати қай даражада эканлигини кўрсатиб беради. (Шу ўринда ўзбек халқига хос детал образлар таҳлиliga алоҳида ушбу бобнинг кейинги – 3.2 қисмида алоҳида тўхталишимиз хусусида таъкидламоқчимиз)

Ижодкор бадиий тафаккури тадрижи ва унинг кечинмалари, шубҳасиз, у яратган асарлардаги образлар воситасида бўй кўрсатади. Абдулла Орипов ижоди ҳам бу жараёндан четда эмас. Яъни ижодкор тафаккури ўзи яшаётган муҳит билан боғланади ва уни образлар тадрижи воситасида ўз асарларида акс эттиради.. Шу жиҳатдан Абдулла Орипов шеърларидаги образлар тадрижи шоир лирик кечинмаларининг янада ёрқинроқ акс этишига ва лирик кечинманинг поэтик образда сувратланишига муҳим туртки бўла олади.

Хориж сафарлари мобайнида яратилган шеърларда бадий тафаккур ва образлар тадрижи, муаллифнинг лирик кечинмалари бизнинг таснифга кўра муаллифнинг образларга қуйидагича ёндашуви асосида кўринади:

1. Кашфиёт образлар воситасида.
2. Турғун ва ўзгарувчан образлар воситасида.

Тафаккур қотиб қолган, ўзгармас ҳодиса эмас. У албатта, замон билан ҳамнафасликда ўзгариб, ривожланиб боради. Аини шу ҳолатни адабиётшунос олим Қ. Йўлдошев ҳам алоҳида таъкидлайди: “Ижтимоий тафаккурдаги тадрижий ўзгаришлар даврни янгилайди, даврнинг ўзгаришлари эса ижтимоий онга янги сифатлар бахш этади”<sup>81</sup>. Ижодкор тафаккуридаги бундай эврилишлар, шаксиз, у яратаётган ижод намунасининг маъно-мазмунини ҳам бўй кўрсатади.

Образлар таснифи ва тадрижи ва уларнинг лирик кечинманинг ифодаланишида тутган ўрни хусусида сўз юритилар экан, шеърлар таҳлилини энг аввало, Абдулла Ориповнинг “Уммонорти илҳомлари” шеърий тўпламидан бошлаган маъқул. Боиси ушбу тўплам шоирнинг хорижда ёзилган шеърлари орасида ҳам ҳажман, ҳам моҳиятан энг салмоқлисидир.

“Уммон орти илҳомлари”дан ўрин олган шеърлар чуқур маъно-мазмунга, шаклий мукамалликка эгаллиги билан муаллифнинг янада юқорилаган бадий салоҳиятини, бадий тафаккур тадрижини намойиш этади. Шу сабаб таниқли адабиётшунос Қ. Йўлдошев юқоридаги асар ҳақида фикр билдириб, ундаги шеърлар ниҳоятда баланд даражада эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бу асарнинг халққа, башариятга нафи ва таъсири ҳақида шундай ёзади: “Абдулла Орифнинг ушбу китобидаги аксар битиклар ўзининг бадий-эстетик таъсир қудрати билан миллатнинг кўзи олдингидан ўткирроқ, туйғулари бой ва нозикроқ бўлишига хизмат қилади. Бу шеърлар

---

<sup>81</sup> Йўлдошев Қ. Эверест ва уммон. Ҳикмат жилвалари. –Т.: Ўзбекистон. 2015. –Б.329

Ўқирманни оламга шоир назари билан қарайдиган, олдинлари илғамаган, илғаса-да англамаган ҳолат-у туйғуларни туйишга хизмат қилади.<sup>82</sup>”

Чиндан-да “Уммонорти илҳомлари” таркибига кирувчи шеърлар ўз бадиияти, шаклий ва мазмуний қурилиши, образлар тадрижийлиги ифодасига кўра юқоридаги фикрларга тўла мос келади ва ўз-ўзини оқлай олади.

Инсон ҳаёти мобайнида унинг тафаккури ривожланиб, ўсиб боради. Бу ривожланишнинг қай томонга бўлиши (ижобий ёки салбий) ҳар бир кишининг ўзига ва у танлаган ҳаётига боғлиқ. Инсон тафаккуридаги айти шундай эврилиш ва тадрижни кўрсатиб бериш ва ҳатто бадиий тафаккурни ривожлантириш эса шубҳасиз, адабиётнинг бош вазифасидир.

“Янги юз йилликда ва шу билан бирга, янги ижтимоий-сиёсий ҳаётга кириб бораётган кунимизда XX аср кишисини аввало, тафаккур тадрижи ва унинг ижтимоий-психологик асослари нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш бугуннинг эҳтиёжидир. Айти ишонч XX аср ўзбек адабиёти тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик омиллари борасида кўпдан кўп изланишлар олиб боришни тақозо этади”<sup>83</sup>, деб ёзади адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам.

Дарҳақиқат, тафаккур ўзгарувчан ва ривожланиш хусусиятига эга. Айтиқса, ижодкор тафаккури учун бу жараён хосдир. Зеро, ён-атрофида ва жамиятда рўй берадиган ҳеч бир жараён шоир тафаккуридан четда қолмайди. Боиси чинакам ижодкор туйғулари ўз-ўзидан инсон ва у яшаган жамият билан боғлиқдир. Ҳақиқий истеъдод эгалари ҳаёт сабоқлари асносида ўз яшаш фалсафаларини бойитиб ва ривожлантириб борадилар. Бу ҳолат, яъни шоир тафаккурининг тадрижи, шубҳасиз, унинг лирикасида ўз аксини топади. Абдулла Орипов ижоди йиллар ўтгани сайин сайқалланиб борган ижод намунасидир ва бу ҳолат албатта, шоир дунёқараши, тафаккури тадрижи билан боғлиқдир.

---

<sup>82</sup> Йўлдошев Қ. Эверест ва уммон. Ҳикмат жилвалари. –Т.: Ўзбекистон. 2015. –Б.329

<sup>83</sup> Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. –Т.: Янги аср авлоди. 2002. –Б.64

Бадий адабиётнинг, хусусан, шеърятнинг жони сўзларнинг кўчма маъносидир. Кўчма маъно ижодкорга ўз лирик қаҳрамони ҳис-туйғуларини эркин ва тўлақонли баён этиш имкониятини бериш баробарида, ўқувчининг калбига кучли таъсир қилади, унга эстетик завқ беради. Бунда метафорик кўчма маъноли сўзлар семантикасининг поэтик қиймат касб этиши алоҳида эътиборга молик. Абдулла Орипов ижодида бу алоҳида бўртиб турувчи ҳолатдан бири. Муаллифнинг сафарлар мобайнида ёзган шеърларини таҳлил этар эканмиз, бу жараённинг бир қанча жиҳатларини аниқ ҳис этамиз ва англаймиз. Сафарлар мобайнида вужудга келган лирик намуналар яратилиш ўрни ва вақтига кўра, қолаверса, образларнинг мазмуний тадрижига кўра бир-биридан анча-мунча фарқларга эга.

Хориж сафарларида ёзилган шеърларда мавзу ва образлар тизими бир-бирига яқин ва ўхшашдир: аёл, ватан, муҳаббат, инсонийлик каби. Уларнинг барчаси турли вақтда, турли ўринларда яратилганига қарамай бу шеърларда бир ижодкорнинг руҳияти англашилади. Аммо бошқа тўпламлардан фарқли ўлароқ “Уммонорти илҳомлари”да сафар давомида яратилган шундай шеърлар мавжудки, улар мавзуси ва яратилган образи жиҳатидан тамомила янги ва долзарбдир. Муаллифнинг “Мардикор” шеъри ана шундай мазмун жиҳатидан бошқа шеърлардан тубдан фарқ қилувчи ва ўзига хос ижод намунаси саналиб, дастлаб воқеалар баёни оддий, барчамизга маълум ва таниш жараён ҳақида сўз юритишдан бошланади:

Бажаргин ўзингга мансуб юмушни,  
Овчи ҳам ўлжасин бир ўзи овлар.  
Агар ёқтирмаса қандайдир ишни,  
Мардикор ёллайди баъзи бировлар.

Мумтоз адабиётда “Мусалсал ғазал ” тушунчаси мавжуд. Унда воқеалар ривожи даражама-даражама ривожланиб боради. Бунга Навоийнинг машҳур “Жонға чун дермен...” деб бошланувчи ғазали мисол бўлиши барчага аён. Абдулла Орипов мумтоз адабиётдаги ана шу тадрижийликни бармоқ вазнида моҳирона қўллайди. “Мардикор” шеъри оддий кичик

воқеалар баёнидан бошлаб аста-секин ривожланиб боради. Маҳалладаги хашарларда, шанбаликларда пул ёрдамида мардикорлардан фойдаланишга, билимсиз фарзанди ўрнига пул билан билимли болани мардикор сифатида ёллаб ўқишга киритиш воқеаларига бориб уланади. Аммо тадрижийликнинг энг юқори даражаси бу эмас. Ҳали фожиаларнинг даражаси янада юқорилаб боради. Энди ҳатто азада ҳам мардикор ишлатилаётгани, яъни “мардикор йиғичилар” ҳақида сўз кетади. Аста-секин шоир жамиятнинг энг оғир, оғриқли муаммолари томон боради. Аммо асл фожа, яъни асар кульминацияси шеър сўнгида маълум бўлади:

Ҳеч кимнинг кўрғонин босмасин хатар,  
Ҳатто зор қилмасин ҳамсоясига,  
Ватаннинг бошига иш тушса агар,  
Мардикор боргайми ҳимоясига.

Тарихдан маълумки, жангларда баъзан ҳукмдорлар ёлланма жангчилар мададидан фойдаланганлар. Аммо уларнинг кўпчилиги мағлубиятларга учрагани тарихий факт. Боиси ёлланма жангчилар фақат пул учунгина жанг қилган. Улар учун бошқа туйғулар бегона. Кўпчилик ҳолларда уларга ким кўпроқ пул таклиф қилса ўша томонга ўтиб кетаверишган. Чунки улар учун вафо, садоқат ҳисси бегона. Улар ватан ва унинг озодлиги учун эмас, аксинча, мол-дунё учунгина жанг қиладилар. Одатда ёлланма жангчилар мададига таянган ҳукмдорлар охир-оқибатда жуда кўп ҳолатларда мағлубиятга учрайдилар. Жумладан “Бобурнома”да Бобур Шайбонийхон билан бўлиб ўтган муҳим жанглarning бирида ёлланма мўғул жангчиларидан фойдаланганлигини ва бундан қаттиқ афус-надомат чекканлигини ёзади: “Бизга кўмакка келган мўғул лашкарининг урушга тоқатлари йўқ эди. Урушмоқни қўйиб, ўзимизнинг элниёқ талаб, отдан тушуришга киришдилар<sup>84</sup>” Демак қачондир қўлланган “ёлланма жангчи” тушунчасини бугунги тилда шоир “мардикор” тушунчасига тенглаштиради ва лирик кечинмаларини очиб бериш учун бу образдан

<sup>84</sup> Бобурнома. –Т.: Ўқитувчи. 2018. –Б.153

унумли фойдалаланади. Шоир сўзларидан аёнки “мардикорлар” – “ёлланма жангчилар”га ҳимояси қолган юртнинг ҳолига вой. Шу боис юртга, халққа мардикорлар эмас, чинакам мард фарзандлар, ҳимоячилар керак. Зеро, фақат юртнинг ўз боласигина ўз элини чинакам ҳимоя қилади, асраб-авайлайди. Шоир ана шундай катта тушунчани “Мардикор” шеъри замирига жо қилар экан, ўзининг келажакни кўришга қодир ўткир нигоҳи билан инсоният бошига тушиши мумкин бўлган улкан хавф-у хатардан огоҳлантиради, бадий тафаккурининг ўз замондошларидан анча юқорида ва олдинда эканлигини ошкор этади. Зеро, асрлар оша яшаб келаятган ижодкорларнинг умрбоқийлиги ҳам келажакни олдиндан кўра билишидадир. Улар тафаккур жиҳатдан ўз замонаси ва замондошларидан юз ва ҳаттоки минг йил олдинда юрадилар. (Бу ўринда ҳазрат Алишер Навоийни эслаш кифоя) Абдулла Орипов ҳам эртанги кун ва эртанги кундаги муаммоларни олдиндан кўра олиш жиҳатидан анча баландда туришини “Мардикор” шеъри орқали кўрсатиб беради.

Инсон фитратида бир пайтнинг ўзида ҳам эзгулик, ҳам ёвузлик мавжуд. Улар – бир нарсанинг икки томони. Адабиётнинг ибтидоси ҳам шунда: адабиёт – инсон кўнглига очилган дарча. Абдулла Орипов шоирга хос синчи нигоҳ ила инсон фитратидаги айни шу икки жиҳатни тўлиқ даражада англайди ва ўз асарларида бу ҳолатни ёрқин ифодалаб бера олади. Зеро, инсон – ҳам ижтимоий, ҳам биологик, ҳам руҳий илдизга эга, уларнинг жамини ўзида жо қилган мураккаб мавжудот. Шоир инсон ва унинг фаолияти тўғрисида бирон бир фикрни айтишга чоғланар экан, ана шу илдизларнинг барчасига асосланишга мажбурдир. Бу жараёнда шоирнинг ўрни нечоғлик аҳамият касб этиши ҳақида адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам кўйидаги фикрларни билдиради: “Давр шахсни тебратди, шахс – шеърни. Ўз навбатида шеър одамларга таъсир қилди, одамлар эса даврга. Демак, шахс даврдан олиб даврга берди. Кўринадикки, шахс – шоир аввало, давр ва шеър ўртасидадир. Даврнинг руҳи шеърда қандай ва қай даражада акс этиши ўртада турган шахсга, унинг салоҳиятига боғлиқ. Агар таъбир жоиз бўлса,

шундай деган бўлардим: даврнинг руҳи, кайфияти нур бўлса, ана шу нурни бир нуқтага тўплаб, ўзидан ўтказувчи шаффоф жисм – фокусдир. Бу томонда иссиқлик илинжида турган одамларнинг қачон ва қандай оловга эга бўлишлари ўша жисм (линза)нинг нечоғли ишга яроғлилигига – шаффофлигига боғлиқ”<sup>85</sup>.

Инсон адабиётнинг бош мавзусидир. Адабиёт инсон мавзуси ва образидан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Зеро, адабиётшунос Дилмурод Қуроноф таъкидлаганидек: “Борлиқни бадиий идрок этишни мақсад қилган бадиий адабиётнинг асосида инсон образи туради, чунки борлиқнинг ўзида инсон шу хил мавқе эгаллайди. Шундай экан, борлиқни бадиий идрок этишни мақсад қилган бадиий адабиётнинг бу йўлдаги асосий воситаси инсон образи бўлиши табиий ҳамдир”<sup>86</sup>. Шу сабабдан адабиётнинг ҳар қандай мавзуси таг мазмунида инсон образи, унинг туйғулари ва ҳиссиётлари мужассам. Инсон образи Абдулла Орипов шеърятининг ҳам бош ва етакчи мавзуларидан бири саналади. Ижодкор Инсонни энг улуғ ва мукаммал яратик деб ҳисоблайди, барча яратикларнинг ичида инсон энг буюк мавқедалигини таъкидлайди. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки инсон барча мавжудотлардан улуғроқ кучга – фикрлаш, тафаккур қилиш қудратига эга. Шу боис фақат инсон эртанги кунини яратиш, унга таъсир қилиш қудратига эга. Тарихни ҳам инсоннинг ўзи битади. Инсон таъсири билан тарих ё шонли, ё худ қонли бўлиши мумкин. Шу сабаб муаллиф инсонни ниҳоятда юксак даражага кўтаради. Инсон фақат ва фақат шарафли яшаши, инсон деган номга муносиб бўлиши жоизлигини уқтиради. Шоир наздида инсон нафақат шарафли яшамоғи, ҳаттоки унинг ўлими ҳам шарафли бўлмоғи жоиз:

Одамзод мардликни қилмасин қанда,  
Пичоғин чархлар-ку ҳеч бўлмаганда.  
Қўйинг, жаллодга ҳам ёлчисин банда,  
Дуч келган кимсага топширманг уни

<sup>85</sup> Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. –Т.: Янги аср авлоди. 2002. –Б-20

<sup>86</sup> Адабиётшуносликка кириш. –Т. Фан. 2007 –Б- 69

Аслида шарафли ўлим топмоқ учун ҳам инсонга мос ва хос тарзда ҳаёт кечирмоқ лозим. Афсуски барча ҳам буни тушуниб етавермайди. Баъзилар Инсонга хос бўлмаган ҳаёт тарздан, хатти-ҳаракатлардан заррача ор қилмайди. Бундай кимсалар шон-шуҳрат йўлида тамоман инсонийлик йўлидан четлашади. Кўзёш ва қон тўкишдан тап тортмайди. Табиийки, бу ҳол шоир қалбини жароҳатсиз қолдирмайди. Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида инсон образининг ўзига хос талқини мавжуд. Шоир ўз шеърларида инсон образини *шифокор, мухбир, овчи, олим, шоир* каби касб вакиллари қиёфасида гавдалантиради. Айни шу жараёнда шоирнинг маҳорати ва бадиий кашфиёти намоён бўлади. Абдулла Орипов турли касб вакиллари қиёфасида инсон характеридаги қарама-қарши жиҳатларни, ёвуз ва эзгу ниятли инсон қиёфаларини кўрсатиб беради. Турли хил касблар воситасида инсоннинг турли хил хусусиятларини очиб беради. Масалан, унинг “Женева дафтари” таркибига кирувчи “Мухбирлар” шеърига эътибор қаратайлик:

Одам кўкка учди,

Қучди уммонни.

Етди поёнига кураш, ур-сурлар.

Гиж-гижлатиб қўйиб телба жаҳонни,

Бу кун минбарларга чиқди мухбирлар.

Шоир мухбир қиёфасидан фойдаланиб инсон характеридаги ғийбатчилик, фисқ-у фасодни қоралайди. Инсоннинг ўзаро низоларга сабаб бўлувчи характер-хусусиятини танқид остига олади. “Италия таассуротлари”да эса “Женева дафтари”даги мухбир қиёфасига қарама-қарши, тамоман зид бўлган дўхтир қиёфасидан фойдаланиб инсоният характеридаги эзгу фазилатларни – меҳр-у муҳаббат, биродарлик, раҳм-шафқат туйғуларини улуғлайди: *Сўраб ўтирмади миллатимни у, Текшириб, қандайдир иллатимни у. Орага солмади сиёсатни ҳам, Мамлакат, дин билан диёнатни ҳам.* Олис элда унга шифо бўлган дўхтир шоир қалбида инсон фарзандларига нисбатан чексиз меҳр туйғусини уйғотади. Ушбу шеър орқали

шоир дунёдаги барча инсон фарзандлари бир-бирини севиши, ардоқлаши жоиз эканлигини таъкидлайди. Яратган инсонларни дини, миллати, тилидан қатъий назар бир хил мавқеда яратганлигини, шу боис Оллоҳнинг ҳар бир бандаси бир-бирини севиб-ардоқлаши жоизлигини ўз шеърида ниҳоятда таъсирли ва самимий тарзда ифодалайди. Абдулла Ориповнинг бу икки шеъри яратилиш ўрни ва вақти жиҳатидан бир-биридан қатъий фарқ қилади. “Мухбирлар” шеъри 1996 йилда Женевада яратилган бўлса, унинг “Дўхтир” шеъри 2008 йилда Италиянинг Римини шаҳрида ёзилган. Худо ато этган истеъдоднинг ўзига хос томони ҳам шундаки, улар ўзлари кутмаган ва билмаган ҳолда ижодий кашфиётлар қилишга қодирдирлар. Абдулла Орипов Оллоҳ томонидан туғма истеъдод бахш этилган ана шундай ижод аҳлидан эди. Шу боис ижодкор Инсон образини гавдалантиришда турли касб эгаларининг ҳар хил характер ва портретини яратиш орқали Инсон характери антитезасини юзага келтиради ва Инсон образига мурожаат этар экан, анъанавий саналган бу мавзуга янгича руҳ беради, ўзига хос тарзда ёндашади. Айни шу жараёнда шоир ўзининг юксак салоҳиятини ва новаторлигини намойиш этади.

Абдулла Орипов ижодида шундай мавзулар борки, улар шоир бадиий тафаккур тадрижида ўзгармас ҳолатда учрайди. Ана шундай мавзулардан бири ИНСОН мавзусидир. Бу мавзу ҳақида шоир ёзганларини ўқир эканмиз, улар ижодкор тафаккурида ўзгармас шаклда эканлигига гувоҳ бўламиз. Инсон Оллоҳнинг энг буюк яратиғи. Шоир буни яхши англайди. Аммо инсонлар бир-бирини ҳамиша чоҳга итаришга интилади. Бир-бирига яхшилик қилиб яшаш инсоний омил эканлигини унутиб қўяди. Абдулла Орипов инсониятнинг айни шу мансабпарастлик, лаганбардорлик, бир-бирини кўролмаслик каби иллатларидан ҳамиша нафратланиб яшайди ва бу фикр орадан йиллар ўтсада, шоир қалбини тарк этмайди. Боиси инсоният ҳали-ҳамон аввалгидек – бир-бирини кўролмайди, бир-бирини чоҳга итаришда давом этиб яшайди. 1992 йилда яратилган “Ҳаж дафтари”

тўпламига кирган инсон мавзусидаги шеърга эътибор қаратадиган бўлсак бу мавзуга шоирнинг худди аввалгидек муносабати давом этади:

Инсон-чи то ҳануз ёвуз ва ғаддор,  
Бир-бирин тинимсиз тортади чоҳга.

Орадан йигирма йилдан ортиқроқ муддат ўтгач ҳам шоирнинг инсон образига муносабати ўзгармайди. Чунки инсон ҳали-ҳамон ўша-ўша. Ҳамон инсон ўзи учун бўлаётган жанглarning, ҳаётнинг мазмунини ангалагани йўқ. Шу боис “Эверест ва уммон”да ҳам шоир инсон мавзусига аввалгидек ёндашади. Унинг бу мавзуни ёритиш услуби, бу мавзуга муносабати ўзгариши учун эҳтимол, инсоният ўзгармоғи жоиздир. Аммо ижодкор умидлари пуч. Инсоният ҳамон ўзлигини топа олмаяпти, шоир йиллар ўтса-да уларнинг ўзгаришига ишонмайди, гўёки умидсизликка тушгандек кўринади:

Бўлиб ўтди инсон учун жанг,  
Асоратин билолмассизлар.  
Ҳали йиллар ўтади, аттанг,  
Ўзингизга келолмассизлар.

Абдулла Ориповнинг инсон мавзусидаги шеърларини яратилган йилларига кўра кетма-кетликда таҳлил этилса, уларнинг барчасида ижодкорнинг бу мавзудаги лирик кечинмалари деярли бир хил эканлиги маълум бўлади. Шу сабабли ҳам биз Абдулла Орипов шеърларидаги *Инсон* образини *ўзгармас образ* сифатида баҳоладик.

Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган инсон образи сирасига кирувчи *аёл* мавзуси алоҳида ўрин ва даражага эга. Жумладан шоирнинг “Эверест ва уммон”, “Женева дафтари” тўпламларида тўрттадан, “Италия сафари” ва “Ҳаж дафтари”да биттадан, Москва ва Арманистон сафарларида ҳам айнан шунча она, ёр, қиз мавзусидаги шеърларга дуч келамиз. Энг муҳими бу шеърларда чуқур фалсафий юк, баланд бадий савия яққол кўринади ва айл мақзусида муаллифнинг лирик кечинмалари бошқа шеърлардан тамоман фарқли, ўзига хос тарзда ифода этилади.

Маълумки, аёл образи ўзбек адабиётидаги анъанавий образлардан биридир. Деярли барча ижод аҳли аёл образига мурожаат қилади. Аммо ўзбек адабиётида аёл образига алоҳида эътибор ва ёндашув Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида кузатилади. Шоир ижодида аёл мавзуси шунчаки мавзулигича қолиб кетмайди, аксинча, образ даражасига кўтарилади ва анъанавий образлардан бири бўлган бу образга мурожаат жараёнида муаллифнинг юксак новаторлиги бўй кўрсатади. Шоир ижодида аёл образи *меҳр, поклик, муҳаббат, эзгулик, ўтмиш ва келажак* тимсолига айланиб кетади. Ижодкор аёл образида халқнинг ўтмишини, келажagini кўради. Жумладан олис Хюстонда туриб ўзбек аёли қисматини, кеча ва бугунини ёдга олади. “Янги аср мўжизалари” шеърида бу ҳақда шундай ёзади:

Ўтган даврларнинг асоратлари  
Кўзиккан ярадай битиб кетгайдир.  
Иншооллоҳ, энг олий муродлар сари,  
Ўзбек аёли ҳам бориб етгайдир.

Демакки, шоир наздида аёл қалбида олис мозийнинг жароҳатлари ва келажак қуёшининг порлоқ нурлари мужассам. Шул боис Абдулла Орипов ижодида аёл образи олис ўтмиш ва порлоқ келажак тимсолидир.

Ҳақиқатан, шоир таъкидлаганидек, аёл КЕЛАЖАК тимсолидир. Чунки ҳар бир аёл, ҳар бир она бешиқда эртанги кунни, порлоқ келажакни, Ҳазрати инсонни улғайтиради. Шул боис шоир наздида аёл нафақат келажак, балки тириклик, ҳаёт тимсолидир. Кўриниб турганидек аёл образи биз билган ва ўйлаганимиздан ҳам кенгроқ маъно-мазмунга эга. Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” таркибига кирувчи “Она” шеърида ана шу маъно-мазмун янада ойдинлашади. Аёл образи шоир ижодида яна бир поғона баландлайди:

Қавмимни ранжитиб қўймайин, аммо  
Тобут ясаб келган эр зоти доим.  
Оналар бағрига фақат бешик жо,  
Ҳаётбахш аллалар айтган, мулойим –

дея таъкидлайди. Аёл фарзандга ҳаёт бахш этади, унга ҳаётбахш аллалар айтиб вояга етказди. Шунинг учун ҳам аёл ўз-ўзидан ҲАЁТНИНГ, ТИРИКЛИКНИНГ тимсолига айланади. Закий ижодкор буни яхши англайди ва шу сабаб аёл образини тириклик, ҳаёт тимсоли билан уйғунлаштиради.

Абдулла Орипов шеърятда аёл образи янада мазмун ва бадиий жиҳатдан мукамаллашиб, бадиийлик касб этиб бораверганига ишонч ҳосил қиламиз. Хусусан муаллифнинг “Женева дафтари” таркибига кирган “Жамайка” шеъри бу жиҳатдан эътиборга моликдир. Ушбу шеърда шоир кўнгил қўйган санам “Минг бир кеча” эртақларида таърифланган санамларданда гўзалроқдир. Бу сулув муаллифнинг ёдига олисларда қолган ёшлигини солади:

Боқиб жамолингга, юрагимда мунг,  
Олис ёшлигимни эсга олайин.  
Ортингдан “Жамайка, Жамайка”, деб сўнг,  
У сирли қўшиқни куйлаб қолайин.

Аниқ ва равшан кўриниб турганидек, бу шеърда севиқли ёр – ЁШЛИК рамзи. Жамайканинг гўзал қизи шоир қалбини тўлқинлантиради ва уни энг бахтиёр дамларига – ёшлик кезларига қайтаради.

Нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётига эътибор қаратилса, уларнинг қарийб барчасида аёл образи (Уларнинг аксари қандайдир исмлар билан аталади) мавжуд экани кузатилади. Абдулла Орипов ижодида Камилла (“Италия сафари”), Салминахоним (Арманистон сафари), Ирина (Москва туркуми) Эркин Воҳидовда Азгануш (“Кавказ шеърлари”), Сергей Есенинда Шаҳина (“Форс тароналари”) каби исмларга дуч келамиз. Ушбу шеърларда эътиборни тортувчи бир жиҳат борки, айти шу жиҳат юқорида номлари санаб ўтилган барча аёллар образидаги моҳиятни бирлаштиради. Ҳар учала ижодкор ҳам ўзга юртдаги гўзал қиёфасида ўз юртида қолган муҳаббатини ёдга олади ва ўзга юртдаги севгиси унга Ватанини, ундаги муҳаббатини эслатиб юборади. Бундан кўринадики, нафақат Абдулла Орипов ижодида

балки, бошқа шоирлар ижодида ҳам аёл ВАТАН образи сифатида гавдаланади.

Буни қуйидаги мисолларда кўриб чиқайлик. Эркин Воҳидовнинг ижодида Азгануш исмига дуч келамиз. Шоир ўзга юртниг бу гўзалига меҳр қўйган. Аммо унинг ёнида қололмайди. У билан хайрлашиши лозим. Чунки ошиқ ўз диёри сари ошиқмоқда. Уни кадрдон Ватани, ёр-у биродарлари кутмоқда: *Кечагина келган эдим, гўё туш, Бир нафасда ўтиб кетди ҳафта ҳам. Хайр сенга, хумор кўзли Азгануш, Хайр энди, кўришгунча, жонгинам.* Айни шу каби ифода рус шоири Сергей Есенинга ҳам бегона эмас. Унинг ҳам Шарқда кўнгил қўйган ёри (Шаҳина) шоирга Шимолда унга интизор бўлган ўз муҳаббатини, ўз Ватанининг дилбар қизини эслатади:

Шаҳинам, о менинг Шаҳинам,  
Шимол ёқда бир нозанин бор.  
Сенга ўхшар, ғоятда дилдор,  
Балки мени ўйлар ул санам...  
Шаҳинам, о менинг Шаҳинам.

Абдулла Орипов шеърларида турли миллат аёллари образи учрайди. Шоир уларнинг ҳар бирини ҳурмат ва муҳаббат билан тилга олади. “Женева дафтари”даги “Жамайка”, “Ҳабаш қиз”, “Италия сафари” таркибидан жой олган “Камилла” Арманистон сафаридаги Салминахоним, Москва сафарида қўйланган Ирина каби аёллар турли миллат вакилидирлар. Уларнинг тили, дини, кўриниши, дунёқараши бир-биридан фарқ қилиши табиий ҳол, албатта. Аммо шоир бекорга уларга эътибор қаратмади, бекорга уларга атаб шеър битмади. Боиси уларнинг ҳар биридаги қайсидир жиҳат шоирнинг ўз юртидаги муҳаббатини ёдига солади, қайсидир жиҳати билан улар шоир севган, ардоқлаган ўзбек қизига ўхшаб кетади. Шоирнинг “Ҳабаш қиз” шеъридаги ушбу мисралар фикримиз тасдиғи бўла олади:

Нари кетолмайман бир ҳабаш қиздан,  
Жуда ўхшар экан Сенга кўз-қоши.  
Билмадим, ўша пайт, қай бирингиздан

Нусха олган экан фалак наққоши.

Ана энди Абдулла Орипов ижодидаги аёл образининг чинакам моҳияти аён бўлгандек, асл илдизлари кўрингандек, наздимизда. Шоир хоҳ Женевадаги, хоҳ Италиядаги, хоҳ Япония, хоҳ Америкадаги аёл образини яратмасин уларнинг барчасида қандайдир ўхшашлик, умумийлик бор. Уларнинг барчаси қайсидир жиҳатдан бир-бирига келиб боғланаверади, бир-бирини такрорлайди. Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларидаги барча миллат аёллари образини умумий яхлитликда тутиб турувчи занжир бу – ЎЗБЕК АЁЛИ тимсолидир.

Кўришиб турганидек, ҳар учала шоир олис юртларда ҳам ўз Ватанини ёдга солувчи, ўз юртидаги дилдорни эслатувчи аёлга меҳр қўяди ва бу ҳолат унинг лирик кечинмаларида ўзига хос тарзда акс этади. Бундан бошқача бўлмоғи ҳам мумкин эмас. Чунки бу уч ижодкор ҳам бутун борлиғи билан, жамики туйғулари билан ўз Ватанига ипсиз боғланган. Шу сабабдан улар қалбидаги муҳаббат ҳам ўз манзилидан айро ва тамоман йироқ бўлиши мумкин эмас.

Абдулла Орипов шеърларида учраган Камилла, Ирина, Салминахоним, Сергей Есенин ижодидаги Шаҳина, Эркин Воҳидов лирикасидаги образларнинг реал ёхуд нореаллиги адабиётшунос учун у қадар муҳим ҳам эмас, наздимизда. Бу образларни яратишдан шоирларнинг кўзлаган бадий мақсади адабиёт учун муҳимроқдир, яъни бу каби образлар воситасида шоирлар ўз юртига бўлган соғинчини, шу билан бирга Ватанига бўлган севгиси қанчалар кучли эканини, бу севгининг ўрнини ҳеч қандай севги эгаллай олмаслиги каби лирик кечинмаларини ифодалаб берадилар. Шулардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, Абдулла Орипов ўз ижодида аёлни ёрқин образ даражасига олиб чиқа олган ва образга ҳаётийлик бахш этган. Абдулла Орипов шеърлятида аёл – ЁШЛИК, аёл – ҲАЁТ, аёл – КЕЛАЖАК ва энг муҳими – ВАТАН демакдир. Ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, Абдулла Ориповнинг хорижда яратган ижод наманаларида аёл

образи дунё адабиётидаги барча аёллар образи учун ибрат мактаби вазифасини ўтай олади ва қалбимизда чексиз фахр туйғусини уйғотади.

Орипов шеъриятида шундай образлар мавжудки, улар вақт ўтгани сари босқичма-босқич бошқа қиёфага кира бошлайди, тадрижийлик асосида ўзгаришга юз тутаяди. Шундай образлардан бири БОЛА образидир. Биламизки, бола образи Ғарб ва Шарқ адабиётида поклик, меҳр тимсолидир. Испан адабиёти вакили Лорка шеъриятида, қирғиз адабиётида Айтматовнинг “Оқ кема” кассасида, ўзбек адабиётида бола образи анъанавий қиёфа касб этади, яъни у эзгулик рамзидир. Абдулла Орипов ижодида эса бу образ жамиятнинг шоир бадиий тафаккурига таъсири асносида ўзгаришга юз тутаяди. Масалан, “Ҳаж дафтари”дан ўрин олган “Тиланчи бола” шеъридаги бола образи покизалик тимсолидир. Ундаги бола бу дунёнинг ҳеч бир воқелигига қизиқмайди. У фақат инсонларни эзгуликка чорлайди, меҳр-муҳаббат улашади:

Жим боқар, ишлари гўё саришта,  
Фақат нигоҳида ўтинч порларди.  
Менинг назаримда у бир фаришта,  
Меҳр-у саховатга унсиз чорларди.

Аммо қачонлардир фариштадек беғубор бўлган бола образи бугунги кунга келиб, яъни “Эверест ва Уммон”тўпламида бутунлай янги қиёфа касб этади, ўзгарди. Энди у ўзини ўйлайдиган, бировларга орқа қиладиган худбин инсон қиёфасига кира бошлайди. Бола энди аввалгидек фақат эзгуликни кўзламайди, аксинча, нима қилиб бўлса-да ўз мақсадига эришишга интилади. Мактабдан икки олиб қайтганида боболарга ва отасига орқа қилади. Бола руҳиятида бўлаётган бундай ўзгариш шоир нигоҳидан четда қолиши асло мумкин эмас. Шу боис энди шоир “Тиланчи бола” шеъридаги каби маъсум бола образини эмас, аксинча, “Иккичи бола” шеъридаги каби хато йўлдан кетаётган бола образини тасвирлайди:

Отажоним, хафа бўлмаңг,  
Ахир бизга омад ёр,

“Икки” олсам олибман-да,

Беруний бобомиз бор.

Абдулла Орипов адабиётшунос Нурбой Жабборов билан бўлган суҳбатларининг бирида олимнинг: “Сизнингча, жамият маънавиятини юксалтиришда миллат зиёлилари – шоир ва ёзувчиларнинг тутган ўрни қандай бўлиши керак?”, деган саволига қуйидагича жавоб беради: “Бу жараёнда ёзувчи ва шоирларнинг тутган ўрнига келадиган бўлсак, улар миллат ёшларининг диди ва савиясини юксалтиришга хизмат қилиши керак. Уларга мустақиллигимизнинг моҳиятини, буюк тарихга ва нурли истиқболга эга миллат эканлигимизни яхшилаб тушунтиришимиз лозим. Яна бир нарсани эслатиш зарурки, боболаримиз буюк бўлган, деб ўтирган билан осмондан чалпак ёғмайди. Китобингни биров ёзиб бермайди. Уларга муносиб бўлишимиз керак. Боболаримиз қўйиб кетган олтин нарвонлардан дадил кадам ташлаб, уларни янада тепароққа кўтаришимиз лозим”<sup>87</sup>.

Шоирнинг “Иккичи бола ” шеъри айни шу фикрларнинг шеърга кўчган баёнидир. Кўриниб турибдики, бу образ ижтимоий муҳит таъсирида тадрижий ўзгаришга юз тутяпти ва шоир сижодида бу ўзгариш акс этмоқда, шоир тафаккур тадрижи асносида ўзгаришга юз тутяпти. Айни шу сабаблар бундай образларга *ўзгарувчан образлар* дея ном бериш мумкинлигини кўрсатади.

Абдулла Орипов лирик кечинмалари ифодасида мажоздан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Бу жараёнда ижодкор учун ҳайвонлар образи энг маъқул образдир. Нафақат ўзбек, қолаверса, бутун дунё адабиётида ҳайвонот дунёсидан фойдаланган ҳолда кечинмаларнинг баёни акслантирилиши энг оммалашган ҳолатдир. Бу ҳолатда “Калила ва Димна”, “Тўтинома”, “Зарбулмасал”, “Лисон-ут тайр” каби кўплаб асарлар номларини санаш мумкин.

Мажоздан кўзланган асосий мақсад инсон ва унинг туйғуларини ифодалашдир. Зеро, шоир халқи энг моҳир кашфиётчидир. Унинг ўз

---

<sup>87</sup> Н.Жабборов. Замон.Мезон. Шеърят. –Т.:Фафур Фулом. –Б.87

туйғуларини мажоз ортига яшира олиши унинг мохир кашшоф эканининг исботидир. Лирикада сўзни фақат ўз маъносида қўллаш деярли ҳеч қандай бадий эффе́кт бермайди. У ё рамзга ўралганда ё шахслантирилганда, яъни реал ўзликдан узоқлашгандагина муайян поэтик аҳамият касб этади ва ўқирманга таъсир кўрсатади. Абдулла Орипов буни жуда яхши англайди. Шу жиҳатдан унинг шеъриятида лирик кечинма ифодасида мажоз етакчи воситалардан бири ҳисобланади. Шоир ҳайвонлар воситасида энг умумбашарий муаммоларни ёритади, инсон қалби ва руҳиятига таъсир ўтказади. Орипов ижодида арслон, фил, кийик, тошбақа, чумчуқ, сичқон каби ҳайвонлар образи кенг қўлланади. Эътибор қаратсак ҳайвонлар танловининг ўзидаёқ қарама-қаршилик кузатилади: Арслон ва сичқон, кийик ва тошбақа. Уларнинг бири куч-қудрат тимсоли бўлса, бири – инига бекиниб яшайдиган ожизлик тимсоли; бири югурик жонивор бўлса, бири имиллаб яшайдиган жонзот. Шоир образларни ўзаро қарама-қарши қўйган ҳолда чуқур фалсафий мушоҳадалар юритади ва теран хулосалар чиқаради. Муаллифнинг “Эверест ва уммон” тўплами таркибига кирган “Хонаки фил”, “Кийик ва тошбақа”, “Чумчуқ”, “Тенглик” каби шеърларида айни ҳолат кузатилади.

Абдулла Ориповнинг “Хонаки фил” шеъри бошдан охирига қадар интоқ санъати асосига қурилган бўлиб, ундаги барча воқеалар хонаки филнинг ўзи томонидан баён қилинади. Бу ҳолат кечинманинг янада тиниқроқ ва жонли бўлишини таъминлайди:

Йилларим ўтдилар,  
Ўргандим қўлга,  
Айландим сиз кўрган  
Хонаки филга.

Шоир шеърияти фалсафий мазмуннинг залворлиги, бадий ифодаларнинг теран фалсафий моҳият билан фавқулодда бирлик ҳосил қилиши, ўхшатишларнинг оригиналиги, эзгуликнинг ёвузликка аёвсиз муносабати асосига қурилганлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг

фалсафий фикри ҳодисаларга теран муносабати ва фикр мантиқийлиги билан ўзига хослик касб этади. Бу ҳолат айна шу шеърда намоён бўлади. Дарҳақиқат, энг қудратли баҳодирларни ҳам одатда ҳийла ва фириб билан мағлуб этадилар. Қудратли фил тақдиридаги фирибга алданиб, асирга айланиш ҳолати аслида бу инсоният билан боғлиқ жараёндир. Зеро халқ дostonларида ҳам рақиблар қаҳрамонларни ҳеч қандай куч билан енга олмагач, уларни ҳийла ва фириб йўли билан тузоққа туширадилар. “Хонаки фил” шеъри замирида ҳам айна шу фикрлар яширин бўлиб,бу ўринда шоир интоқ санъати воситасида аслида ўзи айтмоқчи бўлган сўзни айтади, лирик кечинмани хонаки фил қисмати воситасида аниқ ва жонли тасвирлашга эришади.

Бу жиҳат шоирнинг “Кийик ва тошбақа” шеърида ҳам яққол намоён бўлади. Маълумки, кийик тез ҳаракатланувчи югурик жонивор. Тошбақа эса аксинча, жуда секин ва имиллаб ҳаракатланади. Абдулла Орипов айна шу ҳолатдан фалсафий мазмун кашф этади. Бу дунёга эндигина келган, яшаш завқи билан ёнган инсон – ёшлик мисоли кийикка ўхшайди. Аслида ҳаёт ҳам шоир наздида кийикдек югурик. Тез ўтиб кетади, баъзан сезмай ҳам қоламиз. Шоир айна шу лирик кечинмалар ифодасини қуйидагича жонлантиради:

Тирикликнинг сирлари кўп,  
Кузатсанг агар,  
Тоқат билмас, бу дунёга  
Келганда инсон.  
Бешикда ҳам тинч ётмайди,  
Ғоятда ўжар,  
Кийик каби сакрайди сўнг,  
Толмас, чопагон.

Аммо бу дунё ўткинчи. Ҳамма буни яхши билса-да, ҳеч ким бу ёруғ оламни тарк этишга шошилмайди. Кетиш гали келганда энди инсон боласи худди тошбақадек имиллайди. Бу ҳаётни тарк этишни асло истамайди:

Йиллар ўтиб, охирлайди  
Фоний бу дунё,  
Инсон учун жаннатлардан  
Асло кам эмас.  
У дунё гар чорлаб қолса,  
Эшитмас гўё,  
Тошбақадек имиллайди,  
Боргиси келмас.

Шоир айна шу икки жонзот воситасида бу ҳаётга келиш ва кетиш каби теран фалсафий тушунчани ифодалаб беради. Шеър ҳажман у қадар катта эмас. Муаллиф кичик шакл воситасида кечинмаларнинг бетакрор қиёфасини яратиш истеъдодини айна шу шеърда ёрқин тарзда кўрсатиб беради.

Абдулла Ориповнинг мажозий характерга эга бўлган шеърларидан яна бири “Чумчуқ” шеъри бўлиб, “Деразамга қўнди бир чумчуқ, Англадимки, унинг қасди йўқ” мисралари билан бошланади. Шу ўринда Дилмурод Қуроноунинг бадий мазмун ҳақидаги қуйидаги фикрлари ёдимизга тушади: “Бадий мазмун ҳақида гапирганда, аввало, бадий асарда тасвирланаётган ва бадий идрок этилаётган нарсани фарқлаш зарур. Чунки кўпинча асарда бошқа нарса тасвирлангани ҳолда бутунлай бошқа нарса идрок этилаётган бўлади”<sup>88</sup>.

Маълумки, халқ оғзаки ижодининг энг оммабоп жанрларидан бўлмиш эртакларнинг анъанавий бошланмаси мавжуд: “бор экан-у йўқ экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан...”. Бу бошланмалар анъанавий ва ўзгармас. Сабаби қадим-қадимдан ўзбек халқ оғзаки ижодида чумчуқ чақимчилик тимсоли бўлиб, у нукул гап ташийди ва иғво уюштиради. Буни жуда яхши билган шоир ғийбатчи киши образини очиб бериш учун айнан чумчуқни танлайди ва ўзининг лирик кечинмаларини акс эттиради. Анъанавий шакл ва мазмун воситасида ўзининг бадий янгилигини

---

<sup>88</sup> Қуроноун Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Фан. – Б.96

моҳирона яратади. Бундай новаторлик Абдулла Орипов ижодидаги ҳар бир шеърда кузатилади десак, хато бўлмайди.

Абдулла Ориповнинг хориж сафарларида яратилган шеърларидаги бадий тафаккур ва образлар тадрижи ҳақида гапирар эканмиз, шоир фалсафий қарашлари, лирик кечинмалари йиллар ўтгани сайин теранлашганига, шеърлар туб замиридаги мазмун янада чуқур илдиз отганига гувоҳ бўламиз. Шоир умри давомида бир қанча юртларга саёҳат қилади. Аммо ҳамиша ўз юртига, ўзининг олис болалиги қолиб кетган қадрдон қишлоғига талпиниб яшайди. У ўз юртдан, ўз қишлоғидан айро ўтган ҳар онига куйинади ва охир-оқибатда ўзи туғилган маскан учун “Бегона одам” га айланиб қолишдан чўчийди. *Демагин шу лаҳза, демагин шу дам: – Қишлоқда юрибди бегона одам.* Зеро, шоир наздида Ватансиз инсон ҳеч нарсаси, ҳатто қабри ҳам йўқ мусофирдир. Мусофир худди уюридан ажраб қолган ёлғиз от қабидир. Инсон мусофирлик учун яратилмаган, унинг қадри, иззати ўз Ватани биландир:

Ҳар ким ватанига ярашган каби,

Ҳар кимга дунёда Ватан ярашар.

Афсуски, шоир қўрқуви бекор эмас экан. У ўз юртдан олисда мусофирликда жон берди. Лекин ҳар неда бир ҳикмат яширин. Шоирнинг мусофирликда жон бериши ҳақида Мирза Кенжабек шундай ёзади: “Гўзал ҳадиси шарифда айтилади: “Кимки ғариб ҳолда вафот этса , шубҳасиз, шаҳид ҳолда вафот этган бўлур!” Шоир Ватандан олисда, Ер қуррасининг терс томонида—йирок Америкада вафот топди. Шояд Ҳақ таоло шаҳидлик мартабасини берган бўлса”<sup>89</sup>.

Абдулла Ориповнинг хориж сафарларида яратилган шеърларида образлар таснифи ва тадрижи ва уларда лирик кечинманинг ифодаланиш масаласи ва улардаги тадрижийликни ўрганиш жараёнида шоирнинг хорижда ёзилган асарлари Арманистон, Москва, Америка, Италия, Япония, Женева

---

<sup>89</sup> Кенжабек М. Ёшларга дил сўзларим. –Т.: Адабиёт. 2021. – Б.65

каби мамлакатларга қилган саёҳатлари натижаси ўлароқ юзага келган бўлиб, улар жами 8 та тўпладан иборат ва хорижда яратилган шеърларидаги лирик кайфиятни очиб бериш учун 4 та образ асосий ўрин тутди. Улар: Географик макон номлари образи, Инсон образи, Ҳайвон образи, детал образлар бўлиб, географик макон образига тегишли 8та, инсон образига тегишли 37 та, аёл образига тегишли 7 та, бола образига тегишли 7, ҳайвонлар образига тегишли 7 та, детал образларга тегишли 9 та, жами 82 та шеър сараланди ва етакчи образлар дея баҳоланиб, имкон қадар таҳлилга тортилди. Абдулла Орипов шеърларидаги 9 та детал образ таҳлил қилинар экан, ушбу детал образларнинг шоир кечинмаларининг юзага чиқишдаги аҳамияти аниқланди. Хориж сафарлари мобайнида яратилган шеърларда бадий тафаккур ва образлар тадрижи, муаллифнинг лирик кечинмалари тадрижини аниқлаш мақсадида образларга назарий жиҳатдан янги тасниф яратилди.

### **3.2. Образ тасвирининг миллий табиати**

Миллийлик ҳар бир миллат адабиёти учун хос хусусият. Ҳар қандай умумбашарий ғоялар, дунёвий ифодалар замирида ҳам миллий жиҳатлар бир қадар ўз ифодасини топади. “Миллий ўзига хослик миллий тематика, миллий характер ва уни шакллантириш воситаларини ўз ичига олади”<sup>90</sup>. Миллийлик доирасига нафақат бир халқнинг ўзига хос жиҳатларини, қолаверса, бутун умумбашарий масалалари ҳам киради. Абдулла Орипов ижодида миллийлик масаласи нафақат тематика ва характерда, қолаверса яна бир қанча жиҳатларда акс этадики, айти шу жиҳатни ўрганиш шоир ижодининг таянч илдизини топишга имкон беради. Абдулла Орипов ижодида миллийлик масаласини аниқлаш учун, энг аввало, унинг хорижда яратилган шеърлари лирик табиатини аниқлаш жоиз. Хорижда ёзилган шеърлар таҳлилида энг аввало, уларни яратилиш сабабига кўра икки гуруҳга ажратиш ва лирик кечинмани аниқлаш мақсадга мувофиқ. Абдулла Орипов хорижга асосан икки сабабга кўра чиқади: *а) саёҳат учун; б) даволаниш мақсадида*. Айти шу

---

<sup>90</sup> Тўйчийев У. Ўзбек адабиётида бадийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. –Т.: Янги аср авлоди.– Б-450

жихатга кўра ҳам шоир шеърларида лирик кечинма табиати икки хил. Масалан, Москва сафари жараёнида шоир кечинмаларига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда тушқунлик, надомат, ўтган умр сарҳисоби кўзга ташланади. Жумладан, “Қирқ ёш” номли шеърида шоир

Қирқ йилнинг нақ ярми йўлларда ўтди,

Ярми эса ўтди беморхонада, -

дея ёзади. Умр давомида кимларгадир бош эггани учун ўзини айблайдди, эл орасида “даврон маддоҳи” деган таъналар ичида қолганини таъкидлаб, “Афросиёб каби вайрондир дилим”, дея ўртанади. Москва сафари давомида яратилган “Қирқ ёш”, “Хайрлашув”, “Мени олиб кетинг”, “Ранглар” каби шеърларнинг барчасида хаста шоир лирик кечинмалари ўз аксини топади. “Мени олиб кетинг” шеърида шоир руҳиятидаги оғриқлар, руҳий тушқунлик яққол кўзга ташланади. Уни хасталиқдан ҳам кўра, бетоблик қийноқларидан ҳам кўра Ватан соғинчи кўпроқ азобга солади. Шу боисдан шоир:

Йўқ, ўзга юртларда беролмасман жон,

Мени олиб кетинг ўз диёримга –

дея хайқиради.

Бу каби ифодалар, шоирнинг хасталик ҳолатидаги кайфияти “Уммонорти илҳомларида”да ҳам акс этади. “Хонадон шеъри”да умри хасталиклар ичида ўтган шоир лирик кечинмалари ниҳоятда тиниқ тарзда тасвирланади. Шоир ўтган умр ичида у билан бирга ҳаёт азобларини бошидан кечирган умр йўлдошига ачинади. Унинг ҳам умри шоирга қўшилиб гўё хасталик ичида ўтгандек кўринади:

Соғлиқдадир менинг хаёлим,

Тун ва куним ўтар имиллаб.

Ёнимдасан мунис аёлим,

Куйманасан тинмай ғимиллаб.

Шоир кечинмалари ифодасида ҳаётийликка, самимиятга интилади, тасвир ҳам ўта самимий. Шу каби биографик лирика намуналарида шоирнинг кечинмалари саёҳат кечинмаларидан тамоман фарқ қилади. Сафар

кечинмалари акс этган шеърларда Абдулла Ориповнинг соф лирик, қолаверса, ижтимоий кечинмалари акс эттирилади. “Нечун тим қорадир Арман кўзлари”, “Севан кўли” каби шеърларда сафарнинг соф таассуротлари ўзига хос тасвир этилиши баробарида, уларга ижтимоий кечинма элементлари ҳам учрайди. Тим қора кўзлар гўзаллигини тасвирлаш ниҳоясидаги *“Йиғидан бўлармиш кўзлар тим қора... Ҳеч ким арманчалик тўкмаган кўзёш”*, “Севан кўли” гўзалликлари тасвири якунидаги *“Қуриб қолсанг қуригину, лекин нопок бўлмагин”* каби ифодалар фикримиз исботидир. Аммо Абдулла Ориповнинг сафар ва даволаниш жараёнидаги лирик кечинмаларини боғлаб турувчи восита бу унинг лирикасидаги миллийлик хусусиятидир.

Абдулла Орипов лирикасида образлар масаласини ўрганиш жараёнида ҳар бир ўқувчи энг биринчи ўринда сезиши мумкин бўлган ҳодиса бу – образларнинг умумбашарий ва миллий характерга эга эканлигидир. Шоир ижодида шундай образлар мавжудки, бу образлар моҳиятига муаллиф умуминсоний масалаларни сингдиради. Адабиётшунос Э.Худойбердиев миллийлик тушунчасига муқобил термин сифатида “халқчиллик” атамасидан фойдаланади. Айни шу халқчиллик тушунчаси ўзида ғоятда улкан умумбашарий тушунчаларни акс эттириши хусусида ёзади: “Адабиётда умуминсоний мазмун ҳар доим бевосита турли халқлар ҳаёти манзараларини гавдалантириш, ҳар хил миллатга мансуб бўлган кишилар характерини вужудга келтириш йўли билангина ифодаланиши шарт эмас. Миллий доирадан ажралмаган, лекин бутун инсоният учун муҳим, тушунарли, таниш фикр-туйғуларни мужассамлаштирган асар ёки қаҳрамонлар ҳам умумбашарий аҳамиятга молик”<sup>91</sup>.

Аслида адабиётда образ тушунчаси қанчалик кенг миқёсли ва жаҳоний характерга эга бўлса, муаллиф яратган асар шу қадар кенг қамровли ва умрбоқий қиёфага эга бўлади. Шу билан бир қаторда унутмаслик лозимки, образ қай даражада умумбашарий хусусиятга эга бўлмасин ва бутун дунё одамларининг орзу ва истакларини ўзида акс эттирмасин, унда барибир

---

<sup>91</sup> Худойбердиев Е. Адабиётшуносликка кириш. –Т.:Иқтисод-Молия. 2007. – В.42

муаллиф улғайган жамиятнинг қирралари, ёзувчи яшаган менталитет унсурлари ўз аксини топади. Мисол учун, насрда бутун дунё ўқирманларига таниш бўлган Мартин Иден, назмда Пушкин яратган Евгений Онегин каби лирик қаҳрамонлар қай даражада ўзларида умуминсоний характер ва орзу-умидларни акс эттирмасинлар, улар бутунлай ўзи вужудга келган миллатнинг миллий хусусиятларидан холи эмас. Лайло Ўсарова Абдулла Орипов ижодида образлар ва миллий рух ифодаси ҳақида тўхталар экан, қуйидагича ёзади: “Бадиий образдан айри ҳолда адабиёт ҳам, унинг энг фаол шакли саналган шеърят ҳам мавжуд бўла олмайди. Зеро, образ – бадиий адабиётнинг мавжудлик шарти, образли тафаккур эса, ижод жараёнининг асосий омилидир. Миллий рух ифодасида бадиий образнинг тутган ўрни, айниқса, алоҳида”<sup>92</sup> Айни шу фикрлар дан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Абдулла Орипов яратган ҳар бир образ миллий қадриятлар булоғидан сув ичган. Аммо шоир ижодида шундай образлар ҳам мавжудки, уларга муаллиф тўлиғича миллий рух ва кайфиятни сингдиради. Ўқувчи бир ўқигандаёқ бу образларнинг ўзбек миллатига мансублигини англайди. Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларидаги образларнинг миллий табиатини вужудга келтирувчи воситалар нима? Айни шу савол адабиётшунослик илми учун муҳим тадқиқлардан бири бўла олади. Ижодкорнинг хориж сафарлари мобайнида яратилган шеърлари тадқиқи асосида шоир яратган образларнинг миллий табиатини вужудга келтирувчи муҳим тўрт жиҳат мавжудлиги аниқланди:


- ✓ Ўзбекона предметлар воситасида образларда миллий рухнинг акс этиши; (дўппи, белбоғ, кишмиш в.х);
- ✓ Ўзбекона урф-одат, анъана ва хусусиятлар воситасида образларда миллийликнинг акс этиши (чойхўрлик, ош);
- ✓ Ўзбек халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари воситасида образларда миллий табиатнинг намоён бўлиши;

---

<sup>92</sup> Лайло ўсарова. Абдулла Орипов шеъриятида миллий рух ифодаси.Ф.ф.б.д. (PhD) дисс... –Т.:2020. –Б.62

- ✓ Ўзбекона оҳанглари, фолклор услуби воситасида миллий хусусиятларнинг шоир лирик кечинмаларида акс этиши; ( “Гўрковлар қўшиғи”, “Ўнг қовоғим учди-ё”)

Айни шу жиҳатлар асосида шоирнинг хорижда яратилган бир қанча шеърлари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинди ва қуйидагича таснифланди:



Демак, жадвалдаги тасниф асосида кўришимиз мумкинки, биз таснифлаган 15 та шеърдан аксарияти ўзбекона предметлар воситасида ўзида миллий табиатни акс эттиради. “Япон” ва “Ҳадя” деб номланувчи шеърлар эса ҳам ўзбекона предметлар, ҳам ўзбекона урф-одат, анъана ва хусусиятларни ўзида мужассам этганлиги билан ҳар иккала таснифга тегишлидир.

Шоирнинг хорижда яратилган шеърлари таҳлили давомида шунинг англаш мумкинки, Абдулла Орипов яратган образлар бирор жаҳон адабиёти дурдоналарида учровчи образлардан асло қолишмайди. Мазмун, шакл,

фалсафий қарашлар, назарий томонлама улардан ошса ошадики, лекин асло кам эмас. Аммо унинг шеърларининг барча адабий намуналардан устун бўлган бир томони мавжудки, буни илғамасликнинг асло иложи йўқ. Шоир қайерда ва қандай мавзуда ижод қилмасин унинг шеърияти туб моҳиятида чинакам ўзбекнинг руҳияти, дунёқараши, яъни миллий руҳияти мавжуд. Айни шу ҳолат ҳақида шоирнинг ўзи қуйидагича фикрларни келтиради: “Майли, буюкларга интилиш бўлсин, жаҳоннинг, башариятнинг энг илғор фикрларига ошнолик бўлсин, Ғарб, Европа, Америка дейсизми, майли лотин Америкаси, майли Ойми, Марсми... даражасида фикрлашсин, лекин ўзбек фикрласин, ўзбекча фикрласин! Агар шу “кичкинагина” шарт бажарилса, қолганига, албатта, эришамиз”<sup>93</sup> Шоирнинг ўзи айтганидек, унинг шеъриятдан чинакам ўзбек фарзанди фикрлаётганини уқиб олиш мумкин. Айниқса, Абдулла Ориповнинг Ватан ҳақидаги шеъриятида тамомила ўзбекона миллий руҳ етакчилик қилади. Шоир шеъриятига миллий руҳни турлича ўзбек халқига хос деталлар воситасида сингдиради. Адабий назариядан келиб чиқиб айтиш мумкинки, образлардаги миллий табиат асосида унинг муаллифи қайси миллат вакили эканлигини англаш мумкин. Мисол учун Рус шоири Сергей Есениннинг Шарққа саёҳатлари натижасида ёзилган шеърлари ва Абдулла Ориповнинг хориж сафарлари мобайнида ёзилган шеърларига назар солсак, уларни ўзаро қиёсласак, ҳар икки ижодкор шеъриятида (Айниқса, уларнинг Ватан мавзусидаги лирикасида) миллий руҳнинг ғоятда етакчи эканлигига гувоҳ бўламиз. Шоирлар ижодида ватанпарварлик туйғуси деярли бир хил кўринишда ўз аксини топади. Уларнинг ҳеч бири қаерда бўлмасин ўз юртини унутмайди. Бу ҳолат уларда ўз юрти билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарни, предметларни, ўз менталитетига хос тушунчаларни шеърга моҳирона сингдириб юбориши жараёнида яққол кўзга ташланади. Абдулла Орипов ижодида дўппи, белбоғ, чой, чойхона, чойхўрлик каби предмет ва ҳолатлар тез-тез қўлланса, Есенин ижодида Россия муҳитини ёдга солгувчи қайин, гармон, подшолик, кепка,

---

<sup>93</sup>Орипов А. Катта ҳақиқатлар тантанаси/ Танланган асарлар.Бешинчи жилд. – Т.: Адолат.2005. –Б.178

картошка каби тушунча ва предметларга қайта-қайта мурожаат этилади ва бу мурожаатлар замирида, шубҳасиз, Ватан меҳри ва Ватан ёди яширинган бўлади.

Есенин “Синглимга хат” деб номланган шеърида:

Ёдимдадир байрам,  
Ўша сўлим май,  
Сабзалар безанган,  
Гуллаган сирен,  
Оппоқ қайинзорни  
Қучоқлаб тинмай,  
Шўх-хандон майдан ҳам  
Мастроқ эдим мен.

деб ёзса, Абдулла Орипов олис Америка диёрида ўз юртини, айниқса чой ва чойхўрликни қўмсаб, ўзбек диёридаги чойхона тушунчаси аслида дийдор, меҳр-оқибат, самимий суҳбат каби тушунчалар билан уйғунлигини, чойхонадаги ўзаро дийдор ҳеч қайси юртда учрамайдиган гўзал қадрият эканини фахр билан ёзади:

Гоҳо оддий мулоқотдан яшнагай диллар,  
Учрашгандай йироқ эллар, олис манзиллар.

Саёҳатда турфа гаплар бўлади, жўра,  
Чойхўрлик соз, жанжаллашиб юргандан кўра.

Абдулла Ориповнинг хорижда ёзилган шеърларида образларга миллий руҳни сингдиришда ўзбекона предметлар ва анъаналардан фойдаланиш етакчилик қилади. Хусусан, шоирнинг “Япон оҳанглари” туркумидан жой олган “Япон” сарлавҳали иккилик шаклида ёзилган шеъри айни шу хусусиятларни ўз ичига қамрайди: *“Бошимда дўппи-ю, эгнимда чопон, Меҳмон бўлиб келдим, мен сенга, япон”*.

Шоир эгнидаги чопон-у, бошидаги дўпписи орқали ўзининг ўзбек эканлигини билдирар экан, қадим тарих ва анъанага эга япон халқига ҳурмат

ва ҳавас билан боқиб, уларнинг эришаётган оламшумул ютуқларининг сабабини сўрайди:

Сўрайман ўртага қўйиб виждонни:

- Сен қандай забт этдинг буткул жаҳонни?

Шу саволни бериш баробарида, шоир ўқувчи юзига бироз табассум югуртирган ҳолда ўз фикрларини қуйидагича давом эттиради: *“Шеър ёзиб, гап сотиб турибман шу он, Япон-чи, иш билан машғулдир япон”*. Шу икки мисра билан ўз саволларига шоирнинг ўзи жавоб берар экан, Япон ва Ўзбек образини уларнинг ўз одатларидан келиб чиққан ҳолда ёритиб беради. Япон халқидаги меҳнатсеварлик, тиришқоқликни уларнинг асосий ютуғлари омили сифатида эътироф этаркан, ўзбеклардаги баъзи ўринларда учровчи беҳуда гап сотиб вақтни бекор ўтказишни ўз халқининг асосий душмани сифатида баҳолайди. Шоир наздида, ҳар нарсанинг ўз меъёри бор. Албатта, *“Калифорнияда чойхўрлик”* шеърида таъкидланганидек, дўстлар ва яқинларнинг ўзаро йиғилиб суҳбат қуриши меҳр-муҳаббатнинг ортишига сабаб бўлади, аммо бу нарсанинг меъёрдан ошиб кетиши вақтни беҳуда сарфлашга, умрни беҳуда ўтишига сабаб бўлади. Шоир ўзбекона урф-одат ёрдамида ўзбек образини яратар экан, ҳар нарсага холис ёндашади. Зеро, ҳар нарсанинг икки томони бор. Қай томони танлаш инсоннинг ўзига боғлиқ. Масалан, *“Осакода ўзбек чойхонаси”* шеъри фикримизга исбот. Бу шеър шоирнинг юқорида таъкидланган шеърларининг мантиқий давомидек гўё. Осако шахрининг қоқ ўртасида бунёд бўлган ўзбек чойхонаси ҳақида фахр билан ёзар экан, бу шеър тадбиркор ўзбек йигитига бағишланганлигини сарлавҳа остидаёқ қайд этади. Аслида ҳар нарсадан унумли фойдаланган, ўз умрини бекор сарфламаган ўзбек йигити образини яратиб, унинг бу иши билан фахрланади. Шоир олис Японияда тадбиркорлик қилаётган йигитнинг иши билан, кичкина қуёшга монанд ўзбек нони билан фахрланади. Ҳаётнинг лаззати ҳалол меҳнатда эканлигини ўқувчисига уқдиради.

Абдулла Орипов ўз шеърларида ҳаётни ва одамларни борича кўрсатиб беради. Ҳаёт бир текисда кетмаганидек, ундаги одамлар ҳам бир хил эмас.

“Осакода ўзбек чойхонаси” шеърида меҳнаткаш, ҳалол тадбиркор ўзбек йигити образини чойхона, тандир, нон каби детал образлар воситасида гавдалантириб берса, “Уммонорти илҳомлари”дан ўрин олган “Ош” шеъри орқали унга тамоман зид бўлган образни гавдалантиради. Биламизки, Ош ўзбек менталитетида инсонларнинг бир-бири билан дийдорлашадиган, кўз-кўзга тушиб меҳр ортадиган анъаналарини ўзида мужассам этадиган жараёндир:

Каттакон қозонда пиширдик палов,  
Тун бўйи тинмади ўчоқда олов.  
Тонг отай деганда дамланди-ку ош,  
Қозонни қуршаб биз бўлдик кўз-қош.

Қозон атрофида йиғилиб кўз-у қош бўлган одамлар орасида, афсуски, бу иноқликни, хуш кайфиятни бузувчилар ҳам йўқ эмас:

Ва лекин бир кимса, дилимиз ғашлаб,  
Қочди қурбақани қозонга ташлаб.

Шоир бироз бўрттирилган тазрда ҳаётда одамлар турфа хил эканлигини, яхшилар ёнида ёмонлар, яхшилик ёнида ёмонлик, шодлик ёнида қайғу борлигини кўрсатиб беради. Айни шу ҳолатни ёритишда ўзбек халқига хос ош дамлаш ва бу жараёнда қариндош-уруғ, кўни-қўшни йиғилиши анъанасидан унумли фойдаланади. Гувоҳи бўлганимиздек шоир образлар табиатини очиб беришда анъана ва одатлар, миллий предметлардан унумли фойдаланади. Улар воситасида образларга миллий руҳни сингдириш баробарида, инсонлардаги нуқсон ва камчиликларни ёритиб ҳам беради. Абдулла Орипов шеърияти давр шеърияти эканлигини инобатга оладиган бўлсак, миллий воситалар ёрдамида фақатгина инсонлардаги нуқсонларни очиб бериш, унинг ижоди учун етарли ҳодиса эмаслигини англаш мушкул эмас. Шоирнинг “Техас пахтазориди” шеърига дуч келган ўқувчи айни шу фикрларимиз тасдиғига гувоҳ бўлади. Пахта ва пахтазор тушунчаларини ўзбеклар ҳаётига сингиб кетган миллий тушунчалардан бири десак хато бўлмайди. Шоир Техасда пахтазорда кўзи тушган мусофир ҳолатини

тасвирлар экан, тарихдан озгина бўлса-да, хабардор бўлган кишининг қалби тўлқинланмаслиги, оғир хотиралар залвори остида эзилмаслиги мумкин эмас. Бир замонлар пахта далалари ва пахта сиёсати қанчалаб инсонлар тақдирини увол қилгани кўпчиликка маълум. Шоир тасвирлаб бераётган мусофир ва унинг туйғулари ҳам қисман бўлса-да, бизга таниш:

Ўтган бобосини кўргандек ўзбек,  
Югурди Техаснинг пахтазорига.  
Аввал атрофига разм солди тек,  
Хаёли кетганди бадбўй дорига.

Шўролар даврида пахта майдонларига тонналаб сепилган дорилар, шу дорилар сабаб минглаб хазон бўлган тақдирлар мусофирнинг бадбўй дорига хаёли кетганда, у билан бирга ўқувчиларнинг ҳам хаёлини олис мозийга тортиб кетади. Аммо Техасда пахтадан дорининг хиди келмаслиги мусофирнинг хаёлларини остин-устун қилиб юборади. Инсоннинг ҳар доим кўриб юрган ҳолатининг ўзгариши, гўёки айни ўша лаҳзадан инсоннинг дунёга бутунлай бошқача назар солишига сабаб бўлгандек: *Ҳорғин кипригига чарчоқ ҳам инмай, Ҳатто мусофирнинг ўзгарди туси. Чаноқни олиб у ҳидларди тинмай, Ҳолбуки пахтанинг йўқ эрур иси.* Олис Америкада шоир турфа хаёллар гирдобидида қолган ғаввосдек фикр юритади. Бир мусофирнинг пахта далаларидаги оғир ўйлари унинг қалбини ўтмиш тиғлари билан яраласа, бир қарасангиз шоир Американинг Хюстонида оқ кишмишни кўриб қолиб чексиз шодликка тўлади. Шу сабаб шоир шундай ёзади:

Олис Амриқонинг Хюстонида  
Мен уни кўрдим-у лол қотдим ҳатто.

Бу ҳолат ёдимизга мусофирлик азобларини бошдан кечирган Ҳазрати Бобурнинг ўзга юртда бир тилим Андижоннинг қовунини татиб кўрганда кўз ёш тўкканини солади. Ватан қадри мусофирликда билинади дейишади. Ўзбекнинг икки фарзанди туйғулари неча минг йиллардан кейин туташмоқда. Бир шоҳ ва шоир, яна бири шеърят шоҳи бўлмиш бу икки инсон туйғуларини, мусофирликда қалбидан кечган оғир изтиробларини ўз

асарларига кўчиради. Зеро, ватан туйғуси умрбоқий туйғудир. Ўзга юртда инсонга ўз Ватанини эслатувчи ҳар қандай нарса қадрли ва азиз. Шу боис ким бўлмасин, қайерда бўлмасин ўз Ватани билан боғлиқ нарсаларни бошқа жойда кўрганда ўз юртини ёдга олади, қалбидан илиқ кечинмалар кечади. Абдулла Орипов таъбири билан айтганда Америкалик ҳам ўзбекнинг бозорида апелсинни кўрганда ўз юртини ёдга олади ва бундан севинади:

Гўё анор каби думалоқ олам,  
Унутинг торликни, кибрни, ранжни.  
Ахир қувонмасми Амриқолик ҳам,  
Олой бозорида кўрса Оранжни.

Абдулла Орипов шеърлятида миллийлик ва унинг аҳамияти ҳақида Акрам Ҳамдамов тўхталиниб қуйидагича фикр билдиради: “Абдулла Орипов шеърляти она халқи ва Ватанига бўлган оташин муҳаббатнинг ёрқин кўринишидир. Ушбу жараёнда халқона поэтик тафаккур, миллийлик руҳи бадиий -эстетик пафос сифатида бўй кўрсатади. Бунинг замирида инсонга муҳаббат – инсонпарварлик туйғулари ётади.<sup>94</sup>” Шоир шеърлятида миллийлик халқона воқеа-ҳодиса, предметлар воситасида акс этар экан, уларда юқорида таъкидланганидек Ватанга бўлган чексиз муҳаббат акс этади. Баъзи ҳолларда бироз мутойиба, ўйноқи оҳанг шоир шеърлятига янада жонли руҳ бахш этади. Жумладан, унинг “Қаймоқ” шеърлида айна шу ҳолат кўзга ташланади. Халқимизнинг нақадар ўзига хос жиҳатларга эга эканлиги оддийгина мутойиба воситасида акс этирилади. У ернинг ўзига хос ва шу билан бизнинг юртимизга ўхшаш томонлари ҳақида гап кетганда, *Сигир кўп экан-у, Қаймоқ йўқ экан*, каби ўзига хос ифода билан шеърга якун ясалади. Аслини олиб қараганда инсон ўзга юртда юрганида ўз юртидаги неъматларни соғина бошлайди. Шоир айна шу соғинч ифодасини енгил мутойиба воситасида кўрсатишга ҳаракат қилади. Юқоридаги шеърлар таҳлилида миллийлик предметлар воситасида кўпроқ ташқи томондан, ташқи жиҳатлар

---

<sup>94</sup> Hamdamov A. Абдулла Орипов шеърлятида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Ф.ф.н. дисс... –Т.:2011. – Б.18

асосида намоён бўлаётганга ўхшайди. Аммо шундай шеърлар мавжудки, улардаги миллийлик хусусияти шоирнинг лирик кечинмасида, қалбида намоён бўлади.

Бундай ўринларда муаллиф миллийликни халқнинг руҳияти, ўтмиши ва анъаналари воситасида очиб беради. “Абдулла Орипов мутафаккир шоир сифатида халқ қалбини, минг йиллар давомида ўзбек халқи ҳаёт тажрибаларидан ўтиб, маънавий қолиплаган ҳикматлар, мақоллар, маталлар, ҳикоят ва ривоятларни жуда яхши билади. Шоир халқимиз яратган маънавий хазинага халқ қалбининг дилтортар оҳангларига шунчаки эргашмайди; унинг мазмун-моҳиятини тўла ўзлаштириб, ўз бадий тафаккури мезонлари, ўзи яшаётган давр муаммолари, ҳамнафас ватандошлари ва миллатдошлари кўнгли билан боғлайди”.<sup>95</sup> Жумладан, шоирнинг “Остона” деб номланган шеърида халқнинг “Ватан остонадан бошланади ” деган мақолидан моҳирона фойдаланади, ушбу мақол мазмунидан фойдаланиб, тамомила янги фикрни вужудга келтиради:

Ватан остонадан бошланар, болам,  
Буни рад этолмас бирорта одам.  
Бироқ билмасдирсан, шул остонадан  
Гоҳо бошланади мусофирлик ҳам.

Шоир ҳаётидаги мусофирлик, айрилик онлари маҳсули сифатида яратилган бу тўртликни шоир новаторлигининг маҳсули сифатида баҳолаш мумкин. Ватаннинг остонадан бошланиши маълум тушунча, аммо мусофирликнинг остонадан бошланиши шоир топган бадий ифодалардан биридир. Аслида бу топилма шоирнинг машаққатли ҳаётининг лирикадаги аксидир.

Абдулла Орипов кечинмалар оҳангидаёқ бадий мақсадни акс эттириш имконига эга ижодкор. Шоир умрининг сўнги йилларида яратилган халқона оҳанглардаги “Ўнг қовоғим учди-ё” сатрлари билан бошланадиган шеърда миллий оҳанг, қовоқ учиши каби ҳолатлар ижодкорнинг энг нозик

---

<sup>95</sup>Равшанова Г. Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати. Ф.ф.б.ф.д. (PhD) дисс... –Қарши. 2020. –Б.45

кечинмаларини ўзида акс эттиради. Шеър ниҳоятда енгил оҳанг билан ўқилади. Айни шу енгил оҳангни шеърнинг 7 бўғиндан иборат эканлиги, туроқларнинг  $4+3=7$  шаклидан ташкил топганлиги ҳам таъминлайди. Аммо шоир кечинмалари бу оҳангга тамоман тескари, залворли ва қайғули. “Ўнг қовоғим учди-ё, Чап қовоғим учди-ё. Олисларда қолган юртим, Бирдан эсимга тушди-ё” каби мисраларда ижодкорнинг нотинч ўз хаёлини Ватани ҳақидаги ўйлар банд қилган. Шоир фарзандларидан хавотирда, даврадош-у жўралари ким томонда эканини билолмай қийналмоқда. Ҳаётда ҳам юртига боролмаганидан, жигарларининг ҳол-аҳволини сўролмаганидан, узок пайтлардан буён кадрдон қишлоғини кўролмаганидан изтиробда. Шоирнинг самимий, гўёки оддийгина гапдек айтилган мисраларидан чексиз армоннинг, оғриқнинг оҳанги эшитилиб туради. Энг ёмони, энг ачинарлиси шеър сўнгида келади: *“Узоқдаги шоир ўғли, кимнинг ёдига тушди-ё”*. Уни яқинлари унутиб қўйиши, кадрдонлари эсламаслиги шоир учун энг улкан оғриқ. Шу сабаб шоир ўнг қовоғининг учишини, чап қовоғини учишини сабабини билолмай қийналиб турган бир пайтда энг ёмон ҳодиса уни ҳамма унутиши эканини билдиради. Айни шу фикрнинг шеър сўнгида келтирилиши ҳам шоир лирик кечинмасининг энг кульминацион қиррасини кўрсатиб беради.

Миллий оҳанглар шоир кечинмаларини ифодалаш учун энг яхши восита сифатида хизмат қилади. Бу шеърда миллийликни ифодаловчи восита фақатгина оҳанг эмас, аксинча, шоирнинг ўзи ҳамдир. Боиси бу мисраларда образ, унинг ифодаланиш йўли миллийлик асосига эга. “Миллий ўзига хослик макон ва замон билангина изоҳланмайди, қаҳрамон характери тасвири бу масала марказида туради, чунки ҳаёт ва ундаги ғоялар инсон образи орқали кўрсатилади. Характер ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатдан миллий бўлиши шарт”<sup>96</sup>. Ушбу шеърда характер шоирнинг ўзи. Бадиий матн учун танланаётган сўзларнинг ўзиёқ – қовоқ учиши, жўра, ҳайит, қишлоқ унинг

---

<sup>96</sup>Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. –Т.: Янги аср авлоди. 2011–Б-451

характеридаги ўзбекка хос самимиятни, миллий руҳиятни ифодалашга хизмат қилган. “Ўнг қовоғим учди-ё” шеърисидаги ифодалар, оҳанг ва характер ҳам тўлиғича миллийлик асосида яратилган.

### **III боб бўйича хулосалар:**

Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган лирикасида образларнинг миллий табиатининг намоён бўлиши хусусида сўз юритар эканмиз, ижодкорнинг хориж сафарлари мобайнида яратилган шеърлари тадқиқи асосида шоир яратган образларнинг миллий табиатини вужудга келтирувчи муҳим тўрт жиҳат мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

Шоир ўзбекона предметлар воситасида образларда миллий руҳнинг акс этишида дўппи, белбоғ, кишмиш, қовун каби предметлардан унумли фойдаланилса, ўзбекона урф-одат, анъана ва хусусиятлар воситасида образларда миллийликнинг акс этишида шоир чойхўрлик, ош, гап каби урф-одат ва анъаналардан фойдаланиб миллий руҳ акс этган лирик намуналарни яратади.

Абдулла Орипов ўзбек халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари воситасида образларда миллий табиатнинг намоён бўлишини бадиий новаторлик билан ифодалайди ва ўз бадиий мақсадини очиб беради. Шоир миллий хусусиятга эга кечинмалари тасвирида фолклорга, унинг халқона оҳанглариغا таянади.

Шоирнинг хорижда ёзилган шеърларида бўғинлар ва ҳижола ҳам аксарият ҳолларда муаллиф лирик кайфиятини акс эттиришга, миллий қирраларни ўткирлашга ёрдам беради.

Муаллифнинг хорижда яратилган шеърлари сафар ва сиҳат мақсадини ўзида акс эттирганига кўра ҳам лирик кечинмаларнинг турличалиги юзага келсада, бу шеърларни бир-бири билан умумий боғлаб турувчи жиҳат бу – уларда миллийликнинг аксланишидир. Образлардаги миллийликнинг шу тариқа турли воситалар ва ранг-баранг усуллар ёрдамида акс эттирилиши муаллиф маҳоратининг ўзига хослигини, бадиий савияси баландлигини кўрсатиб туради.

## ХУЛОСА

Улуғ шоир ва мутафаккир Абдулла Ориповнинг хорижда ёзилган асарларида лирик кечинма ва поэтик тасвир уйғунлиги тадқиқига бағишланган ушбу диссертация натижаларини илмий-назарий жиҳатдан қўйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Адабиётшуносликда лирик кечинма воқе бўлиши ва тугал эстетик ходиса сифатида шаклланишига кўра *оний лирик кечинма* ва *хотира лирик кечинма* тарзида тасниф этилган. Абдулла Орипов шеърларида кечинмани ҳосил қилувчи воситалар бир хил бўлсада, кечинманинг ўзи турлича экани кузатилади. Шоир руҳиятидаги эврилишлар унинг кечинмаларига ҳам таъсир кўрсатиши табиий ва баъзи шеърларида бир вақтнинг ўзида қарама-қарши туйғулар ифодаланади. Ана шундай туйғу ифодасини *антитезис лирик кечинма* тарзида хослаш мумкин ва у поэтик тасвир яратишда алоҳида ўрин тутади. Жумладан, “Мени олиб кетинг” шеъридаги “*Иссиқ жон, дейдилар, жон бўлса олар, Пайт келса чечак ҳам сарғаяр сўлар*” сатрларида “чечак” образи ўша кезлари қирқ ёшда бўлган шоирнинг тушқун кайфиятини, ҳатто ҳаётдан умид узиш руҳиятини ифодалаган бўлса, олтмиш ёшида ёзган шеърида эса туйғуларини “*Сени жуда севаман, ҳаёт*” дея талқин этади.

Ижодкор руҳиятидаги ўзгармайдиган, барқарор кечинмаларни эса *турғун лирик кечинма* сифатида ажратиш мумкин. Шоирнинг шеърларида башарият учун хос бўлган Ватан ва она халқига муҳаббати талқини, садоқат ва фидойиликда бир умр собит тура олгани бу борадаги туйғулари турғун лирик кечинмага мисол бўлишини тасдиқлайди.

2. Абдулла Ориповнинг хорижда ёзилган шеърларида Ватан мавзуи талқинидаги кечинмалари икки хил тарзда намоён бўлади: 1) ошкор; 2) яширин кечинмалар тарзида. Шоир шеърларида Ватан ва халққа чексиз муҳаббат, миллатни дунёнинг тараққий этган халқлари даражасида кўриш орзуси ҳар доим очиқ-ошкор талқин этилса, айрим асарларида ўз лирик кечинмаларини қандайдир воқеа-ходиса ёхуд образ замирига яширган ҳолда тасвирлайди. Бундай шеърлар тағматнидаги асл лирик кечинмани топиш,

англаш ўқувчидан юқори даражадаги бадий идрокни талаб қилади. Абдулла Орипов шеърларида учраган *Камилла, Салминахоним, Ирина*, образларини реал образлари ана шундай яширин кечинма ифодалангани билан характерланади. Сергей Есенин ижодидаги *Шаҳина*, Эркин Воҳидов шеърларидаги *Азгануш* образлари ҳам ана шу типга киради. Бу образларнинг реал ёхуд нореаллиги эмас, уларни яратишдан шоирлар кўзлаган ижодий ният муҳимдир. Яъни бу каби образлар шоир қалбидаги она юрт соғинчи, Ватан муҳаббати, бу муҳаббатнинг ўрнини ҳеч нарса эгаллай олмаслиги сингари лирик кечинмаларни ифодалагани билан аҳамиятлидир.

3. Бадий асарда оҳанг ва ранглараро синтез масаласи қадимий илдизларга эга. Туркий халқларнинг бадий тафаккурининг негизи бўлган тошбитикларда ва “Авесто”да ҳам, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида ва халқ достонларида ҳам яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашнинг бадий тасвирини беришда оқ ва қора ранг антитезасидан фойдаланиш, тасвирларнинг ифодаланишида қизил, оқ, қора каби рангларнинг ишлатилиши, мумтоз адабиётда ранглар воситасида лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ижодкор бадий мақсади очиб берилиши адабиёт ва ранглар синтези масаласининг тадрижий такомили ҳақида муайян тасаввур беради. Алишер Навоий “Хамса”сининг тўртинчи достони “Сабъаи сайёр”да ҳам муаллиф бадий нияти очилишида қора рангдан бошланган қасрларнинг оқ қасрга томон ўзгариб бориши, ҳар бир рангнинг маълум бир кайфиятни акс эттириши бадий синтезнинг мукамал намунасидир. Абдулла Орипов ана шу адабий-эстетик асосларга таянган ҳолда лирик кечинма тасвирини янги поэтик даражага юксалтирди.

4. Лирик кечинмани ранглар воситасида тасвирлашда Абдулла Орипов бир неча реалиялардан фойдаланган. Ушбу йўналишдаги шеърларни назарий жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) Инсоний кечинмалар тасвирида ранг ва оҳанг синтезининг ўрни. 2) Ранг ва оҳанг синтезининг лирик кечинмани предметлар воситасида ифодаланиши. 3) Лирик кечинмани ифодалашда ранг ва оҳанг синтезининг пейзаж орқали воқеланиши.

Абдулла Орипов лирикасида ранг ва бадиий адабиёт синтези масаласини тадқиқ этишда шоир шеърлятидаги бир қанча воситалар ёрдамчи манба вазифасини бажаради. Булар: *инсон, предметлар, табиат* реалияларидир. Бу воситалар шоир лирик кечинмаларини, туйғуларини ифодалашга хизмат қилган рангларни бадиий тарзда ўзида мужассам этади. Поэтик тасвир натижасида улар лириканинг гўзал намунасига айланади ва шоирнинг ижтимоий, лирик, ишқий кечинмаларини очиб беришда муҳим ўрин тутди.

5. Шоир поэтик мазмунда ҳам, шаклда ҳам янгиликка интилади. Мавзу, қаҳрамон, сюжет унсурлари мазмуннинг, тил, композиция, ҳажм унсурлари шаклнинг ўзига хослигини ва шунинг баробарида уйғунлигини таъминлашга хизмат қилгани шоир асарларида поэтик структура мукамал экани исботидир.

6. Абдулла Орипов хоҳ анъанавий шаклда ёки мавзуда бўлсин, бетакрор мазмунни ифодалашга, шаклий ранг-барангликка ва бу орқали лирик кечинмани ўзига хос талқин этишга интилади. Бу ҳолат, айниқса, шоир ижодидаги учликларда, сюжет ифодасида, синдирилган мисраларда яққол кўзга ташланади. Хорижда яратилган шеърляридаги шакл ва мазмун ифодасини аниқлаш жараёнида таҳлил этилган жами 19 та шеърдан бир қанчаси шакл ва мазмун масаласини халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт намуналарига хос тарзда ифода этади. Абдулла Орипов лирик кечинмаларини ифода этишда энг кўп тўртлик шаклига таянади ва бу шаклдаги шеърлар мазмунан турлича эканлиги билан характерлидир. Шоирнинг хорижда яратилган шеърлари орасида энг кам учраган шакл бу “учлик” шакли бўлиб, 277 та шеър ичида бор йўғи биттагина учлик шаклига эга шеър мавжуд бўлиб, бу шеър шоир ижодида энг етакчи саналган Ватан мавзусидадир.

7. Шоирнинг хорижда яратилган асарларидаги шеърларни мавзу жиҳатдан қуйидагича тасниф этиш мумкин: 1) муҳаббат талқини; 2) ахлоқий мавзу ифодаси; 3) ижтимоий муҳит тасвири; 4) табиат лирикаси. Қайси

мавзуда шеърлар ёзмасин, Абдулла Орипов ҳаёт фалсафаси ва бадиий талқин, лирик кечинма ва поэтик тасвири юксак даражада уйғунлаштиради. Табиат ва жамият ҳақидаги қарашлари индивидуал поэтик тафаккур призмасидан ўтиб, бадиий синтез қилинади. Лирик кечинма ифодасида мавзу, ғоя ва тасвирининг санъаткорона уйғунлашуви, шеърда бутунлик, мазмуний мукамалликка эришилүви шоирнинг хорижда яратилган асарлари барҳаётлигини таъминлайди.

8. Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган шеърларида лирик кечинма асосан тўрт образ орқали бадиий талқин этилади. Улар: географик макон номлари образи; инсон образи; ҳайвон образи ҳамда детал образлардир. Бундан ташқари, шоир поэтик тафаккури тадрижи нуқтаи назаридан яна қуйидаги образлар хосланади: кашфиёт образлар; турғун ва ўзгарувчан образлар. Ушбу образлар хорижда яратилган барча туркумларида шоирнинг бадиий мақсадини ва лирик кечинмалари моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Бу образларнинг ҳар бири катта бадиий қимматга эга бўлиши баробарида мазмунан ва шаклан қатъий қиёфага эга экани шоир бадиий маҳорати нечоғлик юксак экани исботидир.

9. Ижодкорнинг хориж сафарлари мобайнида яратилган шеърлари тадқиқи шоир яратган образларнинг миллий табиати тўрт бадиий-эстетик омил асосида шаклланигандан далолат беради: 1) ўзбекона предметлар воситасида миллий руҳнинг образли ифодаси (дўппи, белбоғ, кишмиш ва ҳ.к.); 2) урф-одат, анъана ва хусусиятлар воситасида миллийликнинг образли акс этиши (чойхўрлик, ош); 3) ўзбек халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари воситасида миллий табиатнинг образли тасвири; 4) оҳанглар, фолклор услуби воситасида миллий хусусиятларнинг шоир лирик кечинмаларида ифодаланиши ( “Гўрковлар қўшиғи”, “Ўнг қовоғим учди-ё”).

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Ориповнинг хорижда яратилган асарларида поэтик мазмун ва шакл юксак мутаносибликда лирик кечинма тасвирини яратишга хизмат қилади. Ранг ва оҳанг синтези шоир лирик кечинмаси ва ижодий ниятининг мукамал бадиий ифодасини таъминлайди.

Ҳаёт фалсафаси бетакрор образлар воситасида бадиий талқин этилади. Лирик кечинма ва поэтик тасвир уйғунлиги иждокор бадиий-эстетик тафаккурини бор қўлами билан намоён этади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Рахбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Одамлар яхши яшаши учун зарур шароитлар яратиш – барча рахбарларнинг асосий вазифасидир. // Халқ сўзи, 2017 йил 28 февраль.
2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. (Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси) // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4 авг.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь.

### II. Илмий-назарий адабиётлар:

5. Абдурахмонов Қ. Буюклар қаҳқашонида. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. - 221 б.
6. Ашурова Г. Сўз ва тимсол уйғунлиги. – Тошкент: Маънавият, 2007.
7. Жабборов Н. Замон, мезон шеърият. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.
8. Жабборов Н. Адабиёт ва миллий маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2015. – 132 б.
9. Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Тошкент: Адабиёт, 2021. - Б. 207-223.
10. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. –Тошкент: Фан, 2006.
11. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.
12. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
13. Йўлдошев Қ. Сўз ёлқини. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018.

14. Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари: Филол.фан.номз...дисс. - Т., 2004;
15. Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент. Гафур Гулом номидаги НМИУ. 2016. – 364 бет.
16. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 536 б.
17. Каримов Ҳ. Истиқлол ва адабиёт. Дарслик. 2012.
18. Кўчимов А. Мен шоирман, истасангиз шу... Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2018. – Б.291.
19. Маллаев Н.А.Навой ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б. 228.
20. Мамажонов С. Гафур Гулом прозаси. – Тошкент: Фан, 1966. – 226 б.
21. Мамажонов С. Лирик олам ва эпик кўлам. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 334 б
22. Мирвалиев С. Ўзбек адиблари. XX аср ўзбек адабиёти.– Тошкент: Ёзувчи, 2006. – 280 б.
23. Навой асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). Адабиёт ва санъат. – Т.: 1972.
24. Назаров Б. Абдулла Орипов. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик.– Тошкент:Ўқитувчи, 1999.
25. Назаров Б. Истиқлол даври адабиётининг манзаралари. Мустақиллик даври адабиёти. Т.: 2006.
26. Назаров Б. Абдулла Орипов. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. Ўқитувчи.
27. Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари: Филол.фан.докт...дисс. - Т., 1996;
28. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. – Б. 121.
29. Орипов А. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000.

30. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000.
31. Орипов А. “Сен баҳорни соғинмадингми?..” (“Шарқ юлдузи” журнали ўқувчилари саволларига жавоблар). –Танланган асарлар. 6-жилд. – Тошкент: Sharq, 2010. – Б. 220-221.
32. Орипов А. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. –Т.: 2013.
33. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси.–Тошкент: Фан, 1979.–Б.192.
34. Раҳимжонов Н Шоир ва давр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б.184.
35. Раҳимжонов Н XX аср ўзбек поэмасининг ривожланиш хусусиятлари. – Тошкент, 1990.
36. Саидов А., Абдурахмонов Қ., Мирзо Ғ. Ўзбекистон - дилбар ватаним. – Тошкент: Akademnashr, 2021.
37. Сатторова Г. Миллий характер ва бадий талқин. Т.: “Фан”, 2007.
38. Сувон Мели. Сўзу сўз. – Тошкент: Sharq, 2020.
39. Улуғов А. Асл асарлар сеҳри. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. Тошкент. 2007.
40. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Тошкент. 1995.
41. Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999.
42. Қўшжонов М. Онажоним шеърият. – Т., Ўқитувчи, 194;
43. Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Т., Ёш гвардия, 1979;
44. Шарафиддинов О. Шеърият – қалб ёлқини // Ҳаёт билан ҳамнафас. – Тошкент: 1983;
45. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Тошкент: Маънавият, 2004.
46. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2004.
47. Шарафиддинов О. Оламнинг қалби. “Маънавият”.Тошкент, 2014.
48. Шарафиддинов О. Танланган асарлар. – Тошкент: Sharq, 2019.
49. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. Тошкент, 1973.

50. Қўшжонов М. Камалакдек сержило. /Абдулла Орипов. Йиллар армони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984.
51. Эркин Воҳидов. Танланган асарлар. “Шарқ” нашриёт- матбаа. Тошкент. 2016. 691 бет.
52. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Учинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2007.
53. Қодиров П. Тил ва эл. Бадиалар. – Тошкент: Маънавият, 2010. – 296 бет.
54. Қўшжонов М., Сувон М. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000.
55. Қўшжонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 279.
56. Қосимов Б. Абдулла Ориповнинг ижод мактаби. / Уйғонган миллат маърифати. – Тошкент: Маънавият, 2011.
57. Қосимов Б. Абдулла Ориповнинг ижод мактаби. / Уйғонган миллат маърифати. – Тошкент: Маънавият, 2011.
58. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: “Akademnashr”, 2018. – Б.90.
59. Қуронов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. - Тошкент: Akademnashr, 2013.
60. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018. – В. 480 .
61. Қуронов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 336 б.
62. Қуронов Д. Назарий қайдлар. – Тошкент: Akademnashr, 2018.
63. Ғаниев И., Афоқова Н. Озод руҳ фалсафаси. – Т., Фан, 2007;
64. Ғафуров И. Лириканинг юраги. Тошкент. “Ёш гвардия”. 1982.
65. Ғаниев И., Афоқова Н. Озод руҳ фалсафаси. Тошкент, Фан. 2006.
66. Ҳаққулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990.
67. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. –Тошкент: Шарқ,1999. – 212 б.

68. Умуров Ҳ. Адабиётшунослик назарияси –Т. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2004. – Б.116
69. Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон. 2002. – Б.92
70. Бобурнома. –Т.: Ўқитувчи. 2018. –Б.153
71. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. –Т.: Янги аср авлоди. 2011. –Б.115
72. Адабиётшунослик терминлари луғати. –Т.: Ўқитувчи. 1967. – Б.39
73. Кенжабек М. Ёшларга дил сўзларим. –Т.: Адабиёт. 2021. – Б.64
74. Адабий турлар ва жанрлар. II-жилд. –Т.: Фан. 1992. – Б.125.
75. Адабиёт назарияси. II том. –Т.: Фан. Б-241
76. Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. Усмон Носир ҳақида сўз. – Т.: Ёш гвардия Б.81.

### **III. Диссертация ва авторефератлар**

77. Акрамов Б. Проблема поэтического образа в современной узбекской лирике (60-е-80-е годы): Автореф. дисс... докт.филол.наук. –Т.: 1991;
78. Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. Филол.фанл.номз... дисс. – Т., 1998;
79. Аҳмедов Ҳ. Ўзбек адабиётида насрий шеър: Филол.фан.номз... дисс. - Т., 1995;
80. Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати: Филол.фан.докт... дисс... автореф. – Т., 1999.
81. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Ҳамса”сида хронотоп поэтикаси. Фил. фан. док-ри....диссертация автореферати. Тошкент, 2017.
82. Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеърлятида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол.фанл.номз... дисс. – Т.
83. Қосимов Я. Ўзбек шеърлятида поэтик фикрнинг янгиланиш жараёни: Филол.фан.номз... дисс. - Т., 1993.
84. Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеърлятида образлилик: Филол.фан.номз...дисс. - Т., 2005;

85. Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: Филол.фан.докт... дисс. - Т., 1994;
86. Турдимов Ж. Лирик кечинма табиати: Филол.фан.номз... дисс. – Т., 1999;
87. Маматова А. Ўзбек адабиётида сарбаст шеърнинг шаклланиши ва унинг бадиий-эстетик хусусиятлари: Филол.фан.номз... дисс. - Т., 2000;
88. Хамдамов У. XX аср ўзбек шеърияти бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол.фан.докт... дисс. - Т., 2018.
89. Раҳмонова М. Абдулла Орипов шеъриятида бадиий бутунлик. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1998.
- 90.** Хамдамов У. XX аср ўзбек шеърияти бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Филол.фан.д-ри...дисс.автореф. – Тошкент, 2017.
- 91.** Роззоқов А. Алишер Навоий шеъриятида илм ва маърифат талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)...дисс.-автореф.-Қарши, 2018.
92. Давлатова А. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида эстетик идеал муаммоси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 28 б.
93. Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати: Филол. фанлари д-ри... дисс... автореф. – Тошкент, 1999.
94. Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари: Филол. фанлари д-ри... дисс... автореф. – Тошкент, 1996.
95. Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: Филол. фанлари д-ри... дисс... автореф. – Тошкент, 1994;
96. Холиқова Д. Ҳозирги ўзбек шеъриятида фольклор анъаналари ва бадиий маҳорат: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011.
97. Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини (Чўлпон, Ғ.Ғулом, А.Орипов шеърияти мисолида) : Филол. фанлари номзоди... дисс... автореф. – Тошкент, 2001. – Б.30.

98. Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгилиниши: Филол. фанлари номзоди... дисс... автореф. – Тошкент, 1991. – Б.26.
99. Ҳамдамова С.Х. Фольклор аънаналари ва бадиий талқин: таъсир ҳамда акс таъсир масалалари (XVIII-XIX аср шеърияти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2012.
100. Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърияти бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б.70
- 101.** Ҳамдамов А.Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммоси.Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2011.
- 102.** Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний.Тошкент, Ўзбекистон, 2019, – Б.339
- 103.** Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси. Филол.фан.номз... дисс. - Т., 2007;
104. Бобобекова Г. Замонавий ўзбек шеъриятида лирик кечинма ифодаси. БМИ. Гулистон. 2015.
- IV. Илмий мақолалар**
105. Жабборов Н. “Ўткан кунлар”да миллий рух ифодаси. / Филология масалалари, 2020, 2-сон.
106. Жабборов Н. Киноя ва рамзлар замиридаги ҳақиқат. / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. III китоб. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2014.
107. Жабборов Н. Эркин Аъзамнинг ижод тутуми. Ёшлик, 2020.
108. Жабборов Н. Гўзал ташбих, сирли рух. / Озод Ватан саодати: Беш жилдли, 5-жилд, Тошкент: Адиб, 2013.
109. Шодмонов Н. Шоир ижодининг олмос қирралари. / Ўзимники эрур шу созим. Илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши: ҚарДУ нашриёти, 2011.
110. Бегимкулов Д. Шеъриятимиз юлдузи. – Орипов А. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент: Адабиёт ва санъат. 2000.

111. Ҳожиева Ш. Чўлпон ва миллий шеърятнинг янгилиши. Монография. Тошкент: Muharir, 2019.
112. Воҳидов Э. Ҳюстон илҳоми. Абдулла Орипов замондошлари хотирасида. Тошкент: Ғ.Ғулом, 2021, Б-268.
113. Улуғов А. Донишманд шоир. Абдулла Орипов иодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни. Халқаро конференция материаллари тўплами. – Т.: 2021.
114. Каримов Н. Нурли оҳанглар билан йўғрилган шеърят. Абдулла Орипов ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни. Халқаро конференция материаллари тўплами. – Т.: 2021.
115. Воҳидов Э. Замондошлари хотирасида / Ҳюстон илҳомлари. Т.: Ғ.Ғулом. – Б.268
116. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Т.: Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти. 2004. – Б.85
117. Қўшжонов М. Сувонов М. Истеъдоднинг туғилиши. Абдулла Орипов. Т.: Маънавият. 2000. Б-136
118. Толстой. Ёш ёзувчиларга. Т.: Бадиий ижод ҳақида. 1960. Б-93
119. Жабборов Н. Гўзал ташбих, сирли руҳ . / Озод ватан саодати. – Т.: Адиб. 2013. – Б.325.

#### **V. Интернет сайтлари**

1. <http://dic.academic.ru>
2. <https://www.worldcat.org/wcidentities/lccn-n85116178>
3. <http://feb-web.ru>
4. <http://files.school-collection.edu.ru>
5. <http://natlib.uz>
6. <http://slovar.lib.ru>
7. <http://www.traktat.com>
8. <http://ru.wikipedia.org>
9. <http://ziyonet.uz>
10. <https://www.williamshakespeare.net/hamlet.jsp>

11. <https://www.w3.org/People/maxf/XSLideMaker/hamlet.pdf>
12. [www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare\\_20.html](http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare_20.html)
13. [https://studbooks.net/.../russkie\\_perevody\\_gamleta\\_sposoby\\_adaptatsii\\_star](https://studbooks.net/.../russkie_perevody_gamleta_sposoby_adaptatsii_star)
14. [https://studbooks.net/772351/literatura/russkie\\_perevody\\_gamleta](https://studbooks.net/772351/literatura/russkie_perevody_gamleta)
15. <https://www.britannica.com/biography/James-Joyce>